


АНАМОЛИЙ РИБАКОВ



КРОШ
ВА УНИНГ
ЎРТОҚЛАРИ



**РУСЧАДАН АБДУВОРИС АБДУМАЖИДОВ
ТАРЖИМАСИ**

© «Ёш гвардия», 1975.



Биринчи боб

Автобаза мактабимиз яқинида жойлашган. Қўшни кўчада. Синф деразалари очиқ пайтда мотор овозлари эшитилиб туради. Юк машиналари ва самосваллар ишга жўнаётган бўлади. Улар Москва-нинг турли қурилышларига ускуналар ташишади.

Тунда машиналар ялангликда қатор туришади. Уларни қоровул қўриқлайди. У пўстинига ўралиб кабинада ухлайди. Бирор тасодиф бўлиб қолган тақдирда уни дарров уйғотса бўлади. Масалан, тунда бирор нарсани ўғирлаб кетишганини хабар қилишлари мумкин.

Қундузи автобаза дарвозаси олдида енгил машина эгалари тўпланиб туришади. Чеҳраларида хушомадгўйлик ифодаси: улар машиналарини ўзлари тузатишолмайди, шунинг учун ҳам ремонт қилишни ишчиларга топширишади.

Автобаза мактабимизни оталиққа олган. Шунинг учун ҳам политехникалаштириш маъносида мактабимиз районда энг илғор ҳисобланади. Автокомбинатимизни кўриш учун бошқа мактаблардан келиб туришади.

Биз машинани бошқаришни «ГАЗ-51» юк машинасида ўрганишимиз. Уни ҳам бизга автобаза совға қилган.

Мактабнинг хўжалик бўйича мудири Иван Семёнович ҳамма вақт уни хўжалик эҳтиёжи учун ҳайдаб кетишга шай бўлиб туради. Биз амалий машғулотга жўнаб кетаётганимизни кўрса жаҳли чи-

қади. Шошилиңч равишда кўмир ёки яна алланима олиб келиш зарур деб қичқиради.

Шунга қарамай, биз йигирма соатлик машина ҳайдаш машқини бажариб қўйдик. Айрим болалар ҳатто автомобилни бошқариш гувоҳномасига эга бўлиб олишди. Бу гувоҳнома «Еш ҳайдовчи гувоҳномаси» деб аталади. Унда: «...Автомобилни фақат болалар автотрассасида бошқариш ҳуқуқига эга...» деб ёзилган.

Аммо бу гувоҳнома билан шаҳарда ҳам юриш мумкин. Лекин, бу милицияга дуч келмагандагина мумкин. Айтгандек, агар милицияга дуч келинмаса, ҳеч қандай гувоҳномасиз ҳам юрса бўлади.

Автобазада ишлаб чиқариш практикасидан ўтамыз.

Параллель «Б» синфида эса қурилиш бўйича практика. Улар Липкадаги пионер лагери қурилишида ишлашади, ўша ерда яшашади. Практика эмас, роҳат. Биз эса бутун июнь ойини Москвада терга ботиб ўтказишимиз керак.

Менга бу практика умуман керак эмас. Мени автобазада қизиқтирадигани машинани ҳайдаш. Аммо практикантларга рулни беришмайди. Шунинг учун ҳам бу ерда мутлақо қиладиган ишим йўқ.

Практикага келганимизда автобаза директори:

— Қимда-ким яхши ишласа, ҳатто разряд олиши ҳам мумкин. Бешинчи разрядни ваъда қилолмайман. Лекин тўртинчиси бўлади,— деди.

Биз ҳовлида тургандик. Директор баҳайбат гавдали, юзлари офтобдан қорайган, кўк камзул кийиб олган киши эди. У собиқ шофёр эканлигини дарров фаҳмладим. Кекса шофёрларнинг юзи ҳамма вақт офтобдан қорайган бўлади. Чунки улар бутун умрини очиқ ҳавода, шамол ва офтобда ўтказишади. Директор у ёқдан-бу ёққа юрар ва гўё ўзини тийиб тургандек сокин ва хотиржам гапирарди. Бу ҳам унинг собиқ шофёр эканлигини тасдиқлайди. Асаб бўш бўлса машина ҳайдаш мумкин эмас, ўша ондаёқ аварияга учрайсан.

— Разрядли бўлиш ёмонми?— сўради директор ва бизга умид билан боқди. Разряд ҳақида эшитиб жуда хурсанд бўлишади, деб ўйлаган бўлса керак.

Аммо индамай туравердик. Ўтган галдаги практика пайтида фақат битта қиз ҳаддан ташқари интизомлилиги ва итотгўйлиги учун разряд олганини билардик.

Директор кўкка тикилди, кейин ёнимиздан ўтиб кетаётган слесарни кўзи билан кузатиб қўшиб қўйди:

— Қим ишлашни хоҳламаса, тўғриси айтсин, уни дарров бўшатиб қўяман.

Айрим болаларда бу ердан жўнаб қолиш истаги йўқ эмасди. Масалан, ўзим ҳам, чунки техникага мойиллигим йўқ. Аммо директорнинг «бўшатиб қўяман» дегани «ҳайдаб юбораман» маъносини билдирарди. Буни биз фаҳмлаб олдик. Ҳеч ким ишлашни хоҳламаслигини айтмади.

Кейин бош инженер келиб бутун хўжалик ҳақида тасаввурга эга бўлишимиз учун, автобазани кўрсатгани бошлаб кетди.

Буниси тўғри. Агар сен бирор бутун нарсанинг бўлаги ҳисоблансанг, у ҳақда тасаввурга эга бўлишинг керак. Акс ҳолда сен ниманинг бўлаги эканлигини билмайсан.

Семечкина ва Макарова бош инженер билан ёнма-ён боришарди. Улар галма-галдан бош инженернинг гапларини ихтиёрсиз равишда ёзишарди. Биттаси ёзаётганда, иккинчиси бош инженернинг гапларини ҳатто тингламасди ҳам. Фақат: «Жуда қизиқарли тушунтиряпсиз! Кўзимни узолмаяпман» демоқчи бўлгандек унинг оғзига тикилиб турарди.

Мен ҳеч нарсани ёзмадим. Уйга боргач — ёзиб оламан.

Бош инженердан анча нарида борардим. Оралиқ унинг гапларини эшитиш учун яқин, шунинг билан бирга лаганбардорлик бўлиб кўринмаслиги учун етарли даражада узоқ эди.

Орқадан қатор бўлиб болалар келишарди. Улар дуч келган нарсани қараб чиқишар ва турли машиналарнинг сифати ҳақида баҳслашишарди. Ҳаммадан кўра Игорь кўпроқ гапирарди. Акасининг шахсий «Москвичи» бўлиб, бу соҳада у ўзини йирик мутахассис ҳисобларди.

Мен эсам фақат бош инженернинг гапларига қулоқ солардим. Барибир практика ҳақида ҳисобот ёзишга тўғри келади.

Автобаза техника ва эксплуатация хизмати бўлимларидан иборат экан. Техника хизматига ремонт ва умуман машиналарни қараб туриш вазифалари киради. Эксплуатация хизматининг вазифаси юкларни ташиш.

Аммо бош инженер — директорнинг биринчи ўринбосари, эксплуатация бошлиғи эса иккинчи ўринбосар ҳисобланади.

Бунинг нотўғри эканлигини ўша заҳоти фаҳмладим. Бош инже-

нер биринчи ўринбосар, эксплуатация бошлиғи эса фақат иккинчи ўринбосар эканлиги нотўғри. Ахир, энг муҳими — бу, юкларни ташиш-ку! Кулги учун буни унинг ўзига айтиш ҳам мумкин. Аммо, агар бош инженерга уни биринчи ўринбосарликдан иккинчи ўринбосарликка ўтказиш лозимлиги айтилса, жони ҳалқумига келса керак. Инженернинг ўзи пакана бўлса-да, лекин бурни узун, овози жаҳлдор. Тегажаклик қилиб барака топмайсан.

Цехларни кўриб бўлгач ҳовлига чиқдик. Ҳовлида «Техника ёрдами» деб ёзиб қўйилган фургонли усти ёпиқ «техничка» машинаси турарди. Шу машинада ишлагани қўйишса яхши бўларди, деб ўйладим.

Албатта, техникага мойил болаларнинг омади келди. Автобазада механика, чилангарлик, мотор, агрегат, электротехника, пайвандлаш, бўёқчилик, темирчилик ва бошқа турли цехлар бор. Бироқ барча техник касблар орасида фақат биттаси — шофёрлик қизиқтиради. Агар «техничка»га тушиб қолсам, унда линияга ҳам чиқаман. Балки шофёр қўлимга рулни тутқизар.

Бош инженер бизни кабинетга бошлаб кириб:

— Энди сизларни ишга тақсимлайман,— деб эълон қилди.

— Қим қайси жойда ишлашини ўзимиз ҳал қилсак майлими?— деб сўрадим мен.

— Йўқ!— жавоб берди бош инженер.— Бу педагогикага зид бўлади.

У столдаги ойна тагида ётган қоғозга кўз қирини ташлаб, худди биз дарсда шпаргалкага қараб жавоб берганимиздек гап бошлади:

— Шунингдек ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Паришонхотир (бепарво) ўқувчиларга диққат билан ишлаш талаб этиладиган; қатъиятсиз ўқувчиларга — иродали бўлиш талаб этиладиган; тортинчоқ (одамови) ўқувчиларга — ташкилотчилик ишлари; ишёқмасларга — иш натижаси кўзга яққол ташланадиган вазифа топширилади.— У бизга қаради:— Тушунарлими?

Биз дарров фаҳмладик. Бизни паришонхотир (бепарво), тортинчоқ (одамови), қатъиятсиз ва ишёқмасларга ажратиш керак экан.

— Бизда бундайлар йўқ,— дедим.

— Бундайларинг кимлар?

— Паришонхотир, иродасиз, тортинчоқ ва одамови ўқувчилар. Ишёқмасларни олганда, уларни қандай билиб оласиз?

Шу савол билан бош инженерни гангитиб қўйдим. Уни акасининг «Москвичи» бор Игорь хижолатдан қутқарди.

Игорь умуман ҳаммамиздан ажралиб туради. Унинг юзи оплоқ. Айниқса оқ юзига қора сочи мос тушса мактабимизда энг гўзал ҳисобланарди. Игорнинг овози илмий мудирникига ўхшаб паст, босиқ эди. Синф раҳбаримиз Наталья Павловна бизга ҳамма вақт Игорни ўрнак қилиб кўрсатади. Унинг ажойиб хулқи ва ақллилигини мақтайди. Игорь ҳақиқатда ҳам зўр дипломат эди.

Игорь хотиржам бўлинг, ҳозир бу амакини боплайман, дегандек бизга кўзини қисиб қўйди-да, бош инженерга эҳтиром билан мурожаат қилди:

— Вячеслав Петрович, сиз болаларни уларнинг мойиллиги ва қизиқишларига қараб тақсимлайсизми?

У бош инженернинг исм ва фамилиясини ҳам билиб олибди!

— Худди шундай,— қувониб деди бош инженер ва яна шпаргалкага кўз қирини ташлади,— «Мойиллик ва қизиқишлар бўйича!»

— Шундай экан, буни ўзимизга қўйиб беринг,— деди Игорь,— биз мойиллик ва қизиқишлар бўйича болаларни цехларга тақсимлаймиз.

— Майли,— рози бўлди бош инженер,— гапинг тўғри.

Игорнинг яхши маслаҳат бергани, мен эса бўлмағур гапни валақлаганимни билдириб, таъна билан қараб қўйди.

Игорнинг доно гапларига қулоқ солишлари, менинг эса аҳмоқона гапларимга эътибор бермасликларига аллақачон кўникиб қолганман. Инженернинг таъна билан боқишига эътибор бермадим. Шу пайт у яна тўсатдан хўмрайиб.

— Лекин, билимдонлик қиласизлар-да!..— деди.

— Йўқ!— деб қичқирдик биз.— Билимдонлик қилмаймиз.

Ўзимиз цехларга тақсимлана бошладик.

Мойиллик ва қизиқиши бўлганлар масаласи тезда ҳал қилинди. Гринько билан Арефьев электрчи ва радист бўлганликлари учун электроцехга ўтказишни илтимос қилишди. Полекутин мотор цехига, Гаркуша билан Рождественский рассом бўлганлари учун бўёқчилик цехига ўтишди. Игорни эса бош инженер ўзига техник қилиб олди — унга Игорь ёқиб қолганди.

Бироқ, мойиллик ва қизиқиши бўлмаганларга келганда роса галва бўлди. Айниқса, қизлар масаласида. Уларнинг ҳаммаси бир цехда ишламоқчи бўлишди.

Тўлолон ва жанжал кўтарилди.

Бош инженер кўзларини пирпиратиб дам бу, дам у ёққа қарарди. Ҳозир бу шовқин жонига тегиб, бизни ўзича тақсимлашини сезиб турардим.

Шу пайт бахтимга навбат менга келиб қолди. Эксплуатация хизмати бўлимида ишламоқчи бўлганимни айтдим.

Бош инженер ҳайрон бўлди. Лекин рози бўлди: мени изза қилиш имконияти туғилганидан қувониб кетди. Мен унга ёқмаган эдим.

Эксплуатация бошлиғи ҳузурига йўл олдим. У лаблари гўштдор, семиз қора киши экан.

У телефонда аллаким билан сўкишиб бўлгунча роса бир соат кутдим. Ҳатто у гаплашиб бўлиб ҳам ҳадеб телефон трубкасига ёпишарди.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ учун келганимни айтдим. У ағрайиб қолди.

— Нима бўлди уларга, ақлдан озишганми?!

Яна телефонга ёпишди.

Унинг директорга қўнғироқ қилишидан қўрқиб шоша-пишадан:

— Техёрдам машинасида ишламоқчийдим,— дедим.

У хандон ташлаб кулди, ҳатто телефон трубкасини силаб ҳам қўйди.

— Қимматли укам, бу ерга адашиб кирибсан! Чин сўзим. Техёрдам машинаси менга бўйсунмайди. У бош инженер ихтиёрида.

Роса алданибман-да!

У менга автобаза техника ва эксплуатация хизмати бўлимидан иборат эканлигини тушунтира бошлади. Техника хизматига...

Аммо унинг сўзини бўлдим:



— Кечирасиз, янглишибман.

Қайтиб яна бош инженернинг олдига бордим. У кабинетидаги катта ёзув столи олдида қовоғини солиб ўтирарди. Унга эксплуатация хизматида мен учун мос иш йўқлигини тушунтирдим.

— Эҳа, ука,— деди бош инженер,— жуда ўжар экансан!

Кейин ҳеч қандай гап-сўзсиз мени бу ерда оддийгина қилиб гараж деб юритиладиган профилактика цехига юборди.

Иккинчи боб

Барибир бизнинг, мен билан Шмаков Пётрнинг омадимиз келди. У ҳам гаражга тайинланди.

Устахонада ишловчилар автомобиль қисмлари билан танишишади. Биз эса гаражда бутун автомобилни ўрганамиз. Бу ерда уни ювишади, мойлашади, созлашади, енгил ремонт ва профилактика қилишади. Машиналарни у жойдан-бу жойга слесарларнинг ўзлари юргизишади, ҳатто тормоз ҳаракатини синаб кўриш мақсадида кўчага ҳам олиб чиқишади. Шмаков Пётр билан менга ҳам рулда ўтириб практика ўтказишнинг тўла имконияти бор эди.

— Нима дейсан, Шмаков,— сўрадим Пётрдан,— бу ерда машина ҳайдашга рухсат беришармикан?

У ўйлаб туриб жавоб берди.

— Беришади.

У жавоб беришдан олдин ҳамма вақт ўйлаб оларди.

— Бунинг учун бирор иш қилишимиз керак,— дедим мен.

— Улгурамиз.

— Унгача практика ўтиб кетади-ку,— деб туриб олдим мен.

— Сабр қилиш керак,— деди Шмаков Пётр.

Бироқ қанча сабр қилсак ҳам бизга рулни беришни ҳеч ким ҳаёлига келтирмасди. Бизга жуда бепарво муносабатда эдилар.

Бизга мустақил иш беришмасди — қўрқишарди. Бу ердаги иш жуда масъулиятли, бирорта гайка қаттиқ буралмаса авария юз бериши мумкин. Ҳатто фалокат юз беради. Фалокат ҳам авария ҳисобланади-ю, бироқ унда киши қурбон бўлади.

Биз жуда секин ишлардик. Слесарларнинг эса кутишга тоқатлари йўқ эди: улар графикни бажаришлари лозим, уларда план бор эди.

Тўғриси айтганда, ўзим ҳам бу ишга унчалик қизиқмасдим. Аммо, атрофингда ҳамма меҳнат қилаётганда бекор юриш ноқулай эди, ҳатто ёмон эди.

Чеким шу ерга тушган экан, менга ишқёмас ва текинхўр сифатида қарашларини истамайман.

Бу ерда бизнинг «оёғимиз ерга тегмасди». Ишимиз кўп эди: аллақерга бориб келиш, у-бу нарса олиб келиш, омбор ёки устахонага югуриб бориш, асбобни ушлаб туриш, кўчма лампа билан ёритиб туриш, қисмларни ювиш...

Ремонтдан чиққан машинани ҳовлида брандспойт билан ювишни топширса маза. Бу бутунлай бошқа гап! Сув шундай отиладики! Уни дам-удам бу томонга йўналтирамиз. Парча-парча лой кўчиб тушади ва ариқча бўлиб оқиб кетади. Кузовдан пар чиқиб туради, чунки сув июнь қуёши нурида тезда буғланиб кетади. Топтоза ялтироқ машина супадан тушгач, ўз меҳнатинг самарасини кўрасан.

Аммо бундай кўнгилли иш ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Машиналар кечқурун, линиядан қайтиб келгандан кейин ювилади, биз эса эрталаб ишлаймиз.

Шмаков билан менинг унчалик омадим келмагани кўриниб турибди. Устахоналарда ишлаётганлар биздан кўра омадлироқ экан. Устахоналарда иш бир смена, шунинг учун ўртоқларимиз ўша сменада ишлайдиганларни танишади, ишчилар эса уларга кўникиб қолишган.

Гараж эса туну кун, уч смена ишлайди. Шмаков билан мен эса турли бригада аъзолари билан ишлаймиз.

Биз биринчи кун ишлашган бригада ишчилари икки кундан кейин келгач, ҳатто бизни танишмасди, бизни мутлақо эсдан чиқариб юборишарди. «Ие, ҳали ҳам шу ердამисизлар?!» — деб ҳайрон бўлиб бизга тикилишарди.

Улар ҳатто бизнинг исмиимизни ҳам билишмасди. Шмаков Пётр мендан каттароқ бўлиб кўрингани учун уни «йигитча» деб чақиришарди. «Ҳей, йигитча, қани, йигитча!» Мени улар аввалига «болакай» деб аташди. «Ҳей, болакай, қани, болакай!». Болалар мени «Крош» деб чақиришларини эшитиб, улар ҳам «Крош» деб атайди-

¹ Бу ерда «Крош» сўзи ушоқни билдиргани учун ишчилар болани «Ушоқ» деб чақиришади.

ган, айримлари эса ҳатто «Ушоқ»¹ дейдиган бўлишди. «Ҳей, Ушоқвой, қани, Ушоқвой!» Улар болалар кичкиналим учун шундай аташади, деб ўйлашарди. Аслида. «Крош» — бу, фамилиям Крашенинниковнинг қисқартирилгани эди. Мактабда ҳамма вақт фамилияларни, айниқса меникига ўхшаш узун фамилиялари қисқартириб айтишади. «Крош» ҳам шундай пайдо бўлганди. Гараждаги ишчилар эса бу номга бошқача, мен учун таҳқирловчи маъно беришди.

Умуман, бизнинг ҳозирги аҳволимиз мени ҳеч қаноатлантормасди. Бунақада ҳеч қачон бизга рулни ишониб беришмайди.

Фикримни Шмаков Пётрга айтгандим, у «хотиржам бўлавер» деб жавоб берди.

Шмаков Пётрга бундай дейиш осон. Унинг характери билан хотиржам юриш мумкин. Агар унга «қани, йигитча, болтни бурабоқ!» дейишса, Шмаков Пётр гайкани олиб болтни бурай бошлайди. Ҳеч кимга қарамайди. Инқиллайверади, муҳим вазифани бажараётгандек ишга шўнғиб кетади... Шу сабабдан уни ҳурмат қилишади. Унинг кўриниши жиддий ва ишчан туюлади.

Кейин эса, Шмаков бутунлай бошқа болтни бураб чиқаргани маълум бўлади.

Унинг ўрнида бўлганимда уятдан ер ёрилса ерга кириб кетардим. Шмаков эса бепарво... Худди ҳеч нарса бўлмагандек ишни қайта бошлайди. Ушандек ҳафсала ва жиддийлик билан ишлайди. Шу сабабли ҳамма мендан кўра Шмаковни яхши ишлайди, деб ҳисоблайди.

Бунинг сабаби қуйидагича. Мен Шмаковдек гайкани шунчаки бурайвермайман. Бу гайканинг қандайлиги ва нима учун бураётганимни билишим керак. Бажараётган ишимни, унинг моҳиятини ва умумий вазифасини тушунишим керак. Фикрлашнинг дедуктив усули. Шмаков Пётр суриштирамайди, мен эса савол беравераман. Слесарлар эса саволларга жавоб бермайдилар. Вақтлари йўқ. Балки, жавоб топишолмас.

Ҳатто слесарлар бригадири — берет кийиб юрадиган, испанга ўхшаган Дмитрий Александрович менга шундай деди:

— Сен, университет-эмансипе, камроқ суриштир.

Аввалига мени нега шундай деб атаганига тушунмадим. Кейин билсам, Чеховнинг «Муқаддас соддалик» сарлавҳали ҳикояси бор

экан. Аллақайси вилоятга, руҳоний ҳузурига унинг ўғли, таниқли адвокат келади. Руҳоний ота адвокат ўглини «университант-эмансипе» деб атайдн.

Слесарлар бригадири Дмитрий Александровичнинг беретка ки-йиб юриши, испанларга ўхшаши ва Чехов ҳикояларини яхши би-лишидан жуда мамнунман. Аммо одамга лақаб қўйиши яхши эмас.

Айниқса бизни ҳунар мактабидан келган Қоська безор қиларди.

У Шмаковдан ҳайиқарди. Шмаков унга ҳеч эътибор бермасди. Менга эса ёпишиб олди, дам у ерга, дам бу ерга юбораверади. «Ҳей, Ушоқ, чўткани олиб кел!»— деб қичқиради у бу иш ўзига топширилган бўлса ҳам. У атиги тўртинчи разрядли слесарь, холос.

Қоська мен билан Шмаков Пётрга аҳмоқона саволлар беришни яхши кўради.

— Қани, хўш айтинг-чи, практиклар (у бизни шўйдаи деб ча-қиради), қани айтинг-чи: машина жойида турганда нимаси иш-лайди?

Мен елкамни қисиб:

— Нима бўларди? Мотор-да,— дедим.

— Мотори ўчирилган.

— Чироғи.

— Чироғи ўчирилган.

— Демак, ҳеч нарсаси ишла-майди.

— Эҳ, бечора Ушоқвой! Унинг тормози ишлаб туради, билдингми!

— Тормози берилмаган бўлса-чи?— Эътироз билдирдим.

Қоська хахолаб кулиб юборди:

— Тормоз берилмай уни қолди-риб бўларканми? Ҳеч балони бил-масликларинг кўриниб турибди.

Ана шу Қоськага кўз-кўз қилиш учун уйимдан «Еш ҳайдовчи гувоҳ-номаси»ни олиб келиб уни слесар-ларга кўрсатдим.

Бу гувоҳнома уларда шунчалик таассурот қолдиришини ҳеч кутма-гандим.



Мен гувоҳномани кўрсатганимда улар бақарайиб қолишди.

Лекин қўлларига бермадим. Фақат унинг муқовасидаги «Ёш ҳайдовчи гувоҳномаси» ёзувини кўрсатдим. Кейин ичини очиб ўз исм ва фамилиямни ва фотосуратимни кўрсатдим.

Бу ерда ёш слесарларнинг ҳаммаси шофёр бўлишни орзу қилишади. Қулай вазият келиб қолганда рулга ўтиришади. Шунда қўрқувдан юзлари буришиб кетади. Аксинча, кабинадан тушаётганларидан эса худди коинотга парвоз қилгандек виқор билан чиқишади.

Уқувчи бўла туриб шофёрлик ҳуқуқига эга эканлигим уларни ҳайратга солди.

Бу гувоҳноманинг ростакам эмаслиги хаёлларига ҳам келмасди. Чунки у босмахонада босилган эди. Ахир, босмахонада аллақандай сохта нарсаларни босишмайди-да.

Слесарлар соддадил кишилар бўлиб, ҳамма нарсани тўғри тушунишади.

Худди шунинг учун ҳам, улар гувоҳномани ростакам деб ўйлашди. Шу сабабли қойил қолишди.

Шмаков Пётрнинг гувоҳномаси йўқ эди. У ўз пайтида имтиҳон топширишга бормаганди. Ушанда «бу болалар гувоҳномаси кимга ҳам керак бўларди?»— деганди.

У ўшанда шундай деганига энди афсусланди. Энди бу гувоҳнома билан қанчалик эътибор қозонганимни кўргач, имтиҳон топшириш учун бормаганига афсусланди.

Аммо Шмаков содда кўринса ҳам анойи эмасди. У ўзини худди шундай гувоҳномаси бордек тутди.

Слесарь Коська ҳурмат билан мендан «Агар гувоҳноманг бўлса, нега машина ҳайдамайсан?»— деб сўраганда, Шмаков: «Рулга интилишининг нима ҳожати бор. Гувоҳномаси йўқлар интилаверсин», деб жавоб берди менинг ўрнимга.

Бу жавобдан Шмаковда ҳам гувоҳнома бор, худди шунинг учун ҳам машина рулига интилмайди, деган маъно билинди.

Мен ҳам ўзимни худди иккаламизда гувоҳнома бордек тутиб юрдим. Уртоқларча бирдамлик кўрсатдим. Чунки Шмаков жавоби билан слесарь Коськанинг тилини қисиб қўйди.

Иккаламизда ҳам гувоҳнома борлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмади. Обрўйимиз кун сайин оша борди.

Аммо бу гувоҳномалар, менинг ҳақиқий ва Шмаковнинг тахминий гувоҳномамиз кейинги воқеаларда хунук роль ўйнади.

Учинчи боб

Аста-секин бизга ўрганиб қолишди, биз ҳам ишга киришиб кетдик.

Бизга тўртинчи разрядли слесарлар бажарадиган операцияларни ишониб топширадиган бўлишди. Масалан, олд томондаги буфер, номер белгиси, тўхташ сигнали, чироқлари қанчалик мустаҳкам ўрнатилганлигини текшириш ёки мойлашни бажарадиган бўлдик. Қаерни, қачон ва нима билан мойлашни билиб олдик.

Бир куни ҳатто радиаторни текшириб, мустаҳкамлаб ўрнатдим. Суви оқмаётганини билиш учун аввал радиаторни, сўнг иккала шлангини диққат билан қараб чиқиш, кейин бўйинчаларини авайлаб тортиш керак. Бу бешинчи разрядли мураккаб ва масъулиятли иш эди. Уни эса менга юклашди. Кейин ҳамма ишни тўғри бажарганим маълум бўлди.

Испанга ўхшаган бригадир Дмитрий Александрович ишимни текшираётганда, бепарволик билан қўлимни латтага арта бошладим. Асосийси ҳаяжонланмаслик керак. Агар ҳаяжонлансанг, албатта бирор ерини чала қолдирган деб ўйлашади.

Энди бизни қаёққа юборишларини кутиб, галварсдек қўзимизни лўқ қилиб турмаймиз. Нима иш қилишни ўзимиз биламиз.

Биз ўрганиб қолдик, бизга ҳам ўрганиб қолишди. Тўғри, ҳали бизга рулни тутқазишгани йўқ. Бироқ умидимизни узмадик. Яна бизга, мен билан Шмаков Пётрга омад кулиб боқди, деб ҳисоблай бошладик. Цехларда ишлаётган болалар бир жойга тайинланган. Биз эса автобазанинг ҳамма ерида юра оламиз. Дам у ерга, дам бу ерга юборишади — гараж бутун цехлар билан алоқа қилади. Ҳамма бизнинг ҳаракатчан, тезкор ишимизга ҳасад қилади.

Кўпинча биз ҳовлида ишлардик. Қуёш нур сочиб туради. Енгил нафас оласан. Ким келди, ким кетди, ким қаёққа борди, қаерга нима олиб боришди, ҳаммасини кўриб турасан. Эксплуатация бошлиғи телефонда сўкишаётгани эшитилиб туради. Бир сўз билан айтганда, бутун автобаза ҳаётидан хабардор бўлиб турасан.

Бош инженер бизни цехларга бошлаб кирганидан бери кўп вақт ўтгани йўқ. Энди эса биз бу ернинг ўз одамларимиз. Қоровул ҳатто пропускани ҳам суриштирмайди.

Эрталаб ҳеч ўрнингдан тургинг келмайди. Бироқ нимадир туртиб: ўрнингдан тур, ўрнингдан тур, дегандек бўлади. Яхши эмас, ноқулай бўлади... Йигирма минут кечикиб келсанг ҳамма аллақачондан бери ишлаётгандек туюлади. Ҳар бир киши ўз ўрнида ўз иши билан машғул, сен эса ортиқча бўлиб кўринасан. Эрталабдан нима бўлганини билмайсан. Балки, ҳеч нима бўлмагандир. Ўзингни ортиқча сезасан. Гап интизомда эмас. Гап шундаки, бошқалар ишлашяпти, сен эса ишламаяпсан. Демак, улар сен учун ишлашяпти.

Яхшиси, ишга йигирма, ўн беш минут илгари келиш керак. Тунги смена ҳали кетмаган, эрталабкиси энди келаётган бўлади. Уларнинг бригадири ишни бизнинг бригадирга топширади. Ишчилар кулишиб, ҳазиллашиб, турли латифалар айтишиб, кийинишади. Ким тўғри, ким ёлғон гапираётганини биз биламиз.

Смена бошланишини кутиб, гараж дарвозаси ёнидаги скамейкада ўтирамиз. Эрталабки қуёш майин нур сочади. Охирги машиналар линияга жўнаб кетмоқда. Шофёрлар путёвкани олиб диспетчер хонасидан югуриб чиқишади, улар кеч қолишяпти, шошилишлари керак. Машиналар орқасида кўкимтир тутун қолдириб, линияга жўнаб кетишади.

Ҳовлида директор турибди. Ҳамма у билан «Салом, Владимир Георгиевич» деб саломлашади. Директор ҳам «Салом» деб жавоб беради. Бир хилларининг исм-фамилиясини, бошқаларни фақат исмини, яна бир хилларини фақат фамилиясини айтиб саломлашади, айримларга эса фақат «Салом» деб қўяди. Масалан, бизларга шундай дейди.

Айтгандек, Игорнинг исмини айтиб саломлашади. Игорь ғидорада, техника бўлимида ишлайди, бошлиқлар ёнида ўралашиб юради, шу сабабли директор унинг исми Игорь эканлигини биледи. Фамилиясини билмаса ҳам керак.

Игорь цехларга бориб бланкаларни тўлдиради. Қўлида катта ялтироқ папка, чўнтагида авторучка, ишчиларни «Беломор» билан меҳмон қилади. У ўзини бош инженер ўринбосаридек тутеди.

Ишчилар билан у шундай муомалада бўлади. Бизга эса ўз вазифасини эрмак қилгандек кўзини қисиб қўяди. Уни кеккайиб кет-

япти деб ўйламаслигимиз учун ўзини мазах қилиб «клерк» деб атайди. Қимда-ким кеккайса, жуда оддий усулда адабини бериб қўйишимизни билади. Бу усулни ўзида синаб кўришни истамайди.

Игорь катталар орасида ўралашиб юришни, ҳамма нарсадан хабардор бўлишни, воқеалар марказида бўлишни яхши кўради. Барча бошлиқларнинг, барча механик, мастер ва бригадирларнинг исм-фамилиясини билади. Бизнинг эксплуатация бошлиғимизни яқинда трестга ишга олишларини билади, ҳатто эксплуатация бўлимига тайинланадиган бўлажак бошлиқнинг фамилиясини ҳам айтади. Кеча директорни трестга чақириб, Черёмушкадаги турар-жой квартали қурилишига материаллар сушт ташилаётгани учун виговор беришгани ҳақида хабар берди. Қисқаси мен ҳам, Шмаков Пётр ҳам, бошқа болалар ҳам билмайдиган гапларни Игорь билади.

У ҳатто гаражимизга келадиган енгил машина эгаларини ҳам танийди. Баъзан кўчага чиқиб:

«Мана бу «Волга» Липа фамилияли таниқли врач-гомеопад¹ники. Анави икки рангли машинанинг эгаси эса Марказий бозорда мева сотади. Шалағи чиққан мана бу «Москвич» фалончи профессорники...»— деб кўрсатади.

Игорь бошлиқлар олдида ўралашиб юриши, ҳаммани билиши ва ишчиларни «Беломор» билан сийлаб туришига қарамай, улар олдида ҳеч қандай обрўси йўқ эди. Ишчилар у ҳам биз каби практикант эканлигини ҳатто билишмайди. Техника бўлимининг янги хизматчиси деб ўйлашади.

Мактабда Игорь «буюк шахс» ҳисобланса-да, бу ерда биз ундан устунлигимизни сезардик. Чунки Шмаков иккимизнинг ишимиз оғир, биз машина остидан чиқмаймиз. Бу билан биз фахрланамиз. Қир камзулимиз ва мой босган брезент шимимиз билан фахрланамиз. Менда техникага мойиллик йўқ, аммо ишга киришдимми, ишлаш керак. Игорь маълумот олиш учун ўзининг ялтироқ папкаси билан гаражга, олдимизга келганда, биз унга:

— Кутиб тур, вақтимиз йўқ, кўряпсан-ку, ахир?!— деймиз.

Бундай терс жавобни эшитиб, жаҳли чиқса ҳам, Игорь бизга сездирмасликка ҳаракат қилади.

Бугун ҳам шундай бўлди.

Шмаков билан биргаликда машинадан қуйган глушителни ечиб

¹ Врач — гомеопад — ўт-ўланлар, илдизлар билан даволовчи врач.

олаётган эдик. Бундан кўра серғалва иш йўқ. Чуқурчанинг ичига тушиб олиб куйган глушитель билан овора бўласан. Ишлаш жуда ноқулай, ҳеч нарсага қўлинг бормайди. Болтлар, гайкалар занглаб кетган, на қимирлата оласан, на бурай оласан. Шмаков инқиллаб уринади, аммо иши юришмайди.

Мана, чуқурча ёнида Игорь пайдо бўлди, у чўккалаб олиб меҳрибонлик билан:

— Салом заҳматкашлар!— деди.

— Салом,— дедим рўйхуш бермай.

Шмаков эса ҳеч нима демади.

— Боплаяпсизларми?!

Биздан нидо чиқмагач:

— Бугун ишдан кейин практикантларнинг умумий йиғилиши бўлади. Қатнашиш мажбурий,— деди.

— Бошланди,— дедим тўнғиллаб.

— Нима деб гўлдираяпсан?— сўради Игорь мулойимлик билан.

— Сенинг йиғилишларинг жонга тегди, деяпман!

— Йиғилиш меники эмас,— эътироз билдирди Игорь ўшандек мулойимлик билан,— бош инженер билан Наталья Павловна ўтказди.

Наталья Павловна — синф раҳбаримиз.

— Биламиз,— жавоб бердим мен.— Буни сен уюштиргансан.

— Сизларни огоҳлантириб қўйдим!— деди Игорь ва ялтироқ папкасини кўтариб биздан узоқлашди.

Шмаков билан ишни давом эттирдик. Лаънати глушитель ҳеч жойидан қимирламас, шу сабабли асабийлашардим. Ахир биз слесарь Лагутин билан ишляпмиз. У эса жуда бемаза одам.

Ўзи бақувват, чиройли йигит. Аммо ўтакетган қўпол. Бўлар-бўлмаса болохонадор қилиб сўкинади. Сўкинаётганда ўзи қип-қизариб кетар, кўзлари ола-кула бўлар, худди қутириб кетганга ўхшарди. Агар Лагутин мени ҳақорат қиладиган бўлса, кескин зарба беришга аҳд қилиб қўйдим.

Лагутин глушителни чиқаролмай овора бўлаётганимизни кўриб ўзи чуқурчага тушди. Тушаётганда мени қўполлик билан туртиб юборди. Ўғри йиқилганча тор, бир-бирига тегиб кетмасликнинг илаҳи айи. Кейин Лагутин мени атайлаб туртганига ишончим комил эди.

— Тўнғиллаб бўлди йидими?— дедим.



Лагутин нима дейишини билмай қолди. Фақат кўзларини ўқрайтириб қаради. Ниҳоят глушителни чиқариб, чуқурчадан кўтариб олганимиздан кейин ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, Шамаков Пётрни сўқди.

Шамаков ҳам унга жавобан бамайлихотир сўкиниб қўйди.

Кейин унга:

— Сўкиниб ўзингни камситасан-да,— дедим.

— Мен муҳбир аъзо эмасман,— жавоб берди Шамаков Пётр.

Айниқса Лагутиннинг Зинага муносабати менинг жаҳлимни чиқарди. Зина автобаза диспетчери. Зина Лагутинни севиб қолганми, билмадим... Кунига йигирма маргалаб гаражга келади. Худди кимнидир ахтараётган бўлади. Гаражда эса у излайдиган одам йўқ. Ким керак бўлса радио орқали: «Фалончи ҳайдовчи тезда диспетчер хонасига кирсин», деб чақириш мумкин.

Зина гаражда юраркан Лагутинга тикилади. Лагутин ўзини дарҳол бепарво қилиб кўрсатади. Агар қиз унга яқинлашса қово-

ғини уйиб олар, ўзини худди банд кишидек, бошқа ишга вақти йўқдек тутарди. Зина чиқиб кетарди. Одамнинг унга раҳми келарди. Ҳам раҳминг келади, ҳам нафратланасан. Одам деган ўзини бунчалик камситмайди!

— Нега унинг ортидан югуради?!— дейди Шмаков.— Лагутин у билан юришга мажбур эмас. Аҳмоқ!

Мен эса Зинага ачинаман. Бир балоси бўлмаса у бекорга Лагутинга осилмасди. Балки, аввал юриб, кейин ташлаб кетгандир?

Баъзан йигит ҳеч қандай эътибор бермаган тақдирда ҳам қиз ўз-ўзидан севиб қолган ҳоллар бўлган. Аммо бундай воқеалар онда-сонда учрайди. Мен атиги битта шундай воқеани биламан. Бу синфдошим Надя Флерова. Кўзлари ярқираб турадиган озғин қизча. У Майка Катанскаянинг дугонаси. Майка эса мактабда энг чиройли қиз. Агар бирорта олифта Майкани севиб қолса, Надя Флерова албатта ана шу олифтага кўнгил қўяди.

Албатта, бу жуда кам учрайдиган ҳодиса. Надя Флерова дугонасига рақобат қилиб кўнгил қўяди. Балки, аксинча, ҳамдардлик гуйғуси натижасидадир. Бундай ишлар мени унчалик қизиқтирмайди.

Майка Катанская билан Надя Флерова қоплама цехида ишлашади. Бу ерда машина ўриндиғи ремонт қилинади, брезент қоплама, асбоблар солинадиган сумка ва шунга ўхшаган буюмлар тикилади.

Майка автобазага келганда ҳамма унга тикилади. У шунақа чиройли. Баланд бўйли, қоп-қора узун сочини иккита қилиб ўриб ташлаб қўйган. Ҳамманинг унга тикилиши менинг гашимни келтирарди. Одамнинг орқасидан тикилиш ёмон одат.

Лагутин ҳам Майкага тикилади. Унга ёқиб қолгани билиниб турибди. У қоплама цехига дабдурустдан машина ўриндиғини олиб борди. Ўриндиқ ҳали туппа-тузук эди. Аммо Лагутин ремонт қилиб беришни сўради. Кеча эса уйга кетаётганимизда, у дарвоза ёнида туриб Майкага тикилди. Унга ва Надя Флеровага алланима деди. Нима деганини эшитолмай қолдим. Аммо ўша ондаёқ Майка Лагутинга жавоб қилса, ундан нафратланаман, деган қарорга келдим. Ўз иззат-нафсини қадрламайдиган аёл бундан бошқа ҳеч нимага сазовор эмас.

Майка ҳатто ўгирилиб қарамади ҳам.

Буни кўриб жуда қувониб кетдим.

Надя Флерова ўгирилиб қаради. Бироқ, Надя Флеровага туфурдим!..

Биз глушителни ечиб, уни пайвандлашга олиб бордик. Пайвандлангач олиб келиб, жойига ўрнатиш учун жуда кўп уриндик. Глушителни ечишдан кўра ўрнатиш янада қийин: уни кўтариб туриш керак, қўлларинг толиб кетади.

Энди бу машинанинг ремонтини тугаллаш учун, олдинги гилдиракларидаги подшипникларини алмаштириш лозим. Подшипникларни аллақачон омордан олиб келиб қўйганман. Улар ялтироқ, мой босган қоғозда дастгоҳ устида турибди. Аммо уларни Лагутиннинг ўзи қўйиши керак. У эса кўринмасди, қоплама цехи ёнида ўраллашиб юрибди. Уни чақириб келиш учун ўша ёққа бордим.

Лагутин мамнун ҳолда верстак чеккасида ўтириб чекарди. Майка машинада тикмоқда. Надя Флерова қўлда тикяпти. Мастер Иван Кузьмич полда бир парча дерматинни қирқмоқда.

— Подшипникларни қўйиш керак,— дедим Лагутинга.

У ҳеч нима демади.

Мен такрорлаб ўтирмадим. У нима деганимни яхши эшитди.

Қизларнинг ёнига бордим. Лагутин каби дағал одамнинг улар билан қандай муомала қилиши мени қизиқтирарди. Аммо у индамасди. Балки мен халақит бераётгандирман. Балки у менинг ҳузуримда гапни давом эттиришни истамас. Балки мен келгунга қадар гапини тугатгандир.

Қўққисдан цехга диспетчер Зина кириб эшик олдида тўхтади. Ҳозир кичик бир жанжал кўтарилади деб ўйлаб қувониб кетдим. Лагутиннинг қанақа одамлигини Майка кўриб қўйсин.

— Уртоқ Лагутин, сизни бир минутга мумкинми?— маюс оҳангда деди Зина.

Лагутиннинг чеҳрасида бефарқлик аломати пайдо бўлди.

— Яна нима гап?

— Бир минутга,— такрорлади Зина.

Биз ҳаммамиз, Майка ҳам, Надя ҳам, ҳатто мастер Иван Кузьмич ҳам уларга тикилиб қолдик.

Лагутин қовоғини солди:

— Қанақа махфий гапинг бор?

— Иш юзасидан,— деди бечора Зина.

— Ҳа майли,— деди эринчоқлик билан Лагутин,— —диспетчерлар хонасига кириб ўтарман.

Зина яна бир оз турди-да, ўгирилиб цехдан чиқиб кетди.

Орага жимлик чўкди.

Мен кулиб қўйдим.

— Нега тиржайяпсан?— деди Лагутин менга кўз қирини ташлаб.

— Тиржайиш менинг ишим,— дедим унга жавобан.— Яхшиси, юринг подшипникни қўйгани, кейин биз йиғилишга кетиб қоламиз.

«Яхшиси» деган гапимни эшитиб у кўкариб кетди. Нимага шама қилаётганимни тушунди.

— Сизларсиз ҳам қўйишади,— деди тўнғиллаб.

— Билганингизни қилинг,— дедим-да, цехдан чиқиб кетдим.

Тўртинчи боб

Ишдан кейин биз ялангликка тўпланиб, эски «ГАЗ-51» машинаси ёнига ўтирдик. Бу машина ишга яроқсизлиги учун қисмларини олиш керак эди.

Йиғилишни Игорь очди. У бир ҳафтадан бери ишлаётганимизни, энди шу ҳафтани якунлаш вақти келганини айтди. Лекин аввал раис билан секретарни сайлаш лозим, деди.

Раисликка унинг ўзини сайладик. Игорни бизда ҳамма вақт раисликка сайлашади. Секретарликка мени таклиф этишди. Аммо мен қўлим оғриётганини, уни болға билан уриб олганимни айтдим. Бу аллақачон бўлган ва уни эсдан ҳам чиқариб юборган эдим. Ҳозир эса бахтимга шуни эслаб қолдим. Гапимга ишонишди. Менинг ўрнимга Макаровни сайлашди.

Йиғилишга синф раҳбаримиз Наталья Павловна билан автобазанинг бош инженери ҳам келишди. Биринчи куни бизни цехлар билан таништирган ўша бош инженер. Маълум бўлишича, у практикага раҳбарлик қиларкан. Мен бундан беҳабар эдим.

Бош инженер автобаза маъмурияти бизга яхши шароит яратиб берганлигини айтди. Ҳамма болалар қизиқишлари, мойилликлари ва шахсий сифатларига қараб тақсимланган. Барча цех ва бригадалар бизга катта эътибор билан қарашмоқда. Умуман ҳамма иш

жойида. У меҳнат кўникмалари ҳосил қилишимизга ишонишини айтди.

— Агар кимда-ким эътироз билдирмоқчи бўлса, марҳамат, жон деб эшитаман,— деди.

Аммо унинг чеҳрасига қараб, эътирозларни жон деб тингламаслигини билиш қийин эмасди.

Ҳамма индамай турар, ҳеч ким эътироз билдирмасди.

Шунда Игорь бош инженернинг фикрига бутунлай қўшилажанини айтди. Практика жуда яхши борапти. Муассаса бизга ажойиб муносабатда бўляпти. Барча болалар катта муваффақиятларга эришдилар. Агар ким қолоқ бўлса унга ўзи айбдор, илғорларга етиб олсин. Бироқ кимнинг қолоқ эканлигини Игорь айтмади. У одатда ҳеч кимнинг жиғига тегмасликка уринади.

Аслини олганда, бизда практика, улар айтганидек, яхши бораётгани йўқ. Масалан, мен билан Шмақовни олиб кўринг. Биз фақат кейинги икки кунда тўла ишладик. Бунгача «талаш» эдик. Механика цехида ишлаётганлар шу пайтгача ҳеч нима қилишмади. Ишчилар орқасида уларнинг турли станокларда қандай ишлаётганларини кузатиб туришди, холос. Биз уларни «орқада турувчилар» деб атай бошладик. «Орқада турувчилар»дан бири, Солоухин ёнимда ўтирганди. Мен, гапир, деб уни туртиб қўйдим. Солоухин қўлини сийтаб қўйди: аралашгиси келмади, чоғи.

Шунда мен:

— Айрим болалар ишламаяпти, фақат қараб туришади,— дедим.

— Йўқ,— эътироз билдирди бош инженер,— улар қараб туришмайди, кузатиб туришади. Уларники ҳозир кузатув практикаси ҳисобланади.

Синф раҳбаримиз Наталья Павловна ҳамма иш яхши кетаётганидан жуда қувонди. У ишлар яхши бораётганидан ҳамма вақт қувонади, ёмон бўлса қайғуради, шунинг учун уни хафа қилгим келмади. У анча қариб қолган, юрагининг ҳам мазаси йўқ. Шу сабабли бош инженернинг фикрига эътироз билдирмай қўя қолдим.

Наталья Павловна ишлар жойида бўлаётганидан жуда қувонганини айтди. Аммо практикани ўқув жараёни, мактаб программаси билан боғлаб олиб бориш лозимлигини қўшимча қилди. Биз ишлаётганда мактабда ўрганган физика ва химия қонунлари ҳам-

ма вақт ёдимизда бўлиши лозим. Бу қонунларни ишлаб чиқариш билан боғлашимиз керак.

Наталья Павловнага ҳеч қандай эътироз билдирмадик. Биз ҳеч қачон унинг гапини иккита қилмаганмиз. Гапираверсин.

Шундан кейин бош инженер гапирди:

— Уртоқлар! Мен, бахтга қарши, нарядларингизни кўриб чиқишга улгуролмадим. Аммо менимча ҳар бирингизнинг кундалик иш ҳақингиз ўн уч сўмдан кам бўлмаса керак.

Буни эшитиб ҳаммамиз қувониб кетдик.

— Диққат! Муҳим таклиф бор,— деди Игорь ғурур билан.

Аммо болалар ўз ҳаяжонларини босишолмади. Бир кунга ўн уч сўм-а! Бундай пул ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаганди... Айниқса, қизлар. Улар ҳиҳилашар, ўз маошларини қандай сарфлаш ҳақида шивирлашарди.

— Жим бўлинг, болалар!— деди Наталья Павловна,— қанчалик тинч ўтирсангиз, йиғилишни шунчалик тез якунлаймиз.

У ҳамма вақт бизни шу йўл билан тинчлантирарди.

Аммо Игорь болалар унинг муҳим таклифига қулоқ солмаётганлигидан хафа бўлди. У одобли бўлишига қарамай, жуда инжиқ эди. У ранжиб лабларини чўччайтирди ва ўша ондаёқ худди ёш болага ўхшаб қолди.

— Агар қизиқмасаларинг, гапирмаслигим мумкин.


Бу чиройли сўзлар эди. Ҳар қандай вазиятда ҳам Игорь гапиршдан воз кечмасди.

— Наталья Павловна мутлақо ҳақ,— деди у ҳамма тинчлангач,— қилаётган ишимизни мактаб билан боғлаб олиб бориш керак. Шунинг учун мана бундай муҳим таклиф киритаман...

Игорь бизни қизиқтириш ва ўз гапининг муҳимлигига эътиборни қаратиш учун бир оз тўхтади. Бу нотиқликнинг осон усули. Бироқ Игорь ҳамма вақт мақсадига эришади. Жимжитлик ҳукмрон бўлади. Мен эса аксинча бу усулдан ҳеч фойдаланишни билмайман. Гапдан тўхташим билан ўша онда кимдир гап бошлаб юборади.

Игорь ҳаммамиз унга қулоқ солаётганимизга ишонч ҳосил қилиб, тантанавор оҳангда:

— Мен бутун синфимиз болалари кучи билан мана бу фойдаланилмаётган автомобилни қайта тиклашни ва уни мактабимизга совға қилишни таклиф этаман,— деди.



У дабдаба билан биз ёнида ўтирган бузуқ автомобилни кўрсатди.

Ҳаммамиз ўша бахтсиз машинага ўгирилиб тикилиб қолдик. Ҳатто автомобиль билан таниш бўлмаган кишига ҳам унинг ачинарли аҳволи аён эди. У тахта супача устида турар ва бутунлай «қип яланғоч» эди: сал бўлса ҳам ярайдиган қисмлари кўчириб олинганди.

— Бу машинанинг аҳволи оғир,— давом этди Игорь,— кўп меҳнат талаб этади. Шунинг учун ҳам қилган меҳнатимиз самаралироқ бўлади.

У яна бир қанча таъсирли гапларни айтди. Агар бу чуриндини тиклай олсак, синфимизни абадийлаштирган, ўзимизни асрлар бўйи шон-шуҳратга чулғанган бўламиз ва биз ҳақимизда авлодлар тилга олади. У буни сал бошқачароқ айтди, лекин маъноси шундай эди.

Наталья Павловна анқайиб қолди. Бирортамиз кутилмаган

таклифни ўртага ташласак, у одатда довдираб қолади. Бунга мактаб директори ёки илмий мудир қандай муносабатда бўлишини билмайди.

— Бу ишни удалай оласизларми?— хавотирланиб сўради Наталья Павловна.

Ҳамма олинажак катта моянадан шунчалик қувонган эдики, ҳатто шошилмай ўйлаш қобилиятини ҳам йўқотиб қўйган. Ҳаммаси бараварига «Удалаймиз!» деб бақиришди.

Мен ҳам шунчалик кўп пул олишимдан хурсанд бўлдим. Аммо шуни деб ўзини йўқотиш, нотўғри фикр юритиш мумкин эмас-да.

— Энг аввало мана бу чуриндини кўриб чиқайлик, кейин ҳал қиламиз,— дедим ва сўзларимнинг ишончлироқ бўлиши учун қўшимча қилдим:— «Дефект ведомости»ни тузиш ва иш ҳажмини аниқлаш керак.

Топган гапларимни қаранг! Гапим болаларда катта таассурот қолдирди.

Ҳатто Игорь ҳам бирор гап топиб бера олмади. Фақат мазах қилгандек:

— Сен, афтидан қўрқаётган бўлсанг керак?— деб сўради.

— Ҳеч нарсадан қўрқмайман!— жавоб бердим мен.— Бу ишга масъулият билан ёндошиш керак.

Шу пайт Вадим Беляев ўрнидан туриб, бахтсиз машинага бармоғини ниқтаб:

— Мен бу шалоқ машинани яхши биламан. Уни тузатса бўлади. Агар у-бу қисми етишмаса бирпасда топиб келаман,— деди.

Кейинги воқеаларда Вадим муҳим роль ўйнайди, шу сабабли у ҳақда икки оғиз гапириб ўтаман.

Биринчидан Вадим Игорнинг қадрдон дўсти, унинг содиқ ёрдамчиси ва адъютанти эди. Нечанчи синфда Игорь ҳақида қўшиқ тўқиганимиз ёдимда йўқ, унда шундай сўзлар бор эди:

Буйруқни кутиб титрар,
Вадим унинг рўпарасида...

«Унинг рўпарасида» деганимиз — Игорь қаршисида.

Иккинчидан, Вадим «тарбияси қийин ўқувчи» эди. Шу маънодаки, у ишбилармонлиги билан бутун мактабга танилган. У марка, нонушта, конфет ва гугурт қоғозларини алмаштирар, танланган асарларга таниш-билиш орқали обуна уюштирар, ёшлар фес-

тивали пайтларида исталган мамлакатнинг, ҳатто Канаданинг значокларини топиб келарди. Вадим футбол, концерт, виставкага, умуман хоҳлаган жойингга билет топиб кела оларди. Қандай қилиб бу ишнинг урдасидан чиқишини ҳеч ким билмасди. У олиб-сотарлик қилмасди. Умуман, бировга зиёни ҳам тегмасди. Аммо унда ниманидир топиб келиш, ниманидир алмаштириш иштиёқи кучли эди. Балки у шунчаки одатланиб қолгандир. Наталья Павловна Вадимнинг бу одати ҳақида бизни огоҳлантириб, у билан ҳеч қандай алоқа қилмасликни буюрган.

Практиканинг биринчи куни Вадим автобазага «Қазбек» папирос қутисидек келадиган, фақат сал қалинроқ чўнтак радиоприёмниги олиб келди. Бу приёмникни Вадим қаердан олганини билмайман. Бу билан у ҳаммани ҳайрон қолдирди ва кейин қайта олиб келмади.

Кейинги куни Вадим узунаси ва кўндалангига оқ ип билан тикилган тор финча шим кийиб келди. Яхши, чўнтаклари кўп, қулай шим эди. Аммо хўппасемиз Вадим учун торлик қиларди. У на ўтира олар ва на тура оларди, ҳатто тугмасини ҳам қадолмасди. Эртаси куниёқ Вадим бошқа шим кийиб келди.

Ҳар куни Вадим аллақандай янги буюм билан ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Дам Америка автомобилларининг моделлари тасвирланган катта рангли журнал, дам кичкина кулдони бор папирос зажигалкасини олиб келарди. Дам яна алланималарни кўтариб келарди. Бир кунга олиб келади-да, кейин бу буюми кўринмай қолади. Унинг Вадимникими ёки бошқа одамникими эканлигини ҳам билиб бўлмайди. Балки у шунчаки қарзга олиб турса керак.

Бироқ, худди шу қилиқлари учун ҳам Вадим автобазада танилиб, ҳатто муҳим шахсга айланиб қолди. Уни ҳамма танирди. Бунинг устига Вадим «талаш» бўлишни ёқтирар, шу сабабли автобазада айланиб юрарди. Унинг қайси цехда ишлашига ҳам тушуниб бўлмасди. Дам омборда ивирсиб юрар, дам агент билан қаёққадир жўнаб қолар, дам Игорнинг топширигини бажарарди.

Мана ўша семиз, миқти, сочи калта қирқилган, катта кўзойнак тақиб олган бола ўрнидан туриб, исталган нарсани топиш ҳеч гап эмаслигини уқдирмоқда.

— Мана, кўрдингми,— деди Игорь мулойимлик билан, лекин таъна қилиб,— Вадим умумий вазифани тушунади, сен эса тушунмайсан.

— Мен-ку, тушунаман,— жавоб бердим мен,— Вадим эса билмасдан валдираяпти.

— Йўқ!— эътироз билдирди Игорь.— Машинани тиклаш мумкин. Мен ҳам бу соҳада озми-кўпми тушунаман.

Игорь акасининг «Москвичи» борлигига ва у ҳаммадан кўра машинани яхши ҳайдашига шама қилаётганди. Лекин машинани ҳайдаш бошқа, ремонт қилиш бутунлай бошқа масала.

— Ҳа, шундай,— давом этди Игорь,— сенда эса, Ушоқвой, ғайрат етишмайди. Сен умум ишида қатнашишни истамайсан.

— Фикримни нотўғри тушунма,— дедим мен.— Умум ишида қатнашишни хоҳлайман. Аммо пуч ваъда беришимизни истамайман. Мен гаражда ишляпман, умуман автомобиль нима эканлигини биламан. Аввало, унинг ҳажмини белгилаб олиш керак. Пётр Шмаков айта қолсин, у ҳам гаражда ишлайди.

Бироқ, Шмаков Пётр ҳеч нима демади. У шусиз ҳам индамас бола, йиғилишларда эса умуман гапириш қобилиятини йўқотиб қўяди. У пишиллаб олди, аммо бир оғиз ҳам гапирмади.

Аксинча Вадим сўз бошлади:

— Игорнинг таклифини амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайман. Болалар ўз фикрларини айтишсин.

— Майли, айтишсин,— рози бўлди Игорь,— Ушоқвой эса ҳамма вақт қарши. Бу унинг айби эмас, балки қусури.

Бу гап билан мени камситмоқчи бўлди.

Механика цехида ишлаётган болалар машина учун деталларни ўзимиз тайёрлаймизми ёки фақат кузатувчи бўлиб турамизми, деб сўрашди.

— Албатта, ўзимиз,— деди Игорь.— Гапим тўғрими, Вячеслав Петрович?

Вячеслав Петрович — бу бош инженер.

— Агар машинани тикламоқчи бўлсангиз, фақат ўз кучларингиз билан бажарасиз,— деб жавоб берди у.

Аммо ҳеч ким унинг маъноли қилиб айтилган «агар» сўзига эътибор бермади. Ҳамма фақат, «ўз кучларингиз билан» сўзига эътибор қилди.

Полекутин ва мотор цехида ишлаётган бошқа болалар машина учун мотор йиға оламиз деб ишонтиришди.

Майка ва Надя Флерова ўриндиқ ва суянчиқ учун қоплама тиқишни зиммаларига олишди.

Электроцехда ишлаётганлар цехда ҳар турли электр асбоблари қалашиб ётганини айтишди. Уни тиклаш ва машинага ўрнатиш мумкин.

Рождественский билан Гаркуша машинани исталган рангга бўяшни зиммаларига олишди. Резвяков барча зарур қисмларни пайвандлашни ваъда қилди — у пайвандлаш цехида ишлаётган эди. Свидерский билан Смирнов радиаторни ремонт қилиш ва барча темирчилик ишларини бажаришни айтишди. Бир сўз билан айтганда, бу фикрга ҳамма қизиқиб қолди.

— Синфимиз ҳамфикр,— деди Игорьь.— Ушоқвойдан ташқари. Бахтимизга якка ўзи қолди.

— Мен, фикримни тушунмадинг деб эътироз билдирдим. Умуман қарши эмасман, аммо менимча...

Игорь гапимни бўлди ва ёқимсиз тиржайиб, қарши эмаслигинини ишда исботлашинг мумкин, деди...

Нега шундай бўляпти? Игорь ҳар қанча бемаъни гапни айтса ҳам ҳамма унинг фикрига қўшилаверади. Мен сўзлаётганимда эса худди доимо бемаъни гап гапирадигандек, уларнинг юзларида ишончсизлик ифодаси пайдо бўлади. Ҳар сафар ўзимча бошқа сўзга чиқмайман деб аҳд қилиб қўяман. Кейин яна барибир сўзлайвераман.

— Энди,— деди Игорьь,— штаб аъзоларини сайлашни таклиф қиламан. Штаб машинани тиклаш бўйича ишларга раҳбарлик қилади.

— Штабнинг нима ҳожати бор?!— деб бақирдим мен.— Нуқул мажлис ўтказаверади!

Ҳеч қандай штаб керакмас, деб ҳамма бақариб юборди. Мажлис қилишни ҳеч ким истамасди.

— Ҳақ гап,— қўққисдан рози бўлди Игорьь,— штабнинг ҳожати йўқ. Аммо ишларни бошқариб туриш учун раҳбар сайлаб қўйиш лозим.

Ўзи раҳбар бўлиш ниятида эди.

Шунда мен ҳаммадан кўра техникани яхши биладиган Полекутинни таклиф этдим.

— Полекутин ҳаммадан кўра техникани яхши билади. У раҳбар бўла қолсин,— дедим.

Бироқ лаганбардор Вадим эътироз билдирди:

— Раҳбарлик қилиш учун ташкилотчилик қобилияти бўлиши

керак, шу сабадан мен Игорни таклиф этаман. У идорада ишлайди, ҳамма ишни бошқариб туради. Полекутинни эса техника соҳаси бўйича ўринбосарликка сайлашни таклиф қиламан.

Бунга ҳамма рози бўлди. Игорни раҳбар, Полекутинни эса техника соҳаси бўйича ўринбосар қилиб сайладик.

— Нима десанглар ҳам, таъминот бўйича ёрдамчи керак. Мен Вадимни таклиф қиламан. Уддабурро йигит,— деди Игорь.

Албатта, Вадим уддабурро йигит. Лекин, ғалати ишлар қилишни яхши кўради, ноҳўя қилиғи билан бизни шарманда қилиб қўйиши мумкин.

— Мен қаршиман,— дедим.

— Нега?— сўради Игорь.

Негалигини айтгим келмади.

— Қаршиман, вассалом!

— Нимага қарши эканлигингни исботлашинг керак,— таъкидлади Игорь.

— У сенинг ошнанг,— деб юбордим тўсатдан.

Ҳамма кулиб юборди. Игорь яна ёқимсиз кулиб қўйди.

— Бу қарши бўлишга асос бўлолмайди.

Вадим таъминотчи қилиб сайланди.

Шунда Игорь:

— Мана кўряпсизми: мен, Полекутин ва Вадим бошида таклиф қилган штабнинг ўзи ҳисобланади,— деди.

Штаб деб аталишига қарор қилинди. Агар у шуни хоҳлаган экан, бўлавермайдими!

— Энди,— деди Игор,— ҳар бир цех ўзига бошлиқ тайинласин.

Ҳамма бошлиқни тайинлашга киришди.

Гаражда фақат икковимиз: Шмаков Пётр билан мен ишлайман.

Шмаков мени ўзига бошлиқ қилиб тайинлади.

Бешинчи боб

Бу йиғилиш кўнглимга ғашлик солиб қўйди. Болалар гўё муваффақиятсиз сўзга чиққанлигимни ўйлаётгандек ва устимдан қулаётгандек туюлди менга.

Машинани тиклашга наҳотки қарши бўлсам? Бу ишни бошқа одам эмас, балки Игорь таклиф этгани ғашимни келтирди, холос.

Масалан, техникани ҳаммадан кўра яхши биладиган Полекутин таклиф қилса бўларди. Полекутин иш манфаати учун, Игорь эса ўзини кўрсатиш учун таклиф қилади.

Кўп марта сезганман. Игорь аллақандай ишни бошлайди, ўзи ўйлаб топади, ғала-ғовур кўтаради, ҳамма иш барбод бўлгач, биз айбдор бўлиб қоламиз, энди унинг такрорланишини истамасдим.

Шу гапларни йиғилишда айтишим керак эди. Игорнинг фикрларини эслатиб, мисоллар келтириш лозим эди. Гапинг тўғри, деб мени маъқуллашган бўларди. Игорь билан Вадим шарманда бўлиб ёлғиз қолишарди.

Аммо йиғилиш ўтиб кетди. Бу гапимни энди айтолмайман. Уни умумий тарзда Шмаков Пётрга айтиб бердим.

— Қўявер!— деди Шмаков.

Полекутин билан гаплашдим.

— Қўявер!— деди у ҳам.

Полекутинни биз «отахон» деб чақирардик, у баланд бўйли ва бақувват. У билан Шмаков синфда энг кучли болалардан.

Орадан кўп ўтмай менинг муваффақиятсиз нутқимни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаётганига ишонч ҳосил қилдим. Ҳатто Вадим ҳам унга қарши гапирганимни унутиб юборди. Айтгандек, Вадим енгил табиат одам.

Вадим энди Игорга ёрдам бера бошлади. Игорь эса қизғин фаолиятини бошлаб юборди, ўзига яна битта ялтироқ папка сотиб олди. У папкага машинани тиклаш билан боғлиқ бўлган қоғозларни соларди. Бу қоғозларда бизнинг ташаббус маъқулланганди. Игорь ҳатто райкомга ҳам борди. У ерда ҳам ташаббусимиз маъқулланди. Бироқ ҳеч қандай қоғоз беришмади, «ишга киришаверинг!» дейишди.

Қоғознинг нима кераги борлигига тушунмасдим. Бизга қоғоз эмас, эҳтиёт қисмлар керак.

Игорь қоғозларни тўплар, машина эса ҳамон ялангликда ётарди. Ишчилар қўлингиздан келмайдиган ишни бошладинглар, деб бизни мазах қила бошлашди.

— Масхарабозлар!— деди слесарь Коська.

Бригадир Дмитрий Александрович:

— Артистлар,— деди.

Бунни Шмаков Пётрга айтдим:

— Ишчилар бизни мазах қилишяпти.

— Қўявер!— деди бунга жавобан у одатдагидек.

Мотор цехига, Полекутиннинг олдига бордим:

— Ахир бирор иш қилиш керак.

— Мен нима ҳам қила олардим?— сўради Полекутин.

— Қанақасига нима?— ҳайрон бўлдим.— Ахир сен техника соҳаси бўйича ўринбосарсан. Уйлаш керак.

— Игорь ўйлайверсин, бу унинг ғояси.

— Нега бўлмаса йиғилишда ғинг демадинг?

Менинг бу саволимга ҳеч қандай важ тополмади.

Шунда таклифимни айтдим:

— Ишдан кейин тўпланиб, ўша бечора шалоқ машинани кўриб чиқамиз.

Ишдан кейин ялангликда — мен, Шмаков Пётр, Полекутин, электроцехдан Гринько, агрегат цехидан Таранов тўпландик. Мен уларни масалани малакалироқ ҳал қилиш учун чақиргандим.

Капотни кўтариб двигателни кўздан кечирдик. У жуда ифлос, свечаси, қайиши йўқ, умуман бўм-бўш эди.

— Двигатель қандай ҳолатда эканлигини айтолмайман,— деди Полекутин,— уни олиб, қисмларга ажратиб кўриш керак.

— Тезлик коробкасани ҳам олиш керак, орқа ва олдинги ўқини ҳам олиб қисмларга ажратиш керак. Шунда қандай аҳволдалигини кўрамиз,— деди Миша Таранов.

Гринько аниқлик киритди:

— Машинада ҳеч қандай электр асбоблари йўқ.

— Тўсиғини ҳам ечиб олишибди,— деди Шмаков Пётр.

Дарҳақиқат, тўсиқ туриши лозим бўлган жойда симнинг ўзи қолганди, холос.

— Суянчиқни ҳам қуён қилишибди,— қўшиб қўйди Шмаков.

Кабинада ўриндиқ йўқ эди.

Нима қилишни ўйлай бошладик.

— Қелинглар, нуқсонлар ведомостини тузамиз,— деб таклиф қилдим.

Нуқсонлар ведомости — машинанинг барча ярамайдиган қисмлари кўрсатилган рўйхат.

— Уни қаердан оламиз?— сўрашди болалар.

— Ҳозир топиб келаман,— дедим-да, гараж томон кетдим.

Лагутиннинг верстагида ана шу ведомостлардан бир пачкаси-ни кўргандим. У типографияда босилганди. Ведомостда автомобил-

нинг барча қисмлари санаб ўтилган. Ҳар бир қисмнинг ёнига ўша қисмнинг яраш ёки ярамаслигини белгилаб қўйиш керак. Жуда яхши ўйлаб топилган.

Гаражда ҳеч ким йўқ, ҳамма тушликка чиқиб кетган. Верстакни очиб бир пачка ведомостга кўзим тушди. Аммо уни олганимда тагидаги иккита подшипникни кўриб қолдим. Утган кун Лагутин билан машинага қўйишимиз лозим бўлган, Лагутин уни ўзим қўяман деган ўша подшипниклар. Худди ўша, мой босган қоғозга ўралган подшипниклар. Ёнида мен складдан подшипникни олиш учун тўлдирган талабнома бланкаси ётарди.

Бу қанақаси бўлди? Ахир, машина ремонтдан чиққан, подшипник эса верстакда ётибди. Демак, Лагутин уларни алмаштиришни унутибди ва машина эски подшипниклар билан ремонтдан чиқиб кетди. Лагутин жуда бепарво одам-да.

Ялангликка қайтиб келдим. Болалар ёнида Зуев турарди.

— Бу машинани эпақага келтириб бўлмайди!— деди Зуев.— Қайтанга янгисини йиғиш осонроқ.

Шофёр Зуевнинг галати одати бор: у доим соқолини олмай юради. Агар одам соқолини умуман қирдирмаса, унда пахмоқ соқол ўсиб чиқади. Агар онда-сонда бўлса ҳам соқолини олдириб турса бирор кун силлиқ юриши мумкин-ку! Зуевнинг малла соқоли эса ҳамма вақт бир хил бўлади. На камаяди, на кўпаяди.

У озгин, камгап одам. Шофёр. Аммо қанақадир гуноҳи учун машинадан олиб гаражга ўтказишган. Ҳатто машина ҳайдаш ҳуқуқидан ҳам вақтинча маҳрум қилинган. Лекин аниғини билмайман. Унча қизиққанам йўқ. У қандайдир лоқайд. Фақат Шмаков Пётр билан элакишиб қолган. Улар гаплашиб ўтиришни ёқтиришарди. Салқин жойга ўтириб олиб, ярим соатда бир оғиз гапириб қўйишади.

— Пионер лагерини биласизларми?— сўради Зуев.

— Биламиз!— жавоб бердик биз.

— Ўша ерда яна битта бузуқ машина турибди. Бундан ўлса ўлиги ортиқ. Бунга уринмай қўя қолинг.

Зуев кетди.

— Бундан ҳеч қандай иш чиқмайди,— деди Полекутин.

Кейин машинани тиклаш учун деярли йигирма минг сўм кетишини исботлай бошлади. Полекутин техникага яхши тушунади.

— Нега йиғилишда гинг демединг?— сўрадим мен.



— Унда машина қандай аҳволда эканлигини билмасдим-да.

— Ана! Мен аввал кўриб чиқишни таклиф қилгандим.

— Нимани таклиф этганинг ёдимда йўқ!— жавоб берди Полекутин.— Нимани таклиф этишингни умуман тушуниб бўлмайди. Мана бу чириндини эса ахлатхонага жўнатиш мумкин.

— Майли,— дедим келишувчанлик билан,— кўриб чиқдикми, энди нуқсонлар рўйхатини тузайлик.

Нуқсонлар рўйхатига фақат «ремонтга» ва «йўқ» деган иккита сўзни ёзишга тўғри келади.

Двигатель — ремонтга, аккумулятор — йўқ, узаткич коробкаси — ремонтга, динамо — йўқ. Ҳаммаси ана шу тахлитда ёзиб чиқилди.

Нуқсонлар рўйхатини тузиб бўлдик. Шу пайт Игорь билан Вадим келиб қолишди. Игорнинг қўлида унинг машҳур папкаси. Вадимда ҳеч нарса йўқ.

— Салом!— деди Игорь,— нима билан шуғулланаяпмиз?

Нима билан шуғулланаётганимизни унга тушунтирдим.

— Жуда соз!

Игорь машина зинасига ўтирди-да, папкасидан бир варақ тоза қоғоз, чўнтагидан авторучка олиб нималарнидир ёза бошлади.

— Нимани ёзаяпсан?— сўрадик биз.

У жавоб бермай ёзишда давом этди. Кейин ёзганларини аввал ичида, кейин овозини чиқариб ўқиди.

«Полекутин, Крашенинников, Шмаков, Гринько ва Таранов ўртоқларга нуқсонлар рўйхатини тузиб чиқиш ва уни штабга топшириш вазифаси юклатилади!»

Биз ҳайрон бўлиб анқайиб қолдик.

— Ана шу рўйхат бўйича ҳаммасини бирпасда топиб келаман,— деди Вадим.

Игорь хаёлчан қараб қўйди-да, қўшимча ёзиб қўйди.

«Таъминоғ бўйича ёрдамчи Вадим Беляев эҳтиёт қисмлар билан таъминлансин».

— Энди тихирлик қилолмайсан, ҳужжатлар жойида,— аллақайси расмиятчининг оғзига уриш учун атайлаб ёзаётгандек кўзларини сузиб деди Игорь.

Игорнинг ўзи ўтакетган қоғозбоз эканлигини билардик.

Олтинчи боб

Тўртовлон: мен, Шмаков, Игорь ва Вадим уйга бирга кетдик. Мен билан Шмаков бир уйда, Игорь билан Вадим қўшни уйда, умуман бир кўчада яшаймиз.

Ҳовлида футбол ўйнаётган кичкинтойларни кўриб, биз ҳам қўшилдик. Кичкинтойларни қувонтирмоқчи бўлдик: улар билан ўйнаганимизга хурсанд бўлишади.

Хўппа семиз Вадим туртиниб-қоқилиб югурар, депсинар ва тўпни дарвоза ёнидан ўтказиб юборарди.

Шмаков эса аксинча, тўп келишини кутиб бир жойда турарди. Тўп унга оширилганда, қўшни ҳовлига тепиб юборарди.

Игорь олифтагарчилик қилиб ўйнардди. Қойил қилиб тўп киришини ҳамма кўриши, томоша қилишини истарди. Ўзига тўп узатишларини талаб қилаверарди. Тўп киритолмаса, нотўғри оширилди, дерди. Ўзи ҳеч қачон бировга тўп оширмасди.

Биз ўн беш минутча тўп тепишдик. Кейин кўнгилга тегди. Кичкинтойлар ҳам тўп ўйнагани қўймайсизлар, деб хархаша қила бошлаганди. Энг жанжалкашига шу ёшдан ўйин бузуқилик қилиш яхшимас, деб оталарча насиҳат қилдик. Аммо тўпни уларга бердик. Майли, ўйнайверишин.

Биз оёғи ерга қоқиб қўйилган стол атрофига ўтирдик. Кечқу-

рунлари бу ерда домино ўйнашади. Уйга киргимиз келмади. Июнь ойининг ажойиб қуёшли куни эди. Шаҳар марказидагидек иссиқ ва димиққан эмас, балки ҳавоси енгил ва ёқимли. Бизнинг район баҳаво жой ҳисобланади. Ҳа, ҳавоси Москванинг бошқа районларидан кўра анча яхши.

Биз шаҳарнинг чеккасида яшаймиз. Аниқроғи, собиқ чеккасида. Эндиликда бу ерда янги турар-жой массиви қурилган. Кенг кўчаларнинг икки чеккасида саккиз ва олти қаватли уйлар қад кўтарган.

Бу ер илгари қишлоқ эди. Қишлоқнинг қияликлари, жарликларни, бузилган тош йўли, магазин, бутун кўчага ягона автомат-телефон ҳамон ёдимда. Ичкарироқларда ҳали ҳам сақланиб қолган ёғоч уйлар кўзга ташланади.

Ўша ўтмишдан қолган «Бобокалон ўрмон», «Қиялик», «Сургун жарлиги» номларини ҳали ҳам ишлатамиз. Жарлик ва қияликлар ҳозир йўқ. Ўрмонда атиги бир неча дарахтгина қолган, ўша ерда парк барпо этишмоқчи.

Биз ҳовлида, ёғоч стол атрофида ўтириб тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олардик.

Игорь ўзи ишлаётган идора ҳақида жуда кулгили гапларни айтиб бермоқда. Игорь катталар орасида ўралашиб юришни яхши кўрар, чекар, улар билан баҳслашарди, орқаворотдан эса уларни мазақ қиларди. У идора ишларидаги камчиликларни бўрттириб ва кулгили қилиб тасвирлаб берарди.

Мен ҳам гараждаги камчиликлар ҳақида айтиб бермоқчи бўлдим. Аммо бизда ҳеч қанақа муҳим камчиликлар йўқ. Бахтимга подшипниклар ёдимга тушиб қолди.

— Бизда ҳам ғалати воқеалар учраб туради!— дедим.— Машиналар учун янги деталлар ёздириб олиб, уни ўрнатишни эсдан чиқариб қўйишади.

Лагутин верстагида кўрган подшипниклар ҳақида гапириб бердим.

— Ушоқ, жуда соддасан-да!— деди Игорь такаббурлик билан.

— Вой, Ушоқвой-ей, ичагимни узай дединг,— деди Вадим кулгидан ўзини зўрға тийиб.

Ҳатто Шмаков ҳам жилмайди.

Нега кулишаётганига тушунмай, уларга ҳайрон бўлиб тикилиб қолдим.

— Тентаксан!— деди Вадим.— У атайлаб қўймаган. Машинада эскисини қолдирган, янгисини эса пулламоқчи.

— Ахир, кўзбўямачилик,— дедим ҳайратланиб.— Эски подшипник билан машина ишдан чиқади-ку!

— Ишдан чиқмайди,— деди мени тинчлантирмоқчи бўлиб Игорь,— эски подшипниклари ёмон бўлмаса керак, бўлмаса алмаштирарди.

— Барибир фирибгарлик-да!— дедим мен.

Игорь кўзини қисиб:

— Ҳар ким бойлик орттириш йўлини топади,— деди.

— Ҳар ким эмас,— эътироз билдирдим.— Фақат Лагутин.

— Ягона ҳодиса эканлиги янада яхши,— деди мулоҳаза билан Игорь.— Яна шуниси ҳам борки, агар эски подшипниклар алмаштирилганда уларни ташлаб юборилган бўларди. Алмаштирилмадим, демак, улар ҳали яраб экан. Ҳеч ким унчалик зарар кўрмаган.

— Бу подшипникларни Лагутин ўғирлаган,— дедим.— Шундай қилиш керакмиди?

Игорь афтини бужмайтирди.

— Баландпарвоз сўзларнинг нима ҳожати бор? «Ўғирлаган» эмиш! Йўлини қилган! Юз грамм учун йўлини топган... Уша подшипниклар неча сўм, ўн сўмдир... Арзимамайди.

— Узининг давлатидан ўзи ўғирласа, қанақасига ишчилар синфи бўлди?— дедим.

Игорь қўл силтади.

— Баландпарвоз гаплар...

Аммо шу пайт ҳовлига «Победа» кириб келди. Машинадан бир қиз ва икки йигит — Игорнинг ўртоқлари тушишди... Игорь ўрнидан туриб улар олдига борди...

Мактабдан ва биз яшайдиган уйдан ташқарида ҳам ҳар бири-мизнинг танишларимиз бор. Бу табиий нарса. Қариндошлар бўлиши мумкин. Москванинг бошқа томонида яшовчи амакиваччанг ёки холаваччанг бўлиши мумкин. Аллақерда учрашиб қолган танишларинг.

Менинг ҳам ана шундай танишим бор. Юра, Полина Григорьевнанинг ўғли. Онам Полина Григорьевна билан анча йил илгари курортда танишган. Ушандан бери улар онда-сонда бир-бирига телефон қилишиб арзимаган нарсалар ҳақида гаплашишади. Би-

порта муҳим гаплари йўқ. Аммо ҳар сафарги суҳбат «Албатта кўришайлик» жумласи билан якунланарди. Йилда бир марта кўришишарди. Онам йилда бир марта Полина Григорьевнаникига боради. Қеласи йили Полина Григорьевна бизникига келади. Бу «курорт танишуви» деб аталади.

Ҳар сафар Полина Григорьевна бизникига Юрани олиб келади. Улар келишидан олдин онам менга:

— Бугун Полина Григорьевна келади. Уйда бўл ва Юрани зериктириб қўйма,— деб уқдиради.

Нима билан машғул қилишни билмайман. У жуда маънос шахс. Унга табиат фақат бўй берган. Дадамдан бир қарич баланд. Дадам эса мenden бир қарич катта. Қашчайдек серсуяк. Қадди худди савол аломатига ўхшайди.

У билан нима ҳақда гаплашишни ҳам билмайман. У дарслари француз тилида олиб бориладиган махсус мактабда ўқийди. Фақат французча аллақандай жумлани айтиш учунгина оғзини очади. Шу йўл билан французча фикрлашни ўрганайди.

Буларнинг ҳаммасидан ниҳоятда безор бўлдим ва мен ҳам инглизча гаплашавардим. Қаёқдаги гапларни айтиш учун етарли сўз запасига эгаман. Шу йўсинда у билан оқшомни ўтказардик. У узундан-узоқ французча жумлаларни айтар, мен хаёлимга келган гапни инглизчалаб гапирардим.

Хайрлашар экан, у «Же ву ремерси ту кер, пур сет суар агреабль»— «кўнгилли оқшом учун сизга чин қалбдан ташаккур»,— дерди. Бунга мен «Джон ком инзе руум, эpd супен зе виндау»— «Джон хонага киргач деразани очади» деб жавоб берардим. Бу жумлани олтинчи синфдаёқ ёдлаб олгандим.

Оналаримиз йўлакда туриб чет тилларни қойил қилиб ўрганганимиздан қувонишарди.

Танишим ана шунақа. Уни ўртоқларимдан яширмайман ҳам. Англо-француз тилидаги суҳбатимиз жонга текканда Юрани ҳовлига бошлаб чиқаман. Болалар билан таништираман, унга болалар билан ўйнаш, уларга эса бу ғалати нухани томоша қилиш имкониятини берардим. Айтгандек, у ҳеч қачон ўйнамасди, бир чеккада бизга қараб туриб, французча ўй сурарди.

Бошқа ўртоқларимизнинг ҳам танишлари бор. Хонаси келганда танишиб олардик. Бу, одатдаги ҳол.

Игорь бошқача эди.


Игорь бизни ҳеч қачон ўртоқлари билан таништирмасди. У бизнинг тенгимиз бўлгандан уялар, ўзини катта йигит қилиб кўрсатгиси келарди. Узидан сал каттароқ ўртоқларига болакайлар даврасида юришини сездиргиси келмасди. Бизни болакайлар деб ҳисобларди.

Биз, албатта, бунга аҳамият бермасдик. Биз ҳеч қачон ялиниб ўртоқ бўлмаймиз. Аммо Игорнинг хатти-ҳаракатида аллақандай разиллик бор эди.

Ўртоқлари келиб қолганда, у биздан четлашишга уринарди, турли ҳийла-найранг ишлатарди. Ўртоқлик ахлоқ-одобини барбод қиларди.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. «Победа» йўлка олдига келиб тўхташи билан Игорнинг чеҳрасида бегоналик ифодаси пайдо бўлди. У шошилиб ўрнидан турди-да, машина томон юрди.

Ҳали, айтганимдек, машинадан бир қиз ва кеди ғижимланган шим, спорт камзули кийиб олган икки йигит чиқди. Фақат қизда камзул ўрнига йўл-йўл калта тўқима кўйлак бор эди.



Улар Игорь билан саломлашишди. Алланималар ҳақида гаплашишди. Игорь қўлини кўтарди. Бу ишора: «Ҳаммаси бажарилади» деган маънони билдирарди. Кейин улар машинага ўтириб автобаза томон жўнаб кетишди.

Шмаков билан мен уларга аҳамият бермадик. Аммо Вадим маънос бўлиб қолди. Игорь қадрдон дўсти бўла туриб унга нисбатан аблаҳлик қилди.

Ким айбдор? Вадимнинг ўзи. Игорнинг югурдаги бўлишга ҳеч ким мажбур қилмайди. Ўзи шуни истайди. Энди хафа бўлишнинг ҳожати йўқ.

— Игорь сени ола кетмади-я,— деди Шмаков бефарқ оҳангда, лекин пичинг билан.

Вадим кенг елкасини қисиб қўйди:

— Мени қаёққа олиб борарди? Нима, ёш боламанми?

— Шунчаки айтдим, қўйдим-да,— деди эснаб Шмаков.

— Бу йигитлар киностудияда ишлашади,— деди Вадим,— уларни танийман.

Ана шу билағонлиги билан Вадим ноқулай ҳолатдан қутулмоқчи бўлди. Игорь ундан ҳеч нарсани яширмаслигини, ҳамма гапдан хабардор эканлигини кўрсатмоқчи бўлди.

Игорь мактабни битиргандан кейин ҚДИга — Кинематография давлат институтига кирмоқчи эканлигини билардик. Уни оммавий саҳнада, одамлар орасида кинога олишган. Биз уни лентага олишган картиналарини кўриш учун атайлаб борардик. Аммо ҳеч қачон уни кўрмасдик. Енимизда ўтирган Игорь «Ана, ана, кўряпсизми, ананининг ёнидаги мен бўламан» дерди. Игорнинг ёнидагисини кўрардиг-у, Игорнинг ўзини эса кўрмасдик. Бироқ, ўртоғимиз миллионлаб одам томоша қиладиган кинога олинганидан хурсанд бўлардик, шунинг учун ҳам: «Ҳа-ҳа, кўряпсиз», деб жавоб берардик.

Еттинчи боб

Болалар нима деса деяверсин-у, барибир Лагутинни ўғри деб ҳисоблайман. Унинг оддий, ҳалол одамдек ёнма-ён ишлаши, юриши, гаплашишига ҳеч кўниколмасдим. Ундан кўзимни узмай ҳамма вақт тикилаверардим.

— Нега кўзингни лўқ қилиб қараб турибсан? — жаҳл билан сўради Лагутин.

Аммо ундан кўзимни узишга ўзимни мажбур қилолмасдим. Бунинг устига бирга ишлаяпмиз — «Победа»ни шошилич ремонт қиляпмиз.

Илгари бу «Победа»да главка бошлиқларидан бири юрарди. Бироқ у ҳеч қаёққа бормас, машина кун бўйи эшик олдида турарди. Шофёрга бекорга мояна тўланарди. Энди уни таксомотор паркига беришмоқчи. Йўловчиларни ташийди. Агар бошлиққа бирор жойга бориш лозим бўлиб қолса, такси чақириб жўнайверади. Давлатга ҳам, бошлиққа ҳам фойдали — машинани эшик олдида бекор ушлаб туришга унинг виждони йўл қўймаган бўлса керак.

Айрим хўжалик ходимлари таксомотор паркига бузуқ машиналарни топширишга уринишади. Шунинг учун ҳам таксичилар машиналарни пухта текшириб оладилар. Биз уни топширишда ҳеч қандай тушунмовчилик бўлмаслиги учун пухта ремонт қиляпмиз.

Шу куни муҳим воқеалар юз бергани сабабли ҳаммасини бир бошдан гапириб бераман.

Эрталабдан бошлаб Вадим автобаза бўйлаб зир югуриб ўз омборига нималарнидир тўплашга киришди. Биз тиклайдиган машинага қисмлар тўплаш учун унга омбор ажратиб беришганди. Омбор эшиги суғуриб олинган, устига эски тунука ёпилган кичик айвонча эди.

— Машинага боп қисмларни тўплайверинг, директор рухсат берди, — деди олдимизга югуриб келган Вадим.

Шмаков иккимиз ҳайрон бўлдик:

— Қанақа қисмлар?

— Машинамиз учун, наҳотки тушунмасаларинг? Директор рухсат берди.

— Гаражда ҳеч қанақа эҳтиёт қисмлар йўқ, — жавоб қилдик биз, — қисм ва деталлар цехларда бўлади, бу ерда ҳеч вақо йўқ.

— Барибир, нима топсаларинг, омборга олиб келаверинглар! — буюрди Вадим ва югуриб кетди.

Биз, албатта, бу бекорчи ишга овора бўлмадик. Бунинг устига шошилич ишимиз бор. «Победа»нинг ремонтини эртага тугаллашни мўлжаллагандик, директор эса бугун тамомлашни буюрди. Шмаков билан гаплашишни яхши кўрадиган, соқолини олмай юрадиган Зуевни бизга ёрдамга беришди.

Зуев бизга ёрдамга келиши билан Лагутиннинг қовоғи солинди. Нукул унга қарайверганим учун буни дарров сезиб қолдим.

Мен билан Шмаков Пётр асбобларни унга узатиб, переноскани ушлаб турардик ва эҳтиёт қисмларни келтириб берардик. Аммо дастлабки кунлардагига қараганда бу ишларни онгли равишда бажарардик. Бизга айтишларини кутиб ўтирмай, ишнинг боришига қараб узатиб турардик.

Мана, қараб туриб, ҳозир амортизаторларни ўрнатишларини билиб олдим. Амортизаторлар ҳар қандай йўлда ҳам текис юришни таъминлайди. Бу «Победа»га янги амортизаторлар олиш учун нар-яд ёзиб берилганди. Кеча омбордан олиб, Лагутиннинг верстагига қўйгандим.

Верстагни очиб қарасам — амортизатор йўқ. Чўккалаб олиб яна диққат билан қарадим — амортизатор йўқ. Қизиқ! Кеча ўзим шу ерга қўйгандим-ку.

Верстак атрофини айланиб чиқдим. Балки, Лагутин уни бирор жойга олиб қўйгандир?.. Дарҳақиқат, шундай экан! Верстагнинг ортида, латта-путталар орасидан чиқиб турган амортизатор бандини кўриб қолдим.

Уларни олиб, верстак устига қўйдим-да, арта бошладим.

Худди шу пайт ёнимдан испанга ўхшайдиган бригадир Дмитрий Александрович ўтиб қолди. У тўхтаб амортизаторга, кейин менга тикилди-да, нима қилаётганимни сўради.

Амортизаторларни артаётганимни айтдим.

Дмитрий Александрович амортизаторлардан бирини қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини қаради, бандини босиб кўрди-да, кейин мендан сўради:

— Қаердан олдинг?

— Қаердан бўларди?— жавоб бердим мен,— омбордан-да.

— Ўзинг олдингми?

— Ўзим,— деб жавоб бердим.

Дмитрий Александрович қовоғини солди:

— Қараб олиш керак эди.

У амортизаторнинг бандидан ушлаб Лагутин билан Зуев машина тагида ишлаётган чуқурча ёнига борди. Мен ортидан эргашдим.

— Лагутин!— деб чақирди Дмитрий Александрович.

— Нима?— деди Лагутин машина остидан.

— Бу ёққа чиқ!

Лагутин юқорига чиқди, Дмитрий Александровичнинг қўлидаги амортизаторларни кўриб чеҳраси тундлашди.

— Буни қаердан олдиларинг?— деб сўради Дмитрий Александрович амортизаторларни кўрсатиб.

Лагутин яна уларга тикилди, бирини қўлига олиб у ёқ-бу ёғини қаради-да, елкасини қисиб:

— Билмайман...— деди.

— Нега билмайсан?— Дмитрий Александрович менга ишора қилиб деди.— Омбордан олдим деяпти-ку!

— Омбордан у янгисини олган!— Лагутин менга ўгирилиб сўради.— Янгисини қаёққа қўйдинг?

Нима гаплигини энди фаҳмладим. Бу, эски амортизаторлар экан. Эски, аммо ремонт қилинган. Верстагнинг ортидан топганим бежиз эмас экан.

Ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Хижолатомуз кулиб:

— Алмаштириб юборибман... Бу амортизаторлар верстагнинг орқасида ётган экан,— дедим.

— Энди фарқига борсаларинг бўларди,— деди жиддийлик билан Дмитрий Александрович,— ўшанисини олиб кел, эскисини янгисидан фарқини кўрсатаман.

— Қўйган жойимда йўқ,— дедим мен.

Лагутин баттар қовоғини солди.

— Қанақасига йўқ?! Кеча уларни қаерга қўйган эдинг?

— Верстакка, ўзингиз буюрган эдингиз,— дедим мен.

— Қанақасига йўқ?!— такрорлади Лагутин, кейин верстак олдига бориб чўккалади, ўрнидан турди, верстагнинг атрофини қараб чиқди, сўнг менга тикилиб сўради?— Қаерга қўйган эдинг?

Мен индамай Лагутинга қараб қолдим. Ҳаммасига тушундим. Буни тушуниш учун ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Лагутин янги амортизаторларни пуллаган, машинага эса ремонтдан чиққан эскисини қўймоқчи бўлган. Шу мақсадда уларни верстаг ортига яшириб қўйган. Зуевни бизга ёрдамга беришганда Лагутиннинг шунинг учун жаҳли чиққан экан-да. Эски амортизаторларни қўйишда Зуев унга халал беради, деб қўрққан. Аммо Зуев эмас, мен халал бердим. Менинг ортиқча тиришқоқлигим халал берди.

— Ахир мен кўзингизни олдида қўйган эдим-ку,— дедим Лагутиннинг кўзига тикилиб.— Қўйганимдан кейин верстагни ўзингиз беркиддингиз.

Лагутин кўзимга қаролмай ўгирилиб олди-да:

— Ахир қаёққа йўқолганикин?— деди.

Ҳамма йўқолган амортизаторларни қидиришга киришди. Мендан бошқа ҳамма. Амортизаторларни тополмасликларини жуда яхши биламан. Аммо бошқалар билишмайди. Шунинг учун қидиришади. Амортизаторларни дарвозадан олиб чиқиб кетишлари мумкин эмас — қоровул кўрган бўларди. Бошқа машинага ҳам ўрнатишмаган, чунки бу вақтда бошқа «Победа» машинаси ремонт қилинмаган эди. Балки, кимдир ҳазиллашиб яшириб қўйгандир. Автобазада шундай ҳазилкашлар ҳам бор.

Ярим соатдан кейин гаражда амортизаторлар йўқолгани бутун автобазага маълум бўлди.

Одатда бирор нарса йўқолса, ўша ондаёқ яна бошқа нарсалар йўқолгани аниқланиб қолади... Электроцехда деярли яп-янги аккумулятор билан деярли яп-янги динамика, қоплаш цехида — деярли яп-янги ўриндиқ билан суянчиқ, механика цехида яна алланима бало йўқолгани маълум бўлди...

Бундай миш-мишларга эътибор қилмадим. Бир кунда бутун автобазада шунча нарсанинг ўғирланиши мумкин эмас. Ҳамма ҳаяжонга тушиб амортизаторларни қидираётганида цехларида ҳам худди нимадир йўқолганга ўхшаб туюлган. «Победа» амортизаторларининг йўқолгани эса аниқ. Уни Лагутиндан бошқа ҳеч ким алмаштириб қўймаганини биламан. Бироқ, бунга айтилмайман: менда далил йўқ.

Кўнғироқ чалинди. Ишчиларнинг тушлик танаффуси бошланди. Биз ишимизни батамом тугатиб ҳовлига чиқдик.

Ҳовли тўла одам. Хизматчилар офтобда исиниб ўтиришибди. Сутчи аёл аравасини судраб келди. Ишчилар сут олиб, сояда ўтиришади-да, булка нон билан тамадди қилишади. Бир шиша сут билан яримта батон — уларнинг одатдаги нонуштаси. Автобазада буфет бўлса ҳам кўпчилик сутни афзал кўради.



Тўсатдан директор келиб қолди. Ёнида бош инженер, қоплама цехининг мастери, электрчилар бригадири ва Игорь. Ҳаммасининг қовоғи солиқ. Игорь эса қўрққанидан титрайди. Директор ўгирилмай сўради:

— Қайсиниси?

Мастер Иван Кузьмич Вадимни кўрсатди. Электрчилар бригадири ҳам Вадимни кўрсатди. Уларнинг ҳаммаси Вадимни кўрсатишди. Вадим ҳеч нимага тушунмай кулиб турарди.

— Қани, кетдик!— деди хўмрайиб директор.

Кейин Вадим эҳтиёт қисмларни сақлайдиган сарой томон йўл олди. Ҳамма унинг ортидан кўзғалди. Албатта, биз ҳам эргашдик. Бирор кўнгилсиз воқеа юз берганини дарров сездим. Буни директорнинг қовоғи солиқлигидан эмас, балки Игорнинг саросимага тушиб қолганидан фаҳмладим. Игорь саросимага тушиб қолган экан, демак жуда жиддий воқеа юз берган.

Вадим омборни очди. Директор ичкарига кирди. Бир минутдан кейин омбордан янги ўриндиқ, кейин суянчиқ, ундан сўнг, деярли яп-янги динамика, яна аллақандай эҳтиёт қисмлар ташқарига ирғитилди ва ниҳоят директор электрчилар бригадирига деярли яп-янги аккумуляторни узатди.

Биз ҳайратланган, таҳқирланган аҳволда туриб қолдик. Уятдан бошимизни кўтаролмадик. Биргина Вадим ҳеч нима бўлмагандек сарой ёнида хотиржам турарди. Директор бояги нарсаларни саройдан ташқарига ирғитаётганда мамнун илжайиб қўярди. Гўё бу ерга қанчалик кўп, яхши ва қимматбаҳо эҳтиёт қисмлар ташиб олишга улгурганини кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек тўпланганларга тантанавор назар ташлади.

Директор эски латтага ижирғаниб қўлини артаркан:

— Амортизаторлар қаерда?— деб сўради.

— Қанақа амортизаторлар?— ҳайрон бўлди Вадим.

— «Победа»ники.

— Билмайман,— деди Вадим.

Директор Игорь томон ўгирилди.

— Амортизаторлар топиб қўйилсин.

— Хўп бўлади, хўп бўлади,— деди шошиб Игорь.

— Буларни олиб кетинг!— директор омбордан ирғитилган қисмларни оёғи билан кўрсатиб буюрди-да, нари кетди.

Ишчилар ҳамма яхши нарсаларни олиб кетишди. Яроқсизларини эса қолдиришди.

Биз омбор олдида индамай туриб қолдик. Бутун синфимиз шу ерда эди. Нима ҳам дея олардик? Далил бор. Йўқолган қисмларни биздан топиб олишди. Қандай шармандалик!..

Саккизинчи боб

— Жуда хунук иш бўлди-да,— деди Майка...

Ола-говур бошланиб кетди. Ҳамма Вадимни айбларди.

Директор эҳтиёт қисмларни йиғишга рухсат берди деб, у айтганди. Болалар эса ҳаддан ошириб юборишган. Мана, ўшанинг натижаси.

Вадимни таъминотчи қилиб сайлашаётганда, бундан ҳеч бир иш чиқмаслигини билган эдим. Вадим, албатта бирор ғалва иш қилиб, бизни кулгига қўйишини билардим. Ҳозир шуни эслатгим келди. «Вадимга қарши овоз берганимда, менга қулоқ солмаган эдиларинг. Игорнинг гапига кирган эдиларинг. Энди ўзларингдан кўринглар», дегим келди.

Шуларни айтгим келиб тилим қичиди. Аммо ўзимни тийдим. Вадимга раҳмим келганидан эмас, албатта, балки унинг айбсиз эканлиги учун индамадим. У эҳтиёт қисмларни яширинча ташиб олгани йўқ, балки ҳамманинг олдида уни ташиб олишимизни очиқ айтди. Масала директор рухсат берганим, йўқлигида. Агар рухсат берган бўлса, Вадим айбдор эмас. Агар Вадим буни ўзича қилган бўлса, унда гуноҳкор бўлади. Буни хотиржамлик билан аниқлашса керак. Ваҳима қилмаслик керак.

— Қисмларни тўплашга директор рухсат берувмиди ёки буни ўзинг ўйлаб топдингми?— деб сўрадим Вадимдан.

— Албатта, рухсат берган!— деди Вадим.

— Қаёқдан биласан?

Вадим Игорни кўрсатди:

— Менга Игорь айтувди. Тўғрими, Игорь?

Жавоб бериш ўрнига Игорь:

— Амортизаторлар қаёққа йўқолибди-я?— деб хаёлчан тўн-филлаб қўйди.

— Мен ҳеч қанақа амортизатор олмаганман,— деб бақирди бечора Вадим.

Игорнинг саволга жавоб бермай гапни чалғитаётгани менга ғалати туюлди:

— Гап амортизаторларда эмас,— дедим мен.— Сен тўғриси янги айт: қисмларни тўплашга директор рухсат берганмиди, йўқми?

Игорь мовий кўзларини менга қадаб оҳиста:

— Шундай ҳам дейлик. Хўш, нима бўпти?— деди.

— Марҳамат қилиб тўғриси янги айт!

— Рухсат берган!

— Шундай экан, Вадимнинг айби нимада?

— Гап шундаки,— деб жавоб қилди Игорь насиҳатомуз,— ўзбошимчалик қилмасдан, цех бошлиғидан рухсат сўраши керак эди.

— Ахир, Вадим ўз билгича ҳеч нарсани олмаган-ку,— эътироз билдирдим мен,— болалар олишди-ку.

Игорь таъна билан бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Ҳаммани айблаб бўлмайди. Коллектив айбдор эмас.

— Сафсатавозлигини йиғиштир!— деб бақирдим.— Коллективни баҳона қилма энди, шуни ҳам одат қилиб олибсан-да! Тўғриси янги айт! Вадимнинг айби нимада?

Игорнинг жаҳли чиқиб қип-қизариб кетди. Бироқ, ўзини туттишга уринди:

— Вадим ўзларича ҳеч нарса олмасликлари ҳақида болаларни огоҳлантириб қўйиши керак эди.

Шундан кейин болаларнинг фикри бўлинди. Бир хиллари Вадимни айбдор ҳисоблашса, бошқалари йўқ дейишди. Кейингилари кўпчиликни ташкил этарди.

— Ҳар ким ўзи учун жавоб бериши, ўртоғини рўкач қилмаслиги керак,— деди Майка.— Надя билан иккаламиз рухсатсиз суянчиқ олган эдик. Демак, биз айбдор. Бир одамга гуноҳни ағдаравериш яхши эмас.

— Ҳаммамиз айбдоримиз,— деб қўшимча қилди Надя Флерова.

Болалар баҳслашаётганда хаёлимга ажойиб фикр келди.

— Сабр қилинг, ҳозир ҳаммаси ойдинлашади!— деб қичқирдим-да Игордан сўрадим:— Цех бошлиқларидан сўраш кераклигини директор сенга айтганмиди?

Игорь бу саволимда илмоқ борлигини сездими, менга диққат билан тикилди. Кейин эҳтиёткорлик билан жавоб берди:

— Огоҳлантирган... Умуман... «Цех бошлиқлари ўз резервларидан қидириб кўришин» деганди.

— Демак, директор сени огоҳлантириб қўйган! — деб хитоб қилдим мен.— Сен Вадимни бу ҳақда огоҳлантирганмидинг?

Ана шу масала энг асосийси эканлигини ҳамма тушунди. Ҳамма Игорга тикилди. Унинг жавоби ҳамма нарсани ҳал қиларди...

— Биласанми,— иккиланиб сўз бошлади Игорь,— уни огоҳлантирмаган бўлишим мумкин эмас...

— Елгон гапиряпсан! — бақриб юборди Вадим.— Ҳеч нима ҳақида огоҳлантирмадинг. Қисмларни тўплашни буюрдинг, вассалом!

— Сабр қил! — бетоқатлик билан қўлини силтади Игорь.— Нима деганимни аниқ эслолмайман... Ҳар ҳолда, Вадимга, дуч келган нарсани ташиб олишни буюрмаганман. Вадим ёш бола эмас. Ўйлаши керак эди. Елкасида қовун эмас, калла бор.

— Директор сени огоҳлантирган, сен эса Вадимни огоҳлантириб қўймагансан,— дедим.— Демак, Вадимнинг калласи бор деб ўйлагансан, директор эса сенда калла эмас, қовун бор деб ўйлаган.

Игорь мот қилганимни фаҳмлади. Лекин у ишига пухта одам, ҳазилимга ҳамма билан қўшилиб кулишди-да, кўнгилчанлик билан:

— Ҳа, майли. Гап ким айбдорлигида эмас. Балки, мени ҳам айбим бордир. Ўтган йиғилишда Ушоқвой Вадимга қарши овоз бериб тўғри иш қилганини сезиб турибман,— деди.

Бу билан у мени ўзига шерик қилиб олмоқчи бўлди. Аммо бу принципсиз шерикчилик бўларди.

— Гап Вадимда эмас, сенда,— дедим мен.— Сен айбдор. Ҳамма айбни Вадимга тўнкамоқчи бўлдинг. Лекин уддасидан чиқолмадинг.

Болалар Майканинг таклифига рози бўлишди: бутун синфимиз айбдор, биз дирекциядан уэр сўрашимиз ва энди бундай иш такрорланмаслигига ваъда беришимиз керак.

Мен бетараф қолдим. Бутун синфни эмас, Игорни айбдор деб ҳисоблайман.

Игорга дарров жон кирди.

— Майли, шундай бўла қолсин. Аммо бу бахтиқаро амортизаторлар нима бўлади? Бизни олган деб ўйлашяпти.

— Ўйлайверишсин! — бақришди болалар.— Ҳеч қанақа амортизаторни олмаганмиз.

Майка Вадимга қараб:

— Вадим, олмаганинг ҳақида қасам ич! — деди.

Вадим қўлини кўксига қўйиб амортизаторларни умуман кўрмагани ҳақида онт ичди.

Ҳамма унинг гапига ишонди. Мен эса аллақачон ишонганман. Амортизаторларни ким алмаштириб қўйганини биламан-да.

Игорь ҳам Вадимга ишонди. Аммо директордан ҳайиқарди. Шунинг учун қуйидагича таклиф киритди:

— Делегация сайлаймиз. Улар директор ҳузурига бориб, қандай қарорга келганимизни етказишади. Делегация составига Мая, Полекутин ва Ушоқни таклиф қиламан.

— Ўзингни четга тортяпсан-а?— дедим мен.

— Йўқ,— эътироз билдирди Игорь.— Кундалик турли ишлар билан директорнинг ҳузурига тез-тез кириб тураман. Менинг боришим унчалик таъсирли бўлмайди. Агар махсус комиссия борса, анча таъсирчан бўлади.

Мая, Полекутин ва мен ўша заҳотиёқ директор ҳузурига йўл олдик. Игорь ҳам орқамиздан эргашди. «Ўзини кўрсатишни жуда яхши кўрарди. Аммо кабинетда худди тасодифан кириб қолгандек, бир чеккада турди.

— Хўш, қандай масала билан келдингиз?— сўради директор.

Гапни Майка бошлайди деб келишиб олгандик. Директор аёл киши билан мулоим гаплашиши керак, Умуман олганда, у ўзини тутта биладиган киши, лекин ким билади дейсиз... Агар лозим бўлиб қолса, мен билан Полекутин аралашамиз.



— Синфимиз ўз айбига иқдор бўлди,— деди Майка.— Биз ҳақиқатан ҳам у-бу нарсани рухсатсиз олгандик. Энди такрорланмайди.

— Амортизаторлар-чи? — сўради директор.

— Биз уларни олмаганмиз. Бизга кераги ҳам йўқ.

— Қим олди?

— Буни биз билмаймиз.

— Топиш керак,— деди директор хотиржамлик билан.

Суҳбатга аралашиб вақти келганини тушундим.

— Қизиқ, уларни қаердан топамиз? — деб сўрадим.

Директор қўлларини ёзди.

— Бу сизнинг ишингиз.

Игорь тўсатдан орага тушди.

— Хотиржам бўлинг, Владимир Георгиевич, чорасини кўрамиз.

У директорнинг кўнглини юмшатмоқчи бўлди.

— Йўқ,— эътироз билдирдим,— Игорь бекорга ваъда беряпти. Синфимиз номидан гапиролмайди, чунки ҳеч ким бундай демаган. Амортизаторларни олмаганмиз, қаердалигини ҳам билмаймиз ва қидирмоқчи ҳам эмасмиз. Беҳуда ваъда беришнинг ҳожати йўқ.

Директор диққат билан менга тикилди. Умуман у бизнинг қанақа одамлар эканимизни тушунмагандек ҳаддан ташқари диққат билан тикилди.

Бош инженер директор ёнида ўтирар ва ҳеч нима демасди. У практика раҳбари сифатида бизга масъул бўлгани учун юз берган воқеадан хижолатда эди, шу сабабли индамай ўтирарди.

— Цехдан қисмларни рухсатсиз олишга ким ижозат берди?— сўради директор.

— Ахир айбимизни бўйнимизга олдик-ку,— жавоб берди Майка.

— Айбни бўйинга олдигу оқландик деб ўйлайсизларми?

Майка сочини бир кўксидан иккинчисига ташлади. Ҳаяжонланётганлиги кўриниб турарди.

— Нима қилишимиз керак?!

— Ишни нимадан бошлашни билмайсизлар,— деди директор. Аввало машинани агрегатларга ажратиш керак. Кейин агрегатларни цехларга келтириш лозим. У ерда қайси қисми ярайдди, қайсиниси ярамайди, аниқлаш керак.

— Жуда тўғри,— фикрга қўшилди Полекутин.

Мен ҳам тўғри эканлигини тасдиқладим.

— Биз ҳам худди шундай қилмоқчимиз, Владимир Георге-вич,— деди Игорь.

— Эҳтиёт бўлинглар, бирорта гайкаси ҳам йўқолмасин,— таъкидлади директор.

— Хотиржам бўлинг,— деди Игорь ишонтириб.

Директор билан гаплашиш унчалик қўрқинчли эмаслигини кўрган Игорь дарров дадиллашиб яна раҳбар ва штаб бошлиғи ролига кирди.

Биз кабинетдан чиқаётганимизда у ичкарида қолди.

— Ҳовлида кутиб туринглар, мен ҳозир чиқаман,— деди орқамиздан.

Ҳовлида бизни болалар кутиб турарди. Нима бўлганини билишмоқчи эди. Ҳамма иш жойида эканлигини айтдик.

Ичкаридан Игорь чиқди.

— Жанжал тугади,— деди сочини силкитиб хурсанд ҳолда.— Эртага уюшган ҳолда ташландиқ машинани қисмларга ажратишни бошлаймиз. Ялангликда турганини эмас. Гуноҳсиз болалик йилларимиз ўтган Липкадаги лагерда яна биттаси бор. У ҳам ҳисобдан ўчирилган бўлса-да, анча дуруст эмиш. Ўшани бизга беришяпти. Эртага уни олиб келамиз.

Буни эшитиб болалар қувонганларидан қийқириб, Игорни мақташди.

Мен ҳам Игорга қойил қолдим. Зуев Липкадаги машина ҳақида гапирганда эътибор бермагандик. Игорь эса дарров илиб олиб, директор билан келишиб ҳам чиқибди. Унда маъмуриятчилик қобилияти бор, буни рад этиб бўлмайди.

— Буни билардик. Сендан илгарироқ эшитгандик,— дедим тинч турмай.

— Нега бўлмаса индамадиларинг? — пичинг қилиб сўради Игорь. Бунга жавоб топиб беролмадим.

Машинани олиб келгани Липкага кимлар бориши кераклигини ўйлай бошладик. Айтгандек, кимлар бориши аниқ. Машиналарни шатакка олиб келиш билан гараж шуғулланади. Гаражда эса Шмаков Пётр билан мен ишлайман.

— Серёжа билан Шмаков бориша қолсин, чунки улар машинанинг ҳамма қисмини билишади,— Майка шундай деди-да, кулиб қўйди.

Майка ҳеч вақт мени «Ушоқ» деб атамайди, фақат исминни айтади. Ҳамма вақт мен ҳақимда кулиб гапиради, негалигини тушунмайман, шунинг учун қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмайман.

— Жуда тўғри,— рози бўлди Игорь,— мен ҳам сизлар билан бораман. Бу ерда эса Ванька Полекутин бошлиқ бўлиб қолади.

Игорнинг лагерга боришининг ҳожати йўқ эди. У шунчаки бу ерда ўраллашиб юрмай, томоша қилиб келмоқчи бўлди. Борса бораверсин! Полекутин бу ерда усиз ҳам барча ишни қотириб ташлайди. Полекутин — пухта йигит, ёлғончи ва шошқалоқ эмас, техникани яхши билади.

Лекин Игорнинг кўнгли тўлмади.

— Вадим ҳам биз билан бирга боради,— деди у.

— Нега? — ҳайрон бўлдик биз.

— Керак бўлиб қолар. У уддабурро йигит.

Игорь бирор одамга бошчилик қилиш учун атайлаб Вадимни танлаганини фаҳмладим. Мен билан Шмаков Пётрга буйруқ беролмаслигини билардим.

Тўққизинчи боб

Кечқурун уйдагиларга машинани шатакка олиб келиш учун Липкага боришим керак, мени азонда уйғотиб қўйинглар деб тайинладим.

Нега боришим лозимлигини батафсил айтмадим. Уйда мактаб, автобаза ҳақида гапиришни ёқтирмайман. Нима ҳожати бор? Онам на болаларнинг ва на ўқитувчиларнинг фамилияларини эслаб қолади. Уларга бирортаси ҳақида гапирсам, бошқаси деб ўйлайдилар. Ҳар сафар гапни бошидан бошлашга, ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчининг кимлиги, қанақалигини тушунтиришга тўғри келади. Бундан ташқари, кўпгина синфдошларим бизнинг уйда яшайди. Онам уларнинг ота-онасини танийди. Уларга бирор гапни ўйламай айтиб қўйиши мумкин.

Бир куни уйга келиб, Шмаков Пётр қаторасига уч марта рус тилидан икки олганини айтиб қўйибман. Ушанда нечанчи синф-далигим, нима сабабдан айтганим ҳам ёдимда йўқ. Ошхонада ўтириб валақлаб айтиб қўйибман. Гийбат қилмоқчи ҳам эмас-

дим. Шмаков учинчи «икки»ни нотўғри олганини билардим. Дастлабки иккитаси ҳақиқий баҳо эди.

Онам эса ҳовлида Пётрнинг бувисини учратиб ана шу «икки»лар ҳақида гапирибди. Албатта, ёмон кўнгилда айтмаган. Шунчаки йўл-йўриқ кўрсатмоқчи бўлган...

Ажабланадиган ери йўқ: мен онамга айтдим, онам Пётрнинг бувисига етказган. Пётр иккиларни уйдагилардан яширмаганди, чунки кундалигига ёзиб қўйилган-ку.

Аmmo Пётрнинг бувиси уйга келиб уни қарғай бошлаган: «Шарманда бўлдим! Иккиларингни ҳамма биларкан. Қўшниларнинг ҳаммаси гапиряпти».

Шмаков билан умрбод юз кўрмас бўлишимизга оз қолди. Менинг ҳам, онамнинг ҳам ёмон ниятимиз йўқлигини унга тушунтиролмадим. У қулоқ солишни ҳам истамади, агар бунақа ҳол яна такрорланса қаттиқ хафа бўлишини айтди. Вайсақиман деб тан олишга мажбур бўлдим. Шундан кейингина Шмаков билан ярашиб олдим.

Ҳаммасига онам сабаб бўлди. У ғийбатчи эмас. Шунчаки соддадил, тўғри сўз аёл. Одамлар турлича тушунчага эга эканини тушунмайди. Баъзи одамлар учун бу оддий бир воқеа, бошқалар учун эса, ким билади дейсиз...

Онамнинг самимийлиги менга ёқади. Лекин уни деб жанжалга қолишни истамайман. Мактаб ишлари ҳақида унга айтмай қўйдим. Фақат кунига ўн уч сўмдан ишлаётганимни айтдим.

— Бир ойга неча сўм бўлар экан? — деб сўради онам ва ўзича ҳисоблай бошлади.

Буни йиғилишдаёқ ҳисоблаб қўйганман.

— Июнда ўттиз кун бор. Демак уч юз тўқсон сўм, деярли тўрт юз сўм бўлади.

Аmmo отам фақат иш кунлари учун ҳақ олишимни айтди. Бу, уч юз йигирма беш сўмни ташкил этади. Деярли уч юз сўм тўрт юз сўм эмас.

— Бу пуллари нимага сарфламоқчисан? — сўради отам.

— Велосипедга мотор сотиб оламан.

— Ҳечам йўл қўймасман! — деди онам.— Оддий велосипед минганинга хавотирланиб ўтираман. Моторли велосипед сотиб олишинга эса ҳеч йўл қўймайман.

Фақат ландовурларгина велосипеддан йиқилишини онамга

қизишмай тушунтирдим. Кўпчилик ўртоқларимнинг моторли велосипеди бор, уларга ҳозиргача ҳеч нарса бўлгани йўқ, дедим.

— Ёдингда бўлсин, ҳаммадан кичиги сенсан,— деди онам.

Дарҳақиқат синфда энг кичкинаси мен эдим. Етти ёшга тўлишимга уч ой қолганда мактабга беришган. Бошқа болалар етти ёшга тўлишган, айримлари саккизда эди. Игорь ҳатто тўққизга яқинлашиб қолганди. Мен энг кичиги бўлганим учун сафда чап томонда турардим.

Аста-секин бўйим ўса борди, синфда мени кичкина деб ҳисобламайдиган бўлишди. Лекин, онам мени ҳамон ёш ҳисоблардилар. Салга дарров: «Ёдингда бўлсин, ҳаммадан кичигисан», дейдилар.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Кейин:

— Ўн саккиз ёшга тўлганингдан кейин, нимада юрсанг, юра-верасан,— деб қўшиб қўйди.

Илгари онам «ўн олти ёш» дерди... «Ўн олти ёшга тўлганингдан кейин билганингни қил», дердилар.

Аммо ўн олти ёшга етти ой қолганда, янги рақам — ўн саккиз пайдо бўлди... Энди «Ўн саккиз ёшга тўлиб студент бўлганингдан кейин...» дейди ва ҳоказо...

Ҳозир яна шу гапни айтди. Велосипедга мотор сотиб олмаслигим учун шундай дедилар.

Бу суҳбатни давом эттиргим келмади. Агар мотор сотиб олишга аҳд қилсам, сотиб олиш вақти келганда онамни кўндира оламан. Икки марта ҳозир ва кейин баҳслашишнинг нима ҳожати бор.

— Ҳали ҳеч нарса ҳал бўлгани йўқ,— дедим.— Балки, мотор сотиб оларман, балки Чехов билан Бальзак асарларига ёзиларман.

Ўринга ётдим, эрталаб ухлаб қолмаслик учун будильникни бураб ёнимга қўйдим. Автобазада бугун бўлган воқеаларни эслаб узоқ вақтгача ухлолмадим. Игорь яхши ўртоқ эмас. Вақт ўтган сари бунга ишончим комил бўлмоқда. Разиллик — ўртоғингни қутқариб қолмайди. Ўз айбингни ўртоғинг устига ағдариш — қўш разиллик бўлади.

Вадим билан бўлган воқеада тўғри йўл тутдим: Игорни айбладим.

Амортизаторлар воқеасида эса нимагадир ўзимни гуноҳкор сезаман. Аммо нимага эканлигини билмайман...

Лагутиннинг амортизаторларни алмаштириб қўйганини исботлай олмайман. Лекин, алмаштирганини аниқ биламан. Билиб туриб ҳеч нима айтмаяпман, демак, Лагутиннинг айбини яширяпман. Яширибгина қолмай, у билан гаплашяпман, ёнма-ён ишляяпман, бирга бўляпман, яъни унга ҳалол одамга қилгандек муомалада бўляпман. Демак, ўз виждонимни алдаяпман.

Нима қилсамийкин? Лагутиннинг қилмишлари ҳақида ҳамма гапни айтсаммикан?.. Бировнинг ўғрилигини айтиш даҳшат... «Қандай далилинг бор?»— деб сўраб қолишлари мумкин. Менда эса далил йўқ.

Агар ўшандаёқ подшипниклар ҳақида очиқ айтганимда, эндиликда Лагутин амортизаторларни алмаштириб қўймаган бўларди. Ҳатто ўшанда менга ишонмаганларида ҳам, барибир Лагутин амортизаторларни алмаштириб қўймасди, қўрққан бўларди. Демак, подшипник ҳақида айтганимда, кейинги ўғирликнинг олди олинган бўларди. Гапларимга ишонишмасачи? Мени эзма ва ғийбатчи деб ҳисоблашган бўларди... Савол туғилади, қайсиниси афзал: амортизаторларми ёки обрўми?..

Етар, энди бу ёғи фалсафа. Мен эса фалсафани ёқтирмайман...

Тезроқ ухлаш учун Лагутин ҳақида эмас, ёқимли бирор нарса ҳақида хаёл сурмоқчи бўлдим. Масалан, уч юз йигирма беш сўм пулимни қандай сарфлаш ҳақида.

Энг аввал дадам билан онамга совға олиш керак.

Мотор олмайман. Шофёрлик гувоҳномаси бўлган киши велосипед миниши аҳмоқлик. Бальзак билан Чехов асарларига ҳам ёзилмайман, олишга улгураман.

Туристик сафарга чиқаман, қойил иш бўлади! Қримга ёки Қавказга. Балки Майка ҳам борар. Чўққиларга кўтарилаётганимизда унга ёрдамлашаман...

Қора денгизда бирга чўмиламиз. Майка чўка бошлайди. Узимни сувга отиб, уни қутқариб қоламан. Чўқаётганларга ўхшаб у ҳам қаршилик кўрсатади. Унинг бошига мушт туширишга мажбур бўламан. Лекин бу унинг манфаати учун...

Қирғоқда Майкага сунъий нафас олдирилади. У ҳушига келиб кўзини очади. Атрофида турганларга бир-бир қарайди. Бироқ мен улар орасида бўлмайман. Чеккароқда ўтирган бўламан. Узини ким қутқарганини билмайди. «Қим мени қутқарди?» деб сўрайди заиф товuşда.

Мен: «Шу ерлик бир одам», дейман сирли оҳангда.

Мана, Майка билан саёҳатни давом эттиряпмиз. Яна чўққиларга чиқамиз, қўл чўзиб Майкага ёрдамлашаман, илгаригидек уни авайлайман. Аммо буларнинг ҳаммаси Майкага сирли нотанишнинг қаҳрамонлиги олдида аҳамиятсиз ва арзимайдигандек туюлади. У хомуш бўлиб ўша нотаниш ҳақида ўйлайди. Уни мен билан таққослаб кўради. Унинг мендан афзаллигини сезади: ахир уни мен эмас, ўша қутқарган-да. Шу сабабли мендан нафратланади...

Аммо мен индамайман. Қояларга чиқаётганимизда ғамгинлик билан аввалгидек қўл узатиб ёрдамлашаман. Менинг жасоратимни бошқа одам қилган, деб ўйлашидан хафа бўламан.

Туристик сафарни ғамгин тугатамиз. Майка ўзини қутқарган нотанишни ўйлайди, мен Майканинг ўша йигитни ўйлаётганидан хафа бўламан.

Москвага қайтиб келамиз. Майка қизларга қандай қилиб чўкиб кетгани ва нотаниш йигитча уни қутқариб қолгани ҳақида гапириб беради. Қутқарибди-ю, жўнаб қолибди. Камтарин, олижаб бўлганлиги, нотанишлигича қолишни истагани учун ғойиб бўлган. Қизлар ҳайратланишади, қойил қолишади ва Майкага ҳавас билан тикилишади. Надя Флерова бундай романтик воқеага Майка эмас балки ўзи учрамаганидан қайғуради. Ҳаммалари ўша ажойиб йигитчани албатта учратасан деб Майкани ишонтиришади. Пляждан кетган бўлса-да, Майкани назардан четда қолдирмаган: кимлигини билиб олган ва бир куни тўсатдан пайдо бўлади. Балки у Майкани яна қутқаришни кутаётгандир.

Охирги ўқув йилини шу йўсинда ўтказамиз. Майка ўз халоскори ҳақида ўйлайди. У билан муносабатимиз энди унчалик дўстона бўлмай қолди. У аввалгидек мени Ушоқ эмас, Серёжа деб чақирарди, илгаригидек кулиб қарайди, аммо аллақандай ғамгин кулади: мен у севган ва умрбод севадиган йигитчани эслатиб турсам керак...

Мактабни битирамиз. Битириш кечасига тўпланамиз. Мана, меҳмонлар орасида ўшанда пляжда Майкага сунъий нафас олтирган киши пайдо бўлади. У йиғилганлардан бири бўлиши мумкин. Ҳатто ота-оналардан бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Инна Макарованинг отаси.

У Майканинг олдига келиб:

— Сиз билан учрашганимдан хурсандман,— дейди.

— Мени қаердан танийсиз? — сўрайди Майка.

— Қаердан бўларди! Сизни сувдан олиб чиқишганда, сунъий нафас олдирганман.

— Вой,— дейди Майка ғамгин кулиб.

Шунда Инна Макарованинг отаси:

— Сизни сувдан олиб чиққан ўша ажойиб йигитча қаерда?— деб сўрайди.

Майка янада ғамгинлик билан кулиб:

— Билмайман...— дейди.

— Қўйинг-е,— ҳайрон бўлади Инна Макарованинг отаси,— нега билмас экансиз? Ўша билан пляжга келиб, ўша билан кетгансиз.

Майка эсанкираб қолади. Қўлимдан тутиб титроқ товуш билан сўрайди:

— Серёжа. Нега бунга менга айтмадинг?

Мен бепарволик билан жавоб бераман:

— Нима аҳамияти бор?

Шундай деб бир чеккага чиқиб тураман.

Кеча давомида Майка мендан кўзини узмай, ноҳақ муносабатда бўлгани ҳақида ўйлаб азоб чекади...

Ҳамма қизлар менга ҳайратланиб тикилишади. Мен залда яна озгина у ёқ-бу ёққа юриб кейин уйга жўнайман.

Кейин мен бошқа, Майка бошқа институтга ўқишга кирамиз, бир-биримиз билан кўришмаймиз...

Бир ёки икки йилдан кейин тасодифан учрашиб қоламиз... Мен унда хизмат кўрсатган спорт мастери, мамлакат чемпиони номини олган бўламан...

Спортнинг қайси тури бўйича чемпион бўлишим ҳақида ўйлаб бошладим. Узоқ вақт ўйладим. Майка билан тасодифан учрашиб қолганимизда нима бўлганини ўйлашга улгуролмай қолдим.

Ухлаб қолган бўлсам керак...

Ўнинчи боб

Эртасига эрталаб, роппа-расо соат еттида Шмаков иккимиз гаражда эдик.

Шмаков Пётрнинг мен қадрлайдиган хусусиятларидан бири ваъдасида аниқ туриши. Соат еттига ваъдалашган эдик, еттида келди. Шмаков имиллаган бўлса ҳам, масъулиятни ҳис қиладиган бола.

Игорь беш минути кам саккизда келди. Вадим эса жўнаб кетаётганимизда халлослаб етиб келди. Шунинг учун ҳам улар машиналарнинг линияга жўнаб кетишини кўришолмади.

Ажойиб томоша бўлди-да! Шмаков Пётрнинг ҳатто оғзи очилиб қолди. Улкан юк машиналари ва самосваллар катта тезликда бирин-кетин дарвозадан чиқиб тош йўлдан елиб кетар ва шаҳар кўчалари бўйлаб тарқалишарди. Ана шу қудратли колонна орасида рулни бошқариб, шамолдек елиш учун ҳамма нарсага тайёр эдим...

Шмаков билан гараж олдида туриб кабиналардаги шофёрларнинг юзига тикиламиз. Рулга ўтирганда колонна орасида бораётганда уларнинг қиёфаси одатдагидан бошқачароқ, анча савлатли ва мардонавор кўринаркан. Машинани бошқариш қандай бўларкан-а!

Шу тонгда автобазанинг ўзи ҳам анча жонланиб кетгандек, менимча, гўзаллашиб кетгандек бўлди. Репродуктордан диспетчернинг жарангдор, талабчан овози янграйди: «Фалончи шофёр йўл ҳужжатларини олинг!.. Фалончи шофёр, прицеппи тайёрланг!.. Фалончи шофёр, тезда эксплуатация бошлиғига учрашинг!..» Шофёрлар диспетчер хонасидан югуриб чиқиб ,йўл-йўлакай ҳужжатни чўнтакка солиб кабинага ўтиришар ва колонна ортига тиркалиб дарвозадан чиқишади... Бочка, бризент, асбоблар бераётган омборчи шошади... Тунги бригада слесарлари битмаган ишларини тугаллашга ошиқадилар. Ювиладиган жойда сўнгги машиналарга сув сепилмоқда. Ҳамма ҳаракатда, шошиб-пишиб, бақариб-чақариб ишга ошиқишади. Аммо бу шовқин ва шошилишда эрталабки хушчақчақ кайфият сезилиб турибди. Машиналар ҳам яп-янги, тоза, ярқираб чиқиб кетмоқда... Кечқурун эса чанг босиб, цемент, оҳак, гишт парчалари ёпишганча ўзларининг оғир меҳнат кунини ҳалол ўтказиб қайтишади...

Директор Владимир Георгиевич ҳовли ўртасида туриб, атрофда нималар бўлаётганини индамай кузатарди. У ҳеч нарсага аралашмас, ҳеч қандай буйруқ бермас, ҳеч кимга ҳеч нима демасди. Ёнидан одамлар, машиналар ўтиб турар, у бўлса индамай куза-

тиб турарди. Лекин, бу ерда индамай хотиржам турса-да, кабинетдагидан анча басавлат кўринарди...

Қизиқ, ҳозир нима ҳақда ўйлаётганин? Машиналарнинг қанча юк ташишиними? Бироқ, буни оғзаки ҳисоблаб чиқиш қийин. Базада уч юзта машина бор, ҳар бири беш ва ҳатто ўн тоннадан юк ташийди, бир марта эмас, бир неча марта қатнайди. Балки, у бугунги куннинг қандай ўтиши, бирорта воқеа бўлмасмикин, деб ўйлаётгандир? Бу уч юзта машина ҳозир кўздан йироқлашиб, Москванинг турли бурчакларида ишлайди, уларнинг нима бўлишини ким билади. Завод директорига осон: ҳамма ишчилари кўз ўнгида бўлади. Автобаза директорига эса қийин: шофёрлар кун бўйи ҳар томонда юришади, у ҳар бири учун жавобгар, кечқурунгача хавотирланиб ўтириши керак...

Сўнгги машиналар чиқиб кетгач, автобаза ҳувиллаб қолди. Лекин бир неча минутгина ҳувиллаб турди. Кейин бирин-кетин ишчилар кела бошлашди, улар директор билан саломлашиб цехларга тарқалишди. Биринчи смена бошланди...

Биз Липкага шофёр Ивашкин билан жўнайдиган бўлдик. У лагерга қурилиш материаллари ташиётган экан. Унга қайтишда бизнинг машинани шатакка олиб келиш топширилди. Тунука олиш учун аввал омборга ўтиб, кейин лагерга жўнарканмиз. Биз эса ҳеч қандай юк олмай Липкага елдек учиб боришни орзу қилгандик...


Айтгандек, кутилмаган зарба омборни ҳам, тунукани ҳам унуттишга мажбур қилди... Биз билан Зуев ҳам бораркан. Иккинчи машинани у бошқариб келаркан.

Жуда хафа бўлдик. Иккинчи машинани ўзимиз бошқариб келишни мўлжаллагандик. Бўлмади, Зуевни қўшиб қўйишди. Ишонимас экан, нега бизни юборишади?

Зуев кабинага ўтирди. Биз кузовга чиқдик. Кабинага суяниб ўтириб Зуевни бирга юборишгидан аччиқланиб атрофни томоша қилиб кетдик.

Кабинада ўтиргандан кўра очиқ кузовда кетиш анча қулай. Кабинада фақат олд томонга қараб ўтирасан. Йўлда бирор қизиқроқ нарса учраб қолса лип этиб ўтиб кетади. Кузовда эса уни бемалол кўриш мумкин.

Ҳа, кузовда маза! Кун иссиқ, кузовда эса шамол эсиб турибди, агар машинани шатакка олиб келишдан бизни маҳрум қил-



ганликларини ҳисобга олмаганда кузовда ўтириб кетиш роҳат эди.

Икки қаватли кўприкдан Москва дарёсини кесиб ўтдик. Лужникидаги стадион, Қрим кўприги ёнидаги янги эстакада ёнидан ўтиб Қизил Пресияга бурилдик, икки марта темир йўлни кесиб ўтдик ва ниҳоят Москванинг чеккасига чиқиб олдик. Машина омбор дарвозасидан ичкарига кириб кетди, биз кўчада кутиб турадиган бўлдик.

Бу ер кўча эмас, деворлар қалашиб кетган жой эди. Деворларни ёмон кўраман. Уларни кўрсам юрагим сиқилади. Болалигимда эса ҳатто қўрқинчли туюларди — худди девор ортида биров биқиниб тургандек бўларди. Деворнинг нима ҳожати бор? Ахир, социализмда деворлар бўлиши шартми?

Фикримни болаларга айтдим. Аммо улар фикримга қўшилишмади, деворсиз мумкин эмас, дейишди! Игорь эса насиҳатомуз қўшиб қўйди:

— Донолик қилаверма, Ушоқ.

Игорнинг қовоғидан қор ёғарди. Ҳеч кимга бўлмаса ҳам, унга, биринчи классли шофёрга машинани шатакка олиб келишни ишониб топширишса бўларди. Зуевни юборишди-я... Сал нарсага Игорнинг фиғони ошарди. Ҳатто Ивашкиннинг куттириб қўйгани ҳам жаҳлини чиқарарди.

— Машинага тунукани юклаш осон эмас,— деди Шмаков.— Уни фақат тарозида ўлчаб кўрмай, бирма-бир санаб чиқишади.

— Наҳотки шундай қилишса? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Сен нима деб ўйлагандинг! Ахир унга қўрғошин аралаштирилган, қимматбаҳо материал!

Шмаков Пётрнинг билимдонлигига қойил қолдим.

Ниҳоят Ивашкиннинг машинаси кўринди. Биз кузовга чиқиб, тунокалар устига ётиб олдик. Шу сабабли теварак-атрофни томоша қилолмадик. Аммо Липкага борадиган йўлни яхши биламиз. Пионерлик вақтимизда бу йўлдан неча марталаб лагерга борганмиз. Машиналар, далалар, қишлоқлар, электр узаткич мачталари, ўрмонлар ва дарахтзорлар — буларнинг ҳаммаси бизга ёшликдан таниш.

Ивашкин машинани жуда тез ҳайдаб борарди. Йўлда қувиб ўтишни таъқиқловчи белги бўлишига қарамай, бошқа машиналарни ёнлаб ўтиб кетарди. Бир марта ҳатто олдиндаги машинани қувиб ўтаётган машинани ёнлаб ўтди. Бу билан йўл қондасини қўпол равишда бузди. Лекин елиб бораётган машинада юриш қанчалик роҳат. Албатта, Ивашкин — абжир шофёр. Машинани усталик билан бошқаради. Агар рулга ўтакетган ланж Зуев ўтирганда биз тошбақадек судралиб борган бўлардик.

Қуёш тобора қиздирмоқда. Тунука қизиб кетганидан ўзимизни қўйгани жой тополмасдик. Ивашкиннинг машинани тез ҳайдаши ҳам кайфиятимизни яхшилолмади. Зуевни биз билан кетаётганлиги ғашимизни келтираверди. Нега энди уни юборишди! Айниқса, Игорь жиғибийрон бўларди. Лабини буриб:

— «Меҳнатга кўникинглар», «Мустақил бўлинглар» дейишади... ҳаммаси баландпарвоз гаплар! — деб тўнғилларди.

— Бўлмағур гаплар! — луқма ташлади қовоғини солиб Шмаков Пётр.

— Ташаббусни бўғишади,— жиддийлик билан қўшимча қилди Вадим.

Бу сафар мен Игорнинг фикрига қўшилдим. Дарҳақиқат,

машинани шатакка олиб, соатига кўп деганда ўн беш километр тезликда ҳайдашади. Наҳотки, машинани биз ҳайдай олмасак!

— Бизнинг ўрнимизга амакиларимиз ўйлашади,— давом этди Игорь,— биз эса ҳеч нарсани ўйламаслигимиз керак. Бизни гўдак деб ўйлашади. Ахир, ўн олти ёшга тўлдик! Александр Македонский Херонесда фиванларни тор-мор келтирганда ўн саккизга тўлмаган эди. Наполеон йигирма уч ёшидаёқ генерал бўлган... Ана шундай одамлар бўлган!

У бир оз жим тургач кейин қўшиб қўйди:

— Нима ҳам қила олардинг. Йигирманчи аср — кексалар асри.

Машина ҳамон тош йўлдан елиб бормоқда. Ивашкин бир марта ҳатто светофорда қизил лампочка ёниб турганда ҳам ўтиб кетди. Унинг бахтига бу ерда фақат автомат светофор бўлиб, атрофда милиционер йўқ эди.

— Бир йигитча ҳақида аллақаяерда ўқигандим,— тўсатдан гап бошлади Шмаков Пётр,— ё қозоқ, ё корейс бўлса керак. Худди биринчи разрядли шахматчидек шахмат ўйнарган. Эндигина беш ёшга тўлган.

Игорь такаббуруна кулиб қўйди:

— Вундеркинд.

— Ун олти ёшли қанчадан-қанча спорт мастерлари-чи? — яна таъкидлаб сўради Шмаков.

Игорь афтини бужмайтирди:

— Жисмоний ривожланиш билан интеллектуал ривожланиш орасидаги фарқни билмайсанми?

Аммо Пётр, ўз фикрида қатъий туриб олди:

— Музикачилар-чи?

— Музика — кам одамда учрайдиган истеъдод,— деди Игорь.

— Олег Кошевой ўн олти ёшида «Ёш гвардия» штабининг бошлиғи бўлган! — деди Вадим.

— Жуда кам учрайдиган ҳодиса,— эътироз билдирди Игорь.

— Сенга бас келиб бўлмайди! — деди Вадим.— «Жуда кам учрайдиган ҳодиса, тор доирадаги истеъдод, жисмоний ривожланиш» деяверасан!.. Нимани хоҳлашингни ўзинг ҳам билмайсан.

Вадим эҳтиёт қисмлар воқеасидан кейин Игорнинг таъсиридан чиқаётганлиги аниқ эди. Мен бундан хурсанд бўлдим.

— Техника ҳам тараққий этмоқда,— гўлдираб деди Шмаков.

Кўпинча Шмаковнинг нима деяётганини англаб бўлмайди. Кўпчилик тушуниб ололмасди. Аммо, мен тушунардим, гапини аниқ айтолмаганини сезиб, унинг фикрини тушунтириб берардим.

— Александр Македонский даврида,— Пётрнинг айтмоқчи бўлган фикрини тушунтира бошладим,— техника жуда паст даражада эди: у пайтда фил, қилич, найза, қалқонлар бор эди, холос. Ракета, авиация, танкларга эга бўлган замонавий армия билан таққослаб бўлармиди? Замонавий техникани ўзлаштириш учун катта билим талаб этилади.

— Эҳ, сени қара-ю,— кулди Игорь,— филлар Македонскийда эмас, балки Қирда бўлганди!

— Македонский Қир билан эмас, Доро билан жанг қилган,— жавоб бердим мен.

— Гап қиролларда эмас, филларда, — деди Игорь.

— Гап филларда эмас, қиролларда, — дедим мен.

Игорь масхаралагандек кабина томон ишора қилди.

— Сенга Зуев жуда ёқиб қолганга ўхшайди.

— Зуев — бошқа, Александр Македонский бошқа, — жавоб бердим мен.— Лев Толстой кекса эди — лекин бу билан унинг асрини кексалар асри деёлмаймиз. Масалан, Лермонтов, Добролюбовлар бор эди.

Кейин зерикарли тортишув давом этди, нима ҳақда бўлгани ёдимда ҳам йўқ.

Биз Липкига буриладиган йўлга етиб келдик. Кун иссиқ, одамни лоҳас қиларди.

Ўн биринчи боб

Липки — баҳаво қишлоқ. Деворлар жуда кўп. Айримларининг устидан ҳатто тиканли симлар тортиб қўйилган. Бу ерда хусусий боғдорлар ҳамда ижарачилар яшайди. Ижарачилар боғдорлардан хоналарни ижарага олишади. Хусусий боғдорлар ижарачиларни роса шилишади.

— Машина тўхтади.

— Болалар, лагерга бораверинглар,— деди Зуев кабинадан бошини чиқариб.— Биз юкни тушириб қайтамиз.

Машинадан тушиб, қурилаётган лагерь томон юрдик. Атрофи узун айвон билан ўралган бир неча тахта уйга кўзимиз тушди. Атрофда тахта, ёғоч, ғишт ва қурилиш материаллари уйилиб ётарди.

Уйлардан бирига кирдик — бўм-бўш. Иккинчисида ҳам ҳеч ким йўқ. На тирик жон, на мебель бор.

Учинчи уйдан овозлар эшитилди. Қириб овоз иккинчи қаватдан келаётганини билдик. Юқорига кўтарилиб, «Б» синфда ўқийдиган болаларни кўрдик. Улар ёнбошлаганча шошилмай гаплашишарди.

Ичкарига кирганимизда улар гапдан тўхтаб бизга тикилиб қолишди. Биз уларга тикилдик. Практикани қандай ўтказишаётгани тушунарли эди.

— Роса ишлаяпсизларми? — мазах қилиб сўради Игорь.

Улар ҳақиқий ялқовлардек жавоб беришди:

— Нима эди?!

— Ҳавасим келяпти,— деди Игорь.

Гапларидан маълум бўлишича, улар қурилиш материаллари йўқлигидан бекор қолишган экан. Болаларнинг бир қисми шу ерда қолиб, бошқалари чўмилишга кетишибди. Бироқ, бекор қолишдан уларнинг мамнун эканлиги кўриниб турарди.

— Сизларни боқишдан воз кечишмаётгандир? — сўради Шмаков Пётр.

Улар яна ўша жавобни қилишди:

— Нима эди?!

— Нима бўларди, боқи беғамсизлар,— деди Шмаков.

Худди Пётр уларни мақтагандек хаҳолаб юборишди. Ҳатто ҳафа бўлишмади ҳам.

Биз бу ерга нима мақсадда келганимизни айтиб, машинанинг қаерда эканлигини сўрадик.

— Омборчида,— дейишди улар.

— Балки, ўрнингиздан қўзғалиб, омборчининг қаердалигини кўрсатиб берарсизлар? — дедим мен.

Бирортаси ҳам ўрнидан қўзғалиб қўймади. Улар яна хахолаб, машинани тиклаш ниятимизни мазах қила бошлашди. Умуман улар ёмон болалар эмас. Аммо уларнинг ҳозирги кайфияти шундай эди. Бутун синф хахолайдиган, бақирадиган, ҳар хил қилиқлар қиладиган пайтлар бўлади. Ҳозир уларда ана шундай пайт эди.

— Хиринглаганларинг етар! — дедим.

Лекин улар телбалардек хахолашарди. Биз тикламоқчи бўлган машинани ўйлаб хахолашарди. Уни қайта тиклаш ниятимиз болаларга кулгили туюларди. Ахир, улар автомобилни тушунишмайди-да. Шунинг учун ҳам, аҳмоқона қилиқлар қилишарди.



Ҳар бир қилиқлари улар учун кулгили эди. Ишламай овқатланиш ва бекорчилик натижаси бу.

— Кулаверинглар,— дедик-да омборчини қидириб кетдик...

...Биз машинани дарров шатакка тайёрлаб жўнаб кетамиз, деб ўйлагандик. Лекин бу осон иш эмас экан. Зуев бўлмаганда ҳеч нарса қилолмаслигимизни фаҳмладим. Ивашкин ишимизга аралашмади, бир оз ўтиргач, кетиб қолди.

Зуев баллонларга дам уришни буюриб, ўзи автомобилнинг чироқ ва сигналларини тузата бошлади. Машинани чироқ ва сигналсиз шатакка олиш таъқиқланган.

Покришкани дискка ўрнатиш ва камерани унинг орасига киритиш жуда қийин иш. Ғилдиракни у ёққа, бу ёққа айлантриб кўрдик — қимир этмади. Бу аҳволда эрталабгача бирор иш чиқаролмаймиз. Игорь Вадимга бақира бошлади, мен ҳам қичқирдим, Вадим дам у, дам бу нарсага ёпишади. Унга раҳмим келди. Ҳеч қанақа гуноҳи бўлмаса ҳам, заҳримизни унга сочардик. Унга қичқирмай қўйдим. Игорга ҳам бақирма, дедим. «Ўргатма!» — деди Игорь, лекин Вадимга бақириб қўйди.

Зуев келиб, покришканинг устига чиқиб, монтажка белкурагини босди-да, баллонни ўрнатди. Дам уриш бизга қолди. Галма-галдан дам ура бошладик, аммо Игорь сал ўтмай насосни узатаверди.

— Бунақаси кетмайди! — дедим.— Ҳар биримиз юз мартадан дам ураимиз. Шундан кейингина бир-биримизга узатамиз.

Биз алмашилиб турдик. Энди баллонга дам уриб бўлдик, деганимизда Зуев белкурак билан уриб кўриб «яна!» — дерди. Биз яна дам берардик.

Уч соатлардан кейин баллонларга дам бериб бўлдик. Ўлгудек чарчадик, чангга ботиб кетдик.

Зуевнинг ишлари ҳам охирлаб қолганди.

Биз машинани домкрат билан кўтариб, остидаги тахта тирговични олиб ғилдиракларни ўрнатдик. Буниси энди осон эди.

Зуев рулга ўтириб, бизга машинани итаришни буюрди. Биз машинага ёпишдик, аммо у қимир этмасди. Шунчалик қотиб, занг босиб кетганди. Зуев кабинадан чиқиб, елкаси билан итара бошлади, омборчи ҳам ёрдамга келди. Ниҳоят Шмаков Пётрнинг инқиллаб, бошқаларнинг бақириб-чақириб қилган ҳаракати билан машинани саройдан ҳовлига итариб чиқдик.

Қорнимиз очди, Зуевга тушлик қилгани лагерга борамиз, дедик. Зуев индамай бошини силкитиб колбаса, нон ва бодринг ўралган қоғозни очиб овқатланишга ўтирди.

Лагерга бордик. Зал бўм-бўш эди. Ошхонада бизга ҳеч нима беришмади, кечки овқатни кутинглар дейишди.

— Қишлоқда ошхона бор,— деди Вадим.

— Пулимиз йўқ-да,— дедик биз.

Вадим бир оз иккиланиб тургандан кейин:

— Қарз бериб тураман, аммо шартим бор: моянадан бера-сизлар, — деди.

Биз қайтариб беришга онт ичиб, қувонганча ошхона томон кетдик: биз шўрва ва кисел билан боқишадиган пионерлар ошхонасида эмас, ҳақиқий ишчилардек овқатланамиз.

Дераза ёнидаги стол атрофига ўтирдик. Вадимнинг семиз, қизил юзида хавотирлик ифодаси бор эди. Биздан қарзини ундиролмаслигидан чўчирди. Аммо ўзга илож йўқ. У чўнтагидан йигирма беш сўмлик чиқарди.

— Йигирма беш сўмни сарф қиламиз. Киши бошига олти сўмдан тушади. Қолган бир сўм менинг ҳисобимдан. Фойдаланавринглар.

Ортиқча бир сўм ҳақида айтиб хафа бўлиб кетди.

— Қим нимани истаса буюраверсин,— таклиф қилди Игорь.— Тийинларни ҳисоблаб ўтирмаймиз.

Тийинларни ҳисобламасликка рози бўлдик. Лекин ҳаммамизга бир хил овқат буюрсак яхши бўлади. Игорь башарасини бужмайтириб қўйди, лекин кўпчиликка бўйсунди.

Биз тўртта шўр балиқли винегрет, тўртта борш, тўртта рагу ва тўрт бутилка лимонад буюрдик.

Шмаков Пётр бу ерда лимонад яхши бўлмаса керак, деди. Яхшиси тўрт бутилка лимонад ўрнига икки шиша пиво олиш керак. Киши бошига бир стакандан тўғри келади.

Биз Шмаков Пётрнинг таклифига қўшилдик.

Балиқли винегретни бирпасда тугатиб устидан пиво ичдик. Кейин иссиқ боршни олиб келишди. Уни ичиб терлаб кетдик. Бунинг устига дераза ёнида ўтирардик: қуёш ғарбга ёнбошлаган бўлса ҳам, ҳамон қиздирарди. Рагуни еб бўлганимиздан кейин эса бутунлай пишиллаб қолдик. Лекин тушлик қилиб бўлгач, ўзимизни жуда яхши ҳис қилдик. Жазирама иссиқ ва қишлоқдаги

сокинлик бизни ашула айтишга ва шу билан бирга ётиб ухлашга ундарди.

Биз унчалик шошилмасдик. Қаёққа ҳам шошилардик? Машинани тайёрлаб ишимизни бажариб бўлдик. Уни барибир Зуев ҳайдайди. Ивашкин судрайди. Бизсиз жўнаб кетишмайди. Жўнаб кетишса — оқ йўл! Чўмилиб, кейин поездда кетамиз. Машинада қайтишимиз мажбурий эмас. Ахир уни бизга эмас, Зуевга ишониб топширишган. Яхши боринг, оқ йўл!

«Б» синфи ўқувчилари яшаётган уйга мўраладик. Ўчимизни олишимиз керак эди. Аммо лагерда дам олиш соати экан. Агар шовқин қилсак, кичкинтойлар уйғониб кетишади. Бу ерга «Б» синфидаги аҳмоқларни юборишганига кичкинтойлар айбдор эмас.

Ўн иккинчи боб

Ивашкиннинг машинаси ҳам, биз шатакка олиб кетадиган машина ҳам жойида турибди. Зуев унинг остига кабина ўриндиғини қўйиб ухлаб ётибди.

У овозимизни эшитиб уйғониб кетди, машина остидан чиқиб бўғиқ овоз билан:

— Ивашкин қани? — деб сўради.

— Билмаймиз, — деб жавоб бердик.

Зуев бочкадаги сувда юзини ювиб Ивашкинни излаб кетди.

Тадбиркор Шмаков шу ондаёқ Зуев ётган ўриндиққа чўзилди. Вадим суянчиққа эга чиқди-да, у ҳам ётиб олди.

Игорь билан мен Ивашкиннинг машинаси томон югурдик. Ҳар биримиз кабинани биринчи бўлиб эгаллашга интилдик. Уйқумиз қочди. Бироқ Вадим билан Шмаков ётиш учун жой танлаган экан, биз ҳам улардан кўра яхшироғини топмоқчи бўлдик.

Биз бараварига эшикни очиб, бир-биримизни туртиб ичкарига суқила бошладик. Ниҳоят, иккаламиз кабинага кириб олдик. Етишга жой етишмайди, шу сабабли ўтира қолдик. Мен рулнинг рўпарасига, Игорь ёнимга ўтирди.

Шу пайт Игорь шчитокга тикилиб турганини кўриб қолдим. Ўша ёққа қарадим. Кейинги воқеалар биз бараварига ўша нуқ-

тага тикилиб қолган дақиқадан бошланди... Ивашкин кабинада калитни қолдириб кетибди. Машина бизнинг қўлимизда эди.

— Ҳм!— деб гўлдиради Игорь.— «Москвич»да ҳаммаси бош-қача жойлашган.

«Москвич»нинг қанақалигини кўрмаганман. Аммо «ГАЗ-51»ни яхши биламан. «ГАЗ-51»да практикадан ўтганман. Игорга тушунтира бошладим. Мукамалроқ тушунтириш учун моторни юргизиб, амалда кўрсатмоқчи бўлдим.

Албатта, бу бировнинг машинаси. Лекин бир дақиқагина юргизиб кўраман. Ҳеч нима бўлмайди. Ҳеч ким билмайди ҳам. Моторни ўт олдириб калитни бурадим, подсосни тортиб, стартер педалини босдим...

Мотор гуриллаб кетди. Тезда подсосни суриб, газни камайтирдим... Мотор бир текисда гуриллай бошлади.

— Кичик оборотда яхши ишлар экан,— деди Игорь.

— Ёмон эмас,— дедим-да моторни ўчирдим.

— Қани, мен ҳам кўрай,— деди Игорь.

Биз ўрин алмашдик. Игорь моторни юргизди, бир оз ўйлаб стартерни босди.

Мотор яна гуриллади.

Игорь дам газни оширар, дам камайтирарди. Двигатель дам гуриллаб кетар, дам секинлашарди.

— Етар энди,— дедим,— ўчириб қўй!

Биз яна ўрин алмашдик.

— «Москвич»да мотор секин ва бир текисда ишлайди,— деди Игорь.

— Бунисини билмайман, билмайман...— дедим паришонлик билан.— Фарқини билмайман.

Шу пайт чап оёғим билан сцепление педалини босдим. Кейин қўйиб юбордим. Кейин яна босдим, яна қўйиб юбордим. Инструктор бизга ўргатганидек бу ишни бир текисда бажаришга ҳаракат қилдим, кейин биринчи тезликка олдим, яхши ишларкан. Иккинчи тезликка олдим, у ҳам яхши. Учинчиси ҳам миҳдек. Орқага олиб кўрдим — ажойиб! Ҳаммаси енгил, куч ишлатмай бажарилади. Агар моторни юргизсам, буларни шу йўсинда бажариш мумкин. Қаёққа бўлса ҳам хотиржам ҳайдаб бориш мумкин.

Игорь гурурланиб «Москвич»нинг «ГАЗ-51»дан афзаллиги

ҳақида гапира бошлади... Гаплари қулоғимга кирмасди. Бутун фикри-зикрим машинага қаратилганди. Моторни яна ўт олдирдим. Учирдим. Яна юргиздим...

Учинчи марта моторни юргизганимда, биринчи тезликка олдим ва сцепленияни секин қўйиб юбориб газни ошира бошладим...

Машина оҳиста олдинга юрди.

Шу онда иккинчи тезликка олдим, аммо ҳадеганда тушавермади, шошиб уни итардим, лекин ўрнидан силжитолмадим. Машина мувозанатини йўқота бошлади. Шунда яна биринчи тезликка туширдим. Аммо бу пайтда қўл газ бериб юборибман. Машина бир силкиниб тўхтаб қолди. Мотор ўчди.

— Қойил эмасман,— деди Игорь.

Упкамни босиб олгач, яна моторни юргиздим ва орқа томонни кўрсатувчи ойнага қараб, машинани кетга ҳайдай бошладим. Аввалги турган жойига келиши билан дарров тормоз бердим. Мотор яна ўчиб қолди.

— Баҳойинг уч,— деди Игорь.

Нега бундай бўлганини унга тушунтира бошладим. Аммо Игорь гапимни бўлди:

— Ўзингни судда оқлайсан. Икки марта ўчириб қўйдинг, тамом!

Шмаков билан Вадим ёнимга келишди.

— Сайр қиляпсизларми? — сўради Вадим.

Шмаков Пётр ҳеч нимани сўрамади. Шмаков Пётр савол бермайди. Айниқса, Вадимга ўхшаб сўрамайди.

— Жойни бўшат,— деди Игорь мени нари итариб. У ҳам машинани ҳайдаб кўрмоқчи бўлди. Қўрқиб кетдим. Ўзимдан эмас, машинани мендан кўра яхшироқ бошқарса ҳам Игордан хавотирландим.

— Ивашкин келиб қолса роса жанжал бўлади,— деб уни боғоҳлантирдим.

— Мендан хавотир бўлма,— тўнғиллади Игорь.— Яхшиси, ўзингни эҳтиёт қил.

У машинани юргизиб дарвоза олдигача борди, орқаси билан қайтиб келди, кейин яна дарвоза олдигача борди, яна қайтди... Кейин биз Москвага олиб кетадиган машина томон юрди. Унинг олдида тўхтади, кабинадан бошини чиқариб:

— Сим-арқонни боғланглар! — деб қичқирди.

— Нима деяпсан, ақлдан оздингми? — деб сўрадим.

— Хотиржам бўл,— деди Игорь,— сим-арқонни боғлаб, ҳам-масини тайёрлаб қўямиз, шофёрлар бизга раҳмат айтишади. Қани, Шмаков, боғла! Вадим, ёрдамлашвор!

Шмаков билан Вадим сим-арқонни олиб машинага боғлашди.

Бундан кейин нима бўлиши аниқ эди... Игорь ишга киришиб кетди, Вадим билан Шмаков Пётр ҳам ундан қолишмасди. Албатта, озгина жойга бўлса ҳам машинани судраб боришимиз мумкин. Шундай экан, лалайиб қараб қолишни истамайман. Тезгина иккинчи машина кабинасига кириб руль олдига ўтирдим. Агар анқайиб турсам, ё Вадим ёки Шмаков мендан олдин рулга ўтириб олишади.

— Тайёрми? — сўради Игорь кабинадан бошини чиқариб.

— Тайёр! — жавоб берди Вадим. У сим-арқонни олдинги машинага боғлай бошлади.

Шмаков ҳеч нима демади. У сим-арқоннинг бир учини орқадаги машинага боғларди. Одатдагидек бор кучи билан инқиллаб ишларди.

— Ушоқ, унга ёрдамлашвор! — буюрди Игорь.

Ўрнимдан қўзғалишни ҳам ўйламасдим. Аҳмоғи йўқ! Агар кабинадан чиқадиган бўлсам, ўша онда Вадим ёки Шмаков Пётр ўрнимга ўтириб олади.

Игорнинг сабри тугаб, кабинадан сакраб тушди-да, Шмаковга ёрдамлашди. Иккаласи машина тагига ётиб олиб инқиллаб, пишиллаб сўқинишарди... Кейин эгвиларидаги чангни қоқиб ўринларидан туришди... Ҳаммаси тайёр бўлганди.

— Хўш! — деди Игорь.— Сен, Вадим, Ушоқнинг машинасидаги зинада турсан, сен, Шмаков, меникига. Сигналларни айтиб турасизлар. Ушоқ, тайёрмисан?

— Тайёрман,— деб рулни маҳкам тутдим. Вадим машина зинасига чиқиб олди.

Олдиндаги машина қўзғалди. Сим-арқон таранг тортилди. Менинг машинам ҳам бир силкиниб олдинга силжиди.

Машинани умуман ёмон бошқармайман. Инструкторимиз айтганидек «ишонч билан» бошқараман. Аммо ҳозир менда бу ишонч йўқ эди. Машинани ўзим ҳайдамай, балки уни судраб кетишаётгани учун шундай бўляпти. Сим-арқон билан тортиб кетишяпти.

Менинг хатти-ҳаракатим ўзимга эмас, Игорга боғлиқ эди. Албатта, Игорь машинани ҳайдашга уста. Лекин машинани ш а т а к к а олиб юриш бутунлай бошқа масала. Қимни шатакка олиб кетаётганинг ҳақида ўйлашнинг керак. Игорь эса ўз ҳолича машинани ҳайдаб бормоқда. Машинани силтаб-силтаб тортади. Сим-арқон дам бўшашади, дам таранг тортилади. Игорнинг машинасига урилиб кетишдан қўрқаман.

Ҳовлидан чиқиб тўхтадик. Игорь кабинадан тушиб ёнимга келди.


— Қалай?

— Жойида! Фақат силтаб тортма! — илтимос қилдим.

— Ўзинг силтаняпсан,— жавоб қилди Игорь.

Биз яна олдинга юрдик. Йўлнинг ўнг томонида ўрмон, чапда анча чуқур жарлик. Йўл нотекис эди. Аммо на ўрмон, на жарлик, на нотекислик мени чўчитарди. Энди ўзимни анча дадил сезардим.

Игорь ҳам ўзини дадилроқ ҳис қиларди. Тезликни оширди. Силтаб тортди. Тезликни ошираётганда яна силтанди. Тўсатдан машина ўнгга бурилди. Рулни чапга айлантирдим. Игорь яна силтаб тортди. Машинам чапга бурилди. Рулни ўнгга айлантирдим... Машинам дам ўнг, дам чап томонга жилпанглай бошлади...



«Тўхтат!» деб қичқирдим Вадимга. Вадим қўлларини силтаб ишора қилди, аммо Игорь тўхтатмади. Бор кучим билан рулни айлантира бошладим, аммо руль менга бўйсунмасди. Тормозни босдим... Кеч қолган эдим... Машинам қийшайиб жарликка сирпаниб тушаверди...

Қўрқиб кетган Вадимга кўзим тушди. У зинадан сакраб пастга думалаб кетди. Машинам борган сари ёнга қийшайиб жарга сирганиб борарди. Ўриндиқдан эшик томон йиқилдим...

Ўн учинчи боб

Мен ўтирган томондан чиқишнинг иложи йўқ: кабина ерга тиралиб ётибди. Нимагадир қўлларим ачишди, бунга эътибор бермадим. Бутун фикри-зикрим бу ердан тезроқ чиқиб олишда. Ўнг томондаги эшикни очишга уриниб кўрдим. Эшик очилмади. Букилиб қолган. Бахтимга ойнаси йўқ эди. Мен оҳиста ўрнимдан турдим, бир оёғимни ўриндиққа, иккинчисини рулга қўйиб кабинадан чиқдим-да, ерга сакраб тушдим ва атрофга қараб қўйидаги манзарани кўрдим:

Машинам жарликка кузови дарахтга тиралиб ёнбошлаб ётарди. Аммо уни дарахт эмас, балки Ивашкиннинг машинасига боғланган сим-арқон тутиб турарди. Арқон торнинг сими каби тарап тортилиб, машинам унга осилиб қолганди.

Машинадан қияликкача ер худди ҳайдалгандек, буталарнинг шохлари синган — Игорь жарликда йигирма метргача машинамни судраб борганди.

Игорнинг машинаси йўлда турарди. Игорь кабинадан бошини чиқариб менга тикилиб қолган. Пастга тушмади, тормоздан оёғини олишдан қўрқарди. Ранги қув ўчган. Машина зинасида Шмаков Пётр турибди, унинг ранги оқармаган. Пастда Вадим турибди. У жарликда турар, ранги ўчган-ўчмаганлигини кўриб бўлмасди.

Учалови менга даҳшат билан қараб туришарди. Бироқ ўринларидан силжишмади. Мени ўлган деб ўйлаб яқинлашишга қўрқишарди.

Аммо мен тирик эдим. Ҳатто жароҳатланмадим ҳам. Фақат қўлимни куйдириб қўйдим. Аккумулятор кислотаси қўлимни куй-

дирганлигини фаҳмладим. Зуев Москвагача етиб олгунча деб уни вақтинча кабинага қўйганди. Буниси қўрқинчли эмас. Аккумуляторда юз процентли олтингугурт кислотаси эмас, балки электролит суюқлик бор, у куйдирмайди. Сал ачитади, холос.

— Ушоқ, тирикмисан? — қичқирди Вадим ва ёнимга югуриб келди.

— Уликман, — дедим мен.

Шмаков ҳам келди. У менга худди нариги дунёдан қайтган кишига қарагандек тикилди.

— Танимадиларингми? — сўрадим мен.

— Нима бало бўлди? — сўради Шмаков.

Елкамни қисдим. Бу иш қандай содир бўлгани, қанақа қилиб жарликка тушиб кетганимни ўзим ҳам билмасдим. Рулни қўлдан чиқариб юборганим йўқ, хаёлим жойида эди. Фақат руль тўсатдан менга бўйсунмагани ёдимда. Аниқроғи машина рулга бўйсунмай қолди. Кейин уни жарликка судради.

— Бу ёққа келинглар! — деб қичқирди Игорь.

Бечора оёғини тормоздан ололмасди. Ёнига бордик.

— Нима бўлди? — сўради Игорь.

— Қўрмаяпсанми ўзинг?!

— Лекин қандай қилиб бундай бўлди?

— Ким билади! Силтаб тортганингда машинани бошқариб бўлмади.

Игорнинг лаблари титраб кетди:

— Қачон силтаб тортдим?

— Ушанда! Вадим тўхтат деб қичқирганда ҳам кетавердинг.

— Ёлғон! — қизишиб кетди Игорь. — Уша заҳотиёқ тўхтатдим.

Мен кулиб қўйдим:

— Қизиқ... Бўлмаса, ким жарликка судради? Йигирма метр... Пушкинми?

— Лекин нега рулни ушлаб қололмадинг?

— Мен-ку ушлаб қолдим... Фақат машина рулга бўйсунмай қўйди. Балки руль бошқармасида чатоқ жойи бордир... Ахир бу машинани билмаймиз-ку. Шатакка олмасак бўларди! Сайр қилмоқчи бўлибмиз-а...

— Машинани биринчи бўлиб ким юргизди? Ким биринчи бўлиб ҳайдади? — эътироз билдирди Игорь.

— Торгишиб ўтирмайлик, — дедим хафа бўлиб, — барибир

ҳамма вақт сен ҳақ бўлиб чиқасан. Нима қилишни ўйлаб кўрайлик.

Энди нима қилишни ҳеч ким билмасди.

— Бу машинани ҳам пастга судраб кетмаслиги учун ғилдирақларига тош тираб қўйиш керак,— таклиф қилди Шмаков.

Ҳар бир ғилдирақ остига катта-катта тош қўйдик. Игорь оёғини секин тормоздан олди. Машина қўзғалмади.

— Тушишинг мумкин,— дедим,— фақат қўл тормозини тортиб қўй.

— Ақл ўргатма,— деб Игорь кабинадан тушди.

Машинанинг ёнига тушдик.

— Агар ичида бензин бўлганда, албатта, ёнғин бўларди,— деди Вадим.

Нима воқеа содир бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўтиришнинг қизиғи йўқ эди. Юз берган воқеанинг ўзи етарли эди.

— Катта жанжал бўлади-да! — деди тинчимаё Вадим.

— Ҳеч кимни сотмасликка келишиб олайлик,— дедим.

Болалар рози бўлишди. Ҳаммамиз айбни бўйнимизга олади-ган бўлдик.

Машинани қандай қилиб чиқариб олишни ўйлай бошладик. Сим-арқон мустаҳкам, аммо жарлик тикка, машина эса ёнбошлаб ётибди.

Игорь барибир унаб кўришни таклиф қилди.

— Хатарли! — деди Шмаков.— Иккинчи машинани ҳам олиб келиб, тормозни бўшатсак, уни ҳам пастга судраб кетади.

— Бўлмаса нима қиламиз?

Нима қилишни ўйлаб улгурмадик. Йўлда Ивашкин билан Зуев кўринди...

Орамиздаги бўлиб ўтган суҳбатни айтиб ўтирмайман. Ивашкиннинг гаплари ўрнига кўп нуқта қўяман...

Димоғимизга кўп нуқталар билан бирга ароқ ҳиди урилди. Ивашкиннинг юзи помидордек қип-қизил эди.

Зуев чўккалаб олиб сим-арқон боғланган жойни кўздан кечирди. Сўнг ўрнидан туриб хотиржамлик билан:

— Худди ўйлаганимиздек! — деди.

— Тягага боғлашибдими?— сўради Ивашкин, у яна қизариб кетди.

— Худди ўшанга!

Яна кўп нуқтали гаплар бошланди. Булар тугагунча, чўкка-лаб олиб машинанинг тагини кўздан кечирдим. Дарров авария-нинг сабабини тушундим. Сим-арқон одатдагидек рамага эмас, балки кўндаланг руль тягасига боғланганди. Силтаб тортилганида тяга ўрнидан чиқиб кетган, кейин машинани бошқариб бўлмаган. Шу сабабли жарликка қулаган. Сим-арқонни руль бошқармасининг бирор қисмига боғлаш — қўпол техник хато. Бу ишнинг фалокат билан тугаши муқаррар. Биз ҳали ҳам осонликча қутулибмиз. Рўпарадан машиналар ўтиб турган тош йўлда машинамиз тезликни оширганда борми, Вадим билан мenden номи-нишон қолмасди.

Шуларни ўйлаганимда этим жунжикиб кетди. Онамининг ҳоли нима кечарди! Даҳшат!

Игорь билан Шмаков Пётрга қарадим. Улар сим-арқонни боғлашмоқда. Игорнинг ранги қув ўчган, у масъулиятдан жуда қўрқади. Шмаков эса беларво. Унинг ранги ҳам ўзгармаган.

Ниҳоят машинани чиқариб олдик. Кеч кириб қолди. «Б» даги болалар ва пижама кийган ижарачилар бизга ёрдам беришди. Ижарачилар маслаҳатлар беришарди.

«Б»даги болалар воқеа қандай содир бўлганини нуқул суриштиришаверишди. Уларга ҳеч нимани айтмадик. Авария юз берди, вассалом! Тафсилотини эълондан ўқиб олинг...

Қоронғи туша бошлади.

Иккала машина йўлда турарди. Ҳамма тарқалиб бўлди. Ивашкин, Зуев ва тўртталамиз қолдик.

Ивашкин тунда руль бошқармаси бузуқ машинани ҳайдаб бўлмайди, деди-да, асбобларни йиғиштирди, кузовга сим-арқонни ташлаб Зуевга қичқирди.

— Кетдик!

— Кузовга чиқинг, болалар! — деди Зуев.

— Машинани қолдирамизми? — сўрадим ундан.

— Яна ақл ўргатади-я! — бақириб берди Ивашкин.

— Хотиржам бўл, йигитча, машинага жин ҳам урмайди, — деди Зуев.

Аммо мен қолишга қатъий қарор қилдим:

— Йўқ! Машинани қолдиrolмаймиз, унга биз жавоб берамиз. Сизлар кетаверинглар, эрталаб бизга «техничка» юборишсин.

— Қолсанг қолаверларинг!— деб бақирди Ивашкин кабинага кирар экан.

Лекин Зуев бизни ташлаб кетгиси келмади. У кетишга уннай бошлади.

Игорь индамай турарди. Кейин бизни бир четга чақириб:

— Биттамиз шаҳарга жўнаймиз. Биринчидан, бу ерда қолганларнинг уйига хабар бериш керак. Иккинчидан, ёрдам ташкил қилиш керак.

— Шаҳарга қайтмоқчи бўлаётганингни сезиб турибман,— дедим,— боравер. Вадимни ҳам ола кет. Унинг ҳам жуда уйга кетгиси келаётган бўлса керак.

Игорь кинояли гапларимни тушунмаганга олди.

— Шундай қилсак тўғри бўлади, деб ўйлайман. Вадим ота-оналаримизга хабар беради, мен директорни излаб топаман, у шу ондаёқ «техничка»ни жўнатади. «Техничка» билан мен ҳам келаман.

Игорь, албатта, ҳозир директорни тополмайди, тунда «техничка»ни ҳеч ким юбормайди ҳам. Аммо унинг бу ерда қолгиси келмасди.

— Бор, боравер, ҳеч ким сени тутиб тургани йўқ,— дедим мазах қилиб.

Игорь яна кинояга эътибор қилмади.

— Шундай қилсак яхши бўлади, кўрасан. Айтгандек, Шмаков билан кета қол, мен Вадим билан шу ерда қоламиз.

— Кетавер, кўп алжирайверма!

— Кетасаяларми, йўқми?— бақирди Ивашкин кабинадан.

— Ҳозир, ҳозир!— деди Игорь ва мендан сўради,— демак келишдик-а?

— Келишдик,— дедим тўнғиллаб.

— Кетдик, Вадим! — деди Игорь.

— Мен кетмайман,— деди Вадим тўсатдан.

— Нега?

— Болалар билан қоламан.

— Жиннилик қилма! — Игорнинг жаҳли чиқди.— Сенга кетавер дейишдими, демак, жўнайвер!

— Яна бақирадиган бўлсанг, башарангга тушираман,— деди Вадим.

Вадим Игорнинг таъсир доирасидан бутунлай чиққанлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Билганингни қил! — деди Игорь кузовга чиқар экан.

Машина ўрнидан қўзғалди. Бир минутдан кейин тўхташ сигналининг қизил нури ўрмонда кўздан йўқолди.

Бузуқ машина ёнида учаламиз қолдик.

Ўн тўртинчи боб

Қоронғи тушди. Атрофда ҳаво мусаффо ва сокинлик. Ўнг томонда ўрмон қорайиб турибди. Рўпарада, сал чапроқда пионер лагерь чироқлари, сал ўнгроқда қишлоқнинг сийрак чироқлари кўринмоқда. Биз йўл чеккасида ўтириб, Москвага нега қайтмаганлигимиз сабабини муҳокама қилардик.

Буни муҳокама қилишнинг вақти ўтганди. Бу ерда қолмасдан олдин ўйлаш керак эди. Кечикиб қолган бўлсак-да, энди муҳокама қилишдан ўзга чора йўқ.

Агар жўнаб кетганимизда нима бўларди? Автобазага машинасиз кириб борардик, чунки уни жарликка қулатдик, аварияга йўл қўйдик. Албатта, иккинчи марта бизни эмас, шофёрларни юборишлари мумкин. Машинани биз эмас, улар ҳайдаб келишарди. Демак ўзимизнинг мустақил эмаслигимизни билдириб қўйган бўлардик.

Энди иш бутунлай бошқача бўлади. Эртага шу машинада гаражга кириб борамиз. Нима десалар ҳам, факт фактлигича қолади. Авария содир бўлишига қарамай барибир машинани биз олиб келган бўламиз. Шу билан ўзимизнинг мустақиллигимизни исботлаймиз. Юз берган воқеанинг эса аҳамияти йўқ! Йўлда нималар бўлмайди, дейсиз. Бунинг устига бузуқ, қиш бўйи саройда ётган нотаниш машинани ҳайдашнинг ўзи бўлмайди.

Мана шунинг учун ҳам бу ерда қолдик. Машинадан хавотир олганимиз учун эмас. Кечаси унга ким тегарди!

Нега бу ерда қолганлигимиз масаласини ҳал этиб, авария сабабини муҳокама қилишга киришдик.

— Сени қара-я! Тяганинг крюкдан фарқини билмабсан,— дедим Шмаковга.

— Мен-ку, билардим,— деди Шмаков,— аммо Игорь югуриб келиб сим-арқонни тяганинг остига тикди-да.

— Сен индамай туравергансан...

— Айтмоқчи эдим, жўнаб қолдиларинг.

— Тезроқ айтиш керак эди.

Вадим мақтаниб қўйди:

— Мен сим-арқонни тўғри боғладим.

— Шуни ҳам қилмагин эди! — эътироз билдирди Шмаков.— Илгаги кузовнинг тагида, нақ бурнингнинг олдида турибди.

— Илгакми, илгакмасми, мен тўғри боғладим,— такрорлади Вадим, авария унинг айби билан содир бўлмаганидан мамнун бўлиб. У ҳамма вақт айбдор бўлиб чиқишга одатланиб қолган, энди эса у эмас, бошқаларнинг ҳаммаси айбдор бўлди.

— Қочишингни қара! Бир километрга югурдинг-а,— дедим мен.

— Қаерда турганимни ўзинг кўрдингми?! — эътироз билдирди Вадим.— Машина тўғри устимга қулаётганди.

— Машина ағдарилаётганда кабинада ўтириш менга осон бўлди, деб ўйлайсанми? — деб сўрадим ундан.— Мен ҳам сакраб тушиб бир километрга қочишим мумкин эди. Ахир мен охирига дақиқагача рулни қўйиб юбормадим-а!

— «Рулни қўлдан чиқарма, денгизчи» — деб ашула бошлади Вадим.

— Машинадан чиққанинга қўл ва оёқларинг қалтиради-ку! — деди Шмаков.

— Ҳечам қалтирамади-да! — жавоб бердим мен.

Шимимнинг ўнг томонида шапалоқдек йиртиқни пайпаслаб кўрдим. Унга сал тегишим билан йиртиқ жойи кенгайиб кетди. Тушунарли! Аккумулятор кислотаси билан шимни куйдириб қўйибман. Электролит терини эмас, материални ўша ондаёқ куйдириб тушади. Ана холос! Эрталабгача шимсиз қолиш ҳеч гап эмас.

Шимимни ечдим. Кислота уни қанчалик куйдирганини ой нурида кўриб чиқдик. Бунда эртага шаҳарга бора олармиканман? Икки жойи тешилибди. Иккаласи ҳам шимнинг ўнг томонида. Биттаси тиззада, иккинчиси пастда.

— Шимдан айрилибсан,— деди Шмаков Пётр.

— Ҳечқиси йўқ,— юпатди Вадим,— шамол кириб туради.

Шабада эсди. Оёқларим совқотди. Шимни кийиб олдим.

Ўтиб ухламоқчи бўлдик. Уйқуда қорин очлиги унчалик билинмайди. Шмаков кузовга, мен билан Вадим кабинага жойлашдик. Биз бошимизни кабина эшигига қўйиб икки томонда ўтирдик. Оёқларни чўзиб юборгинг, овқатлангинг, устингга бирор иссиқроқ буюмни ёпгинг келади — кабинанинг ойналари йўқ, совуқ эди...

Туш кўрсам, машинада қияликдан сурғаялпман. Моторнинг ишлаётганидан ҳайрон бўлармишман. Чунки, машинада бензин йўқ. Бор кучим билан сигнал берармишман-у, аммо Игорь тўхтамасмиш. Шунда бутун гавдам билан сигнални босибман, тўхтовсиз сигнал чалинармиш...

Жарликка ағдарилаётганимни сезиб, бошимни силкитдим ва уйғониб кетдим. Горн садосини эшитдим. Лагердагиларга туриш учун сигнал берилди. Тонг ёришяпти. Наҳотки, тун шунчалик тез ўтган бўлса? Ҳозиргина ухлагандик...

Вадим билан Шмаковни уйғотдим.

Уларнинг башаралари кўпчиб кетганди. Уни уларга айтсам, эътироз билдириб меники ўзлариникидан баттар эканлигини айтишди.

Қабинадан тушдик. Бир оз маслаҳатлашиб олгач, икки киши лагерь ошхонасига боришга, биттамыз машина олдида навбатчи бўлиб қолишга келишдик.

Чек ташладик. Навбатчилик менинг зиммамга тушди. Жуда омадсизман-да!

Улар кетишди. Бир ўзим қолдим, оёқларимнинг чигилини ёзиш учун йўлда у ёқдан-бу ёққа юрмоқчи бўлдим.

Жуда қорним очди, болалар олиб келадиган овқатни тезроқ ейиш учун лагерь томон юрдим.

Ҳар минутда орқага қараб бормоқдаман. Бизни олиб кетиш учун Москвадан ҳали келишмаса керак. Директор келгунча, Игорь унга нима воқеа бўлганини айтиб бергунча, «техничка»ни йўлга ҳозирлашгунча, у бу ерга етиб келгунча анча вақт ўтади. Икки-уч соат ўтади. Шундай бўлса-да, барибир орқага қарайвердим. Борди-ю, эртароқ келиб қолишса-чи?

Ҳамон илгарилаб бормоқдаман. Муюлишдан бурилдим, яна бурилдим, энди машинамыз кўринмай қолди, аммо агар «техничка» келиб қолса барибир билиб оламан, деб ўзимни оутардим. Ана шундай хаёлда лагерга етиб бордим. Янги пиширилган

нон, шовла, қовурилган гўштнинг ҳиди димоққа урилди. Ошхонадаги говур-ғувур нонушта бўлаётганидан далолат берарди. «Б» синфидаги болалар овқатланаётган айвон томон югурдим...

Ўн бешинчи боб

Бизни олиб кетгани «техничка»да келган одамлар сони ҳам-мамизни ҳайратлантирди. Иккита шофёр билан слесарнинг келиши тушунарли. Бригадир Дмитрий Александрович ҳам майли. Игорь келмаса бўлмасди. Аммо бош инженер билан синф раҳбаримиз Наталья Павловна нега келишдийкин? Фургондан биринкетин тушиб келаётган одамларни кўриб оғзимиз очилиб қолди.

Наталья Павловна ёнимизга югуриб келиб ҳар биримизни пайпаслаб кўра бошлади. Бизни соғ-саломат эканлигимизни кўриб кўзларига ишонмасди.

— Сиз хавотир олгандингиз! — деди бош инженер.

Ўзи ҳам бизни тирик кўришдан умидини узганлиги билиниб турарди.

— Роса бопладиларинг-да,— деди бригадир Дмитрий Александрович. У ҳатто бошидан бетини олди. Бетини ечгач сочсиз боши ялтираб, испанларга ўхшамай қолди.

Москвада роса ваҳима бўлганини фаҳмладим.

— Агар тихирлик қилмай, мен билан шаҳарга кетганларингда ҳеч қанақа ваҳима бўлмасди,— деди гинахонлик қилиб Игорь.

— Сен бу ерда қолишимиз сабабини билардинг-ку,— дедик Игорга.

— Мана шу шалоғи чиққан машинани қўриқлаш учун қолганингизга ҳеч ким ишонмади,— деди Игорь.

Демак, яна биз гуноҳкор бўлиб чиқдик...

— Ота-оналарингизни қанчалик ташвишга солиб қўйганингизни бир ўйлаб кўринг-а, болалар,— деди Наталья Павловна.— Машина ағдарилиб кетгану сизлар тагида қолгансизлар! Бундан бошқа нима хаёлга келиши мумкин эди?!

Рост! Ота-оналар ҳеч қанақа фожиа бўлмаган деб мантиқан бўлса ҳам ўйлай олишармиди.

Бунгача машинани «техничка»га улашди. Сим-арқон билан

эмас, узун металл таёқ билан улашди. Бу «мустаҳкам шатак» деб аталади. Энди машинамиз хавф-хатардан холис бўлди.

Бош инженер олдиндаги машина кабинасига, бригадир Дмитрий Александрович орқадагининг кабинасига, бошқалар «техничка» фургонига ўтиришди. Наталья Павловнани кабинага таклиф қилишганди, у биз билан бирга кетишини айтди. Машина сал силкиниб кетса ҳам қўрқиб, енгимиздан ушлаб оларди. Бизни уйга соғ-саломат етказмоқчи эди.

Йўл-йўлакай нима воқеа бўлганини суриштирди. Биз, албатта, ҳеч нарсани яширмадик. Бирор нарсани яшириш бефойда, ҳаммаси маълум эди. Фақат ким нимада айбдор эканлигини аниқ айтмадик. Нима бўлса биз деб гапирдик.

«Биз машинани дарвозадан ташқарига олиб чиқмоқчи бўлдик», «Биз сим-арқонни нотўғри улабмиз», «Биз айбдормиз»...

— Сизлар ҳеч нарсада айбдор эмассиз!— деб қолди Наталья Павловна тўсатдан.

Уша онда жиддий қиёфага кирди. Наталья Павловна жиддийлашганда характерини кўрсатишини билардик.

— Сизнинг айбингиз йўқ,— қатъийлик билан такрорлади Наталья Павловна,— сизни бу ерга юборган, сизлар билан бирга келган, авария бўлишига йўл қўйиб, кейин кечаси йўлда қолдириб кетган кишилар айбдор. Ушалар айбдор!

Наталья Павловнанинг соддалигидан ҳайрон қолган бўлсакда, у билан баҳслашиб ўтирмадик. У бизни ёш бола деб ҳисобларди. Автобазада эса биз ёш бола эмас, балки маош оладиган ва ўз қилмишига жавобгар ишчилармиз.

Аммо кейинчалик Наталья Павловнанинг фикри ҳаммага ҳам бунчалик содда эмаслиги маълум бўлди.

Автобазага етиб келиб кўрганларимиз, кутганимиздан ҳам ёмонроқ бўлди.

Болаларнинг бирортаси ҳам уйга кетмай, бизни кутиб туришарди. «Техничка» ҳовлига кириши билан бутун цехлардан ишчилар, идорадан хизматчилар югуриб чиқишди. Фургондан тушишимиз билан ота-оналаримизни кўрдик: онам, Шмаков Пётрнинг буvasи ва бувиси, Вадимнинг онаси ва икки синглиси келибди.

Роса тўс-тўполон бўлибди-ку.

Буни қаранг-а! Бугун эрталаб машина кабинасида хотиржам

ўтиргандик, кейин лагерда нонга сарийёғ суриб егандик, ҳеч нима ҳақида ўйламагандик.

Шимимдаги йиртиқ жойлар катта таассурот қолдирди.

Елғиз ўзим машина билан ағдарилиб кетганимни ҳамма биларди.

Онамнинг ёнимга келишга ҳам мажоли қолмаганди. Турган жойида бошини чайқарди.

Буваси билан бувиси Шмаков Пётрни тирсагидан ушлаб уйга олиб кетишди. Кулгили манзара бўлди. Шмаков Пётр худди лилпутлар орасига тушиб қолган Гулливердек борарди.

Вадимнинг атрофида тантиқ сингиллари гирдикапалак бўлишарди.

Кейин директор чиқиб, елкадан ушлаб айлантириб кўрди.

— Соғ-саломат экансизлар... Роса ваҳимага қўйдиларинг-да...

У кулиб юборди. Аммо бу ташвишли кулги эди...

— Барибир унинг учун жавоб берасиз!— деди Вадимнинг онаси пўписа қилиб.

Ўша ондаёқ директорнинг кайфияти ўзгарди, букчайиб, бошини эгиб кабинетига кириб кетди.

Бечорага раҳмим келди. Чин сўзим! Агар Вадимнинг онасига ўхшаган оналар жанжал кўтаришса кўнгилсизликка учраши турган гап. Лекин у мутлақо айбсиз...

— Илтимос, говға кўтарманг,— дедим Вадимнинг онасига.

— Сергей!— деб бақирди онам кўзларини олайтириб. Бирор ножўя гап айтсам ёки ҳаракат қилсам у ҳамма вақт кўзини олайтиради.

— Билмаган ишингизга аралашманг!— деди Вадим ҳам онасига.

— Сен билан уйда гаплашманг!— деди онаси Вадимнинг елкасидан ушлаб уйга бошларкан.

Иккала синглиси ирғишлаб югуришди.

Болалар ҳамон ёнимдан жилишмасди. Майка менга шунчалик ҳайратланиб тикилиб қолгандики, бундан ҳатто ўзимни ноқулай сезардим.

Игорь ҳам шу ерда эди. Менга ҳасад қилаётгани юзидан билиниб турарди. Воқеалар марказида турганимга ҳасад қиларди. Ҳозир менинг ўрнимда бўлишни истарди. Машина билан ағдарилганимда, буни хоҳламаган албатта!

— Юр уйга, Серёжа!— деди ойим.

— Ҳозир,— дедим-да, болаларга қараб: — Бу ерда ҳар хил гаплар бўляпти, говға кўтариляпти. Билиб қўйинг, ҳамма ишга ўзимиз айбдор, бошқа ҳеч ким эмас,— дедим.

Наталья Павловна норози оҳангда тўнғиллади:

— Ким айбдорлигини сенсиз ҳам аниқлашади.

— Ҳаққоният тантана қилади,— дедим мен.

— Яхши, яхши,— деди шошиб Наталья Павловна,— ҳаммасини аниқлашади, хотиржам бўл! Уйингга бориб шимингни алмаштир.

— Шимдан кўра муҳимроқ ишлар бор,— эътироз билдирдим.

Онам билан болалар қуршовида уйга кетдик. Уларга ўзимиз айбдор эканлигимизни йўл-йўлакай тушунтирдим. Аммо болаларни бу нарса қизиқтирмасди. Аниқроғи ким айбдорлиги уларни қизиқтирмасди. Уларни машина ағдарилаётган пайтдаги менинг ҳис-ҳаяжоним қизиқтирарди. Бунга жавобан ҳеч нарсани сезмаганимни айтдим.

Бундай жавоб уларни қониқтирмасди, шунинг учун ўшанда қандай ҳолатда бўлганимни суриштираверишди.

Ҳеч балони сезмаганимни айтдим.

Уйда нималар бўлганини айтиб ўтирмайман. Жонга тегди! Воқеа қандай содир бўлганини онамга йигирма марталаб айтиб бергандирман. Кейин отам ишдан келгач унга ҳам йигирма марта сўзлаб бердим.

Отам мендан автомобиль дарслигини олиб руль тягаси қандай қилиб чиқиб кетгани ва нега машина бошқарилмай қолгани сабабларини қунт билан ўрганиб чиқди. Кейин бир варақ қоғоз олиб авариянинг схемасини чизди. Кейин бутун воқеа унга ойдин бўлганлигини айтди. Шундан сўнг ўринга ётдик.

Ўн олтинчи боб

Эртаси куни эълон тахтасида директорнинг буйруғи пайдо бўлди. Зувга машина ёнидан кетиб қолгани учун огоҳлантирувчи қаттиқ ҳайфсан эълон қилинганди. Бизлардан бирортамиз яна

машина рули олдига ўтирса, автобазадан ҳайдаб юборилиши ёзилганди.

— Бунга нима дейсан?— сўрадим Игордан.

— Боплаб ёзишибди.

— Нимасини боплабди?

У мазах қилгандек бир кўзини қисиб қўйди. Қатталарнинг нияти фақат ўзигагина маълумлигини билдирмоқчи бўлди.

— Сабаби аниқланди, айбдорлар жазоланди, чораси кўрилди...

— Демак, Зуев айбдорми?

Игорнинг қошлари чимирилди:

— Шундай бўлиши керак эди.

— Шундай бўлиши керак, деганинг нимаси? Зуев айбдорми ёки йўқми?

— Биласанми,— гердайиб гап бошлади Игорь,— бизнинг фикримизча, Зуев айбдор эмас. Директорнинг фикрича эса айбдор. У хавфсизликни таъминлаши лозим эди. У эса таъминламади. Директорнинг ўрнида бўлганимда мен ҳам ҳайфсан чиқарган бўлардим!

— Яхшиямки директор эмассан!— дедим.

Лекин Игорь совуққонлик билан гапида давом этди:

— Агар ўшанда Зуев кетиб қолмаганда, биз машинани шатакка олмаган бўлардик.

— Шунақами!— деб хитоб қилдим.— Масалан сен уйингни қулфлашни унутиб қўйгансан-у, ўғри уриб кетган дейлик, демак ўғри эмас, сен айбдорсанми?

— Ноўрин ўхшатиш,— эътироз билдирди Игорь,— нега энди сен хавотир бўляпсан? Зуевга бу ҳайфсан писанд эмас.

— Ўзимизни четга олишимиз керак эмас!— дедим.

— Жуда инсонпарвар экансан!— деди Игорь илжайиб.

— Худбинликдан кўра инсонпарвар бўлган яхши!— дедим.

Игорнинг ғалати хусусияти бор. Бирор камчилигига шама қилинса, ўзини тушунмаганликка олади.

Ҳозир ҳам шундай қилди. Товушини пасайтириб деди:

— Зуев ҳақида гапирганда амортизаторларни эсла... Айтишларига қараганда...

Бармоқларини маъноли равишда ликиллантишидан амортизаторларни алмаштириб қўйишда Зуевдан шубҳа қилишяпти, деган фикрни англаш мумкин эди.

Ҳайрон бўлиб Игорга тикилиб қолдим. Қизиқ бўлди-ку! Амортизаторларни ким алмаштириб қўйганини яхши биламан. Аммо бу ҳақда Игорга айтгим келмади. У далил талаб қилади, менда эса далил йўқ.

— Биз ариза ёзишимиз керак,— дедим.— Авариянинг содир бўлишида Зуев эмас, биз айбдор эканлигимиз ҳақида.

Игоръ ижирғаниб қўйди.

— Масхарабозсан-да, Ушоқ! Аризанг кимга керак? Тушунсангчи ахир, агар Зуев айбдор бўлмаса ким айбдор? Директор айбдор. Машинани олиб келиш учун бизни у юборган. Нима, директор ўзига-ўзи ҳайфсан беришини истайсанми? Аризабозликнинг нима кераги бор... Ярамас иш.

— Ахир аризани бировнинг устидан эмас, одамни ҳимоя қилиш учун ёзамиз,— дедим жаҳл билан бақриб.

— Тентаксан!— деди Игоръ нафратланиб.

Жуда хафа бўлдим. Шунақаям ҳақсизлик бўладими! Ҳеч ким аччиқланмади ҳам, ҳеч ким ҳатто эътибор ҳам бермади.

Ҳамма иш одатдагидек кетаверди. Машиналар келиб-кетиб туришибди. Цехларда ишчилар, идораларда хизматчилар ишлашмоқда. Эксплуатация бошлиғи илгаригидек бутун ҳовлини бошига кўтариб телефонда гаплашяпти.

Ҳаммасидан қизиғи шунда эдики, Зуевнинг ўзи ҳайфсанга мутлақо эътибор қилмади. Биз билан ишлайверди. Илгаригидек Шмаковга турли саволлар берарди. Шмаков ҳам деярли ярим соатдан кейин жавоб берарди.

Саволлар мана бундай эди:

— Тортиш қонуни... У ҳаракатдан тўхтаса-чи? Осмонда нима воқеа бўлади? Роса тўс-тўполон бўлади.

Шмаков нимагадир Зуевга нисбат назариясини тушунтира бошлади. Шмаковнинг ўзи уни тушунмаса ҳам оғзига келганини вайсарди. Зуев эса маъқуллаб бошини силкитарди.

Зуев нарироққа кетгач, Шмаковга ноҳақ ҳайфсан ҳақида айтиб бердим.

Шмаков ўйлаб туриб:

— Тупурдим!— деди.

Вадим ҳам бунга бепарво муносабатда бўлди.

— Ҳа, нима қипти!

Вадим ҳамон автобазада у ёқдан-бу ёққа югуриб юрарди. Унинг қаерда ишлашини тушуниб бўлмасди.

... Ишдан кейин ялангликка тўпланиб Липкадан судраб келган ўша машинани қисмларга ажрата бошладик.

Бизга Зуевни ёрдамга беришди. У автобазада худди тиқинга ўхшайди. Бирор ишни бажарадиган одам топилмаса — Зуевга юкланади. Бош инженер ҳам, бригадир Дмитрий Александрович ҳам биздан хабар олиб туришди. Бироқ амалда Зуев раҳбарлик қиларди.

Болаларнинг бир қисми кузовни, бошқалари кабинани, учинчилари моторни чиқариб олишарди. Болалар болтларни бўшатиб, агрегатларни олишса, қизлар болт, гайка, шурупларни керосин билан ювишарди. Машинада деярли ўн мингта ҳар хил деталлар мавжуд. Кечгача уриндик-да, ҳаммасини ечиб олдик. Машина куп-қуруқ бўлиб қолди.

Эртаси куни биз машинадан трансмиссияни, орқа ва олдинги мостини, рессор, рулни ечиб олиб цехларга ташиб кетдик. Сай-ҳонликда биргина раманинг ўзи қолди. Кейин рамани ҳам пайвандлашга олиб кетдик. Фақат тиргаклари қолди. Қимдир кейинчалик уларни ҳам олиб кетибди.

Ҳамма яхши ишлади. Наталья Павловна таъбири билан айтганда, «иштиёқ билан» ишлади. Эски тарақа-туруқ машина янгилаб олинаётгани ҳаммамизни қувонтирарди. Машинани қайта тиклаш катта иш эканлигини ҳаммамиз яхши билардик. Шунинг учун ҳам ғайрат билан ишлардик.

Металлоломдан ҳақиқий машинани тиклаётганимиз мени ҳам руҳлантириб юборди. Шмаков Пётр иккимиз иш ўрганиб олаётганимиздан хурсанд эдик. Ҳатто бошқа болаларга қараганда дурустроқ ўргандик. Улар машинанинг атиги айрим қисмларини, биз эса бутун бошли машинани ўрганиб олдик. Зуев ҳам биз билан ишлашга кўникиб қолди, бизга ишонарди. Агар болалардан бири унга савол билан мурожаат қилса, улардан сўра, дегандек мен билан Шмаков Пётрга ишора қиларди. Мен билан Шмаков йўл-йўриқ кўрсатардик. Обруйимиз жуда ошиб кетди.

Илгари Зуевга аҳамият бермасдим. Менга ёқмасди ҳам. «Ғалати» одамдай туюларди. Унинг Шмаков Пётр билан сермаъно суҳбати кулгимни қистатарди.

Аммо аста-секин унга нисбатан муносабатим ўзгара борди.

Аввало, у билан бирга ишласанг ҳузур қиласан. Бошқа слесарлар билан ишлаганда биз асабийлашардик, бирор нарсани ўхшатомаймиз деб ҳайиқардик. Зуевдан ҳеч ҳайиқмасдик. У ҳеч қачон бизга танбеҳ бермаган. Ҳатто нотўғри иш қилиб қўйганимизда ҳам:

— Ҳечқиси йўқ, яхши. Мана бу жойини сал тўғрилаймиз,— дерди, ва ўзи тўғрилаб берарди.

Липкадаги авария воқеасида у ўзини қанчалик олижаноб тутганлигига жуда қойил қолдим. Ҳатто бизни койимади ҳам. Бизни деб ҳайфсан олган бўлса-да, ғинг демади. Бошқа одам бўлганда «мана сизлар учун жабрланаяпман»— деган бўларди. Зуев ҳеч нима демади.

Зуевга нисбатан ҳурматим ошган сайин, бизни деб ноҳақ ҳайфсан олгани учун тобора кўнглим хижил бўларди. Қамтарин, олижаноб киши. Ўзини ҳимоя қилолмайди.

Амортизаторларни алмаштириб қўйишда Зуевдан шубҳа қилинаётганини Игорь шама қилган дастлабки пайтда ҳайрон қолган бўлсам-да, бунга унчалик эътибор бермагандим. Бу иш жуда жиддий эканлигини энди фаҳмладим. Аварияни Зуевга тўнкашган экан, амортизаторларни ҳам унга тўнкашлари мумкин. Биттасига индамаган одам иккинчисига ҳам ғинг демайди. Унга ҳамма нарсани тўнкаш мумкин!

У ҳатто ана шу хавф-хатарнинг юз беришини билмасди ҳам, бамайлихотир ишлаб, қанчалик таҳлика остида қолганидан беҳабар эди...

Бундай вазиятда нима қилиш керак? Уни огоҳлантириб қўйсаммикин? Ишонмайди у, ҳеч қандай чорасини ҳам кўрмайди, қўл силтаб қўя қолади. Сени ўғирликда айблашяпти, деб айтиб бўладими?

Директорнинг олдига бориб, амортизаторларни Лагутин олган десаммикин? Менда далил йўқ-да.

Лагутиннинг ўзи билан гаплашиш фикри лоп этиб эсга келди... Ёмон фикр эмас. Бу ҳақда қанчалик кўп ўйласам, унинг фойдаси тегишига шунчалик ишонч ҳосил қилардим.

Албатта, Лагутин ҳалол одам эмас. Лекин у одам-ку! Ишчи-ку! Наҳотки, ўртоғининг тақдирига бепарво қараса. Балки унчалик ёмон одам эмасдир? Балки тўғри йўлдан тойгандир. Ахир,

газеталарда бундайларга ёрдам бериш, уларни қайта тарбиялаш лозимлигини ёзишади-ку. Балки, Лагутинни қайта тарбиялаш шундан бошланиб кетармикан? Ўзини деб ҳалол, олижаноб, ҳеч гуноҳсиз одам жабрланиши мумкинлигини ўйлаб кўрар.

Лагутинга қандай учрашиб, унга Зуев ҳақида қандай айтишимни тасаввур қилиб кўрдим. Амортизаторларни ўзинг алмаштириб қўйгансан, деб албатта унга айтмайман. Мен шундай дейман:

«Зуевни амортизаторларни алмаштиришда айблашмоқчи. Ахир бундай эмас-ку. Бу ишни Зуев қилмаган».

«Хўш, нима бўпти?»— деб сўрайди Лагутин.

«Бирор чорасини топиш керак. У бизнинг ҳамкасаба. Уни қутқаришимиз керак»,— дейман шунда.

«Майли,— деб жавоб беради Лагутин,— ўйлаб кўраман».

Эртаси куни Лагутин директорнинг ҳузурига кириб, амортизаторларни стол устига қўяди-да, шундай дейди:

«Владимир Георгиевич, амортизаторларни мен алмаштириб қўйгандим. Мени нима қилсангиз қилаверинг, Зуевнинг бу ишда айби йўқ!»

Шунда директор ундан:

«Сизни ҳузуримга келишга нима мажбур қилди?»— деб сўрайди.

«Бунга ундаган одамлар бор. Тўғрироғи бир киши...»— деб жавоб беради Лагутин.

Аммо бу киши оддий ўқувчи эканлигини айтишдан уялади ва хўмрайиб қўшимча қилади:

«У одамнинг кимлигини айтишнинг аҳамияти йўқ...»

«Ҳалол ишлашга сўз берасизми?»— сўрайди директор.

«Ўзингиз тувоҳ бўласиз»,— дейди Лагутин.

Практиканинг охири куни, биз автобазадан кетаётганимизда Лагутин ёнимга келиб қўлини чўзади-да:

«Раҳмат!»— дейди.

«Сизга ҳам раҳмат»,— дейман унинг қўлини қисиб.

Болалар нега бир-биримизга миннатдорчилик билдираётганимиз сабабини суриштиришади.

«Арзимаган бир иш бўлганди»,— дейман бунга жавобан.

Бошқа ҳеч нима демайман.

Лагутин билан бўладиган суҳбатни ана шундай тасаввур қил-

дим. Худди шундай бўлишига шунчалик ишонганимдан суҳбат арафасидаги қўрқувни ҳам унутиб юбордим. Бу ишни чўзмасликка аҳд қилдим.

Смена тамом бўлгач, кўчада Лагутинга етиб олиб унга:

— Уртоқ Лагутин, сизни бир минутга мумкинми?— дедим.

Лагутин тўхтаб менга тикилди. Биз йўлакнинг ўртасида турардик.

— Бир чеккага ўтайлик,— таклиф қилдим.

Чеккага чиқдик.

— Гап бундоқ,— деб сўз бошладим.— Амортизаторлар масаласида Зуевдан шубҳа қилишяпти. Амортизаторларни у олиб алмаштириб қўйганмиш.

Лагутин худди илгари тахмин қилганимдек:

— Хўш, нима бўпти?— деб сўради.

Мен тахмин қилган гапни айтганидан қувониб дадил давом эттирдим.

— Бирор чорасини топиш керак. Ахир у бизнинг ҳамкасаба.

Лагутин индамай менга тикилиб турарди.

Мен ҳам унга қарадим. Нигоҳларимиз тўқнашди. Худди шу дақиқада амортизаторларни Лагутиinning ўзи олганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Мен буни билишимни Лагутин ҳам тушунди. Тўсатдан ўзимни ноқулай сездим.

— Балки олгандир.

Индамадим.

Энимиздан одамлар ўтиб турибди. Лагутин ҳеч нима қилолмаслигини биламан. Лекин қўрқардим.

— Дарҳақиқат ўша олган бўлса-чи?— деди Лагутин ҳамон тиржайиб.

Фаҳмладим. Амортизаторларни Зуев эмас, балки у, Лагутин



олганлигини ҳозир унга айтишим лозимлигини ўйлаб, қўрқиб кетгандим. Барибир буни айтиш ноқулай эди.

— Эҳ, сенларни қара!— деди Лагутин жаҳл билан.— Авария қилиб, Зуевга тўнкадиларинг. Амортизаторларни олиб — буни ҳам унга тўнкаяпсизлар. Аблаҳ экансизлар!

Қўрқиб кетдим:

— Нималар деяпсиз? Қим Зуевга тўнкаяпти?

Лагутин кулимсираб:

— Зуев амортизаторларни алмаштириб қўйган деб ўзинг айтдинг,— деди.

— Одамларни гапини айтгандим,— аламдан бақриб юбордим.

— Алдаяпсан!— мазах қилиб деди Лагутин.— Айтдинг! Бошқаларга тўнкаяпсан, хўп одамлар бор-да!..

Ўн еттинчи боб

Утакетган бемаъни, аҳмоқона аҳволда қолдим. Қимга ишониб ўтирибман-а? Лагутинга-я! Топган одамимни қаранг!

Эртаси куни бригадир Дмитрий Александрович ишимни текширар экан:

— Кўп маҳмаданалик қиляпсан,— деди.

Нимага шама қилаётганини тушундим. Лагутин суҳбатимизни унга етказибди.

Зуев ҳеч нима демади. Менга қараб қўйишидан у ҳам бу суҳбатдан хабардор эканлигини тушундим. Гинали нигоҳи мени ўртаб юборди.

Ҳатто слесарь Коська ҳам ғазаб билан тўнғиллаб қўйди:

— Маҳмадана!

Ҳеч кимга ҳеч нима демадим. Лагутиннинг сўзларимга эгри маъно берганини исботлай олармидим? Шундай бўлгандан кейин гапиришнинг ҳожати йўқ.

Мени Игорь йўлдан урганди! Агар у Зуевдан шубҳа қилишаётганини айтмаганда, Лагутинга гапирмаган бўлардим.

Игорь ялтироқ папкасини кўтариб келиб қолди.

Уни деб аҳмоқона аҳволга тушиб қолганимни айтдим.

— Мана, қайсарлигинг нима оқибатга олиб келишини кўр-

дингми, Ушоқ, — насиҳатомуш деди Игорь, — билмаган ишингга аралашаверасан! Ўзингга ҳам, бошқаларга ҳам панд бериб қўясан.

— Ахир Зуев ҳақида ўзинг менга айтдинг-ку, — деб бақириб юбордим.

— Бақирма, — деди Игорь совуққонлик билан, — сенга нима деганим ёдимда йўқ. Балки Зуевнинг фамилиясини айтган бўлсам керак. Лекин, бу фақат менинг тахминим эди.

— Қанақасига сенинг тахмининг? «Шунақа дейишяпти» дегандинг-ку.

— Барибир. Мен ўз тахминимни шахсан сенга, ўртоғимга шунчаки, гап орасида, бекитиқча айтгандим, сен бўлсанг Зуевни расмий равишда айблабсан.

— Қаерда уни расмий равишда айблабман?

— Сен Лагутинга айтгансан, Лагутин эса коллектив аъзоси. Бу ҳақда ўзаро гаплашиш бошқа. Буни коллективда муҳокама қилиш эса бошқа масала. Фарқини билиш керак. Буларнинг ҳаммаси ўзингни бошқалардан кўра ақлли ҳисоблашингдан келиб чиқяпти.

Жуда эзилиб кетдим. Зуевга яхшилик қилмоқчи эдим, оқибати нима бўлди?

Нега нуқул шунақа бўлаверади?

Мана, Игорь. Аҳмоқлик қилса ҳам ҳеч нарса бўлмайди. Ҳеч нима бўлмагандек юрибди. Мен фақат биргина одамга айтгандим. Оқибати нима бўлди? Мени ғийбатчига чиқаришди.

Игорнинг гаплари уйдирма эканлигини нега дарров фаҳмлай олмадим-а? Мени билагонлиги билан ҳайратга солмоқчи бўлган экан. Ариза ёзишимни хоҳламай, мана шу бўлмағур гапни ўйлаб топган. Мен буни рост деб ўйлабман. Лагутин эса менинг аҳмоқлигимдан фойдаланибди. Менинг кўмагим билан изларни йўқотмоқда. Чунки амортизаторларни ўзи олган. Эндиликда, бу жуда аниқ.

Ҳамма мenden нафратланаётганига ишончим комил эди. Қўнглим жуда хижил. Ҳеч кимнинг кўзига қаролмайман. Боплаб қойишганда яхшироқ бўларди! Аммо мени қойишмади. Бу гапни яна қўзғашни хоҳлашмасди. Тўғри қилишади! Ҳамма одоб сақлаб юради, биргина мен нодонлигимни кўрсатиб қўйдим.

Жуда ноқулай аҳволда қолдим-да!

Устига-устак Игорь бу воқеани болаларга вайсаб қўйибди. Майка мени гараждан чақириб сўради:

— Серёжа, Зуев билан сенинг ўртангда нима воқеа бўлди?

Индамадим. Нима ҳам дея олардим? Барибир мени вайсақи деб ҳисоблашади.

— Наҳотки менга ишонмасанг?— сўради Майка тинчимай.

— Ҳеч гап бўлгани йўқ,— дедим маъюслик билан.— Шунчаки тентаклик қилиб вайсаб қўйибман.

— Нимани?

Зуевни ҳимоя қилиб ариза ёзмоқчи бўлганимни, Игорнинг амортизаторлар ҳақидаги гапларини, аҳмоқлик қилиб Лагутинга айтиб қўйганимни гапириб бердим.

— Бекорга хафа бўляпсан,— деди Майка,— ахир яхшилик қилмоқчи бўлгансан-ку.

— «Қилмоқчи эдим!» Оқибати нима бўлди? Ҳамма менга кўз олайтиряпти.

— Қўявер, тинчиб қолишади. Сен кўп ўйлайверма. Ахир бунақа эмасдинг-ку. Сермулоҳаза, ақлли эдинг-ку!

Майканинг мени яхши тушунишидан хурсанд бўлиб кетдим. Лекин мени юпатишидан ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Демак, жуда ғамгин кўринсам керак.

— Менга панд берган одам Игорь бўлди,— дедим.— Унга тўн-камоқчи эмасман-ку, аммо ўша панд берди. Сувдан қуп-қуруқ чиқаверади-я! Умуман ҳайрон қоламан.

— Чунки, Игорь софдил эмас, сен софдилсан,— деди Майка.

Бу гапларни эшитиш ҳам ёқимли эди. Лекин, мени мақташса, ҳамма вақт ўзимни ноқулай сезаман. Нима қилишни билмай қоламан. Маъқуллаш камтарликдан эмас, рад этиш эса... Нега рад этиш керак?!

— Агар барча одамлар софдил бўлганида, ҳамма иш осон бўларди,— дедим.

Майка фикримга қўшилди.

Майка билан бўлган суҳбатдан кейин ҳам кўнглим жойига тушмади. Ургоғинг сени қўллаб турса кўнглинг таскин топаркан. Майка ҳам мени ифвогар деб ўйлашидан қўрқардим. Бундай фикрда эмаслигидан қувониб кетдим. Лекин Майка тушунгани билан бошқалар тушунмайди-да. Ҳамма мендан нафратланади, ўзимни бегонадек ҳис этаман.

Автобазада сандироқлаб юриб ўзимни қўярга жой тополмасдим. Бу ерда ўзимни бегонадек сезардим. Болғаларнинг урилаётган бўғиқ овози эшитилмоқда. Қалайлаш лампалари пишиллайдди, пайвандлаш асбоби вишиллаш, ацетон ҳиди анқир, компрессор шовқин солар, девор ортида аллақандай пақиллаётган товуш эшитиларди... Аммо одатдаги бу шовқин ва ишлаб чиқариш руҳи бу ерда одамлар меҳнат қилаётгани, улар ташвишсиз, яхши кайфиятда эканликларидан, биргина мен бу ерда ҳамма нафратланадиган бегона эканлигимдан далолат берарди.

Вадимни кўриб қолдим. У ўзи ҳозир ишлаётган марказий омборнинг эшити олдида турарди. У менга қўли билан ишора қилиб, омборга кириб кетди. Ортдан эргашдим.

Омбор — автобазада мен ёқтирмайдиган ягона жой. Шипгача чўзилган баланд стеллажлардан тор ва қоронғи йўлаклар ҳосил бўлган. Токча ва яшчикларда машина қисми ва деталлари ётипти, устига узун рақамлар ёзиб қўйилган. Вадим ҳатто деталларнинг номини ҳам билмайди. «Гилдиракни мустаҳкамлаш гайкасини бер!» десангиз, худди номидан кўра номерини ёдлаб олиш осондек у номерини сўрайди. Серғалва, расмиятчилик талаб қилувчи иш. Бу ишнинг нимаси Вадимга ёқаркин? Ҳеч тушунмайман.

Омбор мудури йўқ экан. Вадим унинг ўрнига ўтириб олганди. Рўпарасига ўтирдим. Вадим менга тикилиб қолди.

— Нега рангинг бўзарган?

— Нима, билмайсанми?— дедим.

Омборда биздан бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам, Вадим мен томон эгилиб секин шивирлади:

— Ушоқвой, амортизаторларни топдим.

Ҳайрон бўлиб қолдим.

— Қаердан?

— Юр!— Вадим ўрнидан турди.

— Омборни ташлаб кетаверасанми?

— Қулфлаб қўяман.

— Деталь олиш учун келишса-чи?

Вадим ҳақиқий омбор ходимларидек:

— Кутиб туришар,— деб жавоб қилди.

У омборни қулфлаб, мени яланглик томон бошлади. Ҳамма машиналар линияга чиқиб кетганди. Фақат ялангликнинг бир чеккасида, йўл ёқасида авторемонт заводига жўнатишларини ку-

тиб бешта машина турарди. Уларнинг бортига бўр билан «Ремонтга» деб ёзиб қўйилган. Биз ана шу машиналардан бирининг олдига келиб кузовга чиқдик.

Кузовнинг бурчагидаги устига бир парча тўл ёпиб қўйилган нимадир бор эди. Вадим тўлни кўтариши билан амортизаторларга кўзим тушди. Яп-янги. Мен омбордан олган ўша амортизаторлар.

— Бу ерга қаердан келиб қолди?— сўрадим мен.

— Ақлим бовар қилмаяпти,— деди Вадим.

— Қим бу ерга қўйганикин?

— Ақлим бовар қилмаяпти,— худди тўтидек такрорлади Вадим.

— Қандай кўриб қолдинг?

Вадим кулиб қўйди.

— Тасодифан кўзим тушиб қолди... Нимадир излаётгандим...

— Нимани излаётганидинг?

— Машинамизга ярайдиган нарсa бормикин деб қараётганим,— тан олди Вадим.



— Ҳамон изғияпсанми?

Вадим бошини қўйи эгди.

— Кўриб турибсан-ку...

— Изғишинг мана, нималарга олиб келяпти,— дедим.

— Нима бўпти?— Эътироз билдирди Вадим.— Агар изғимаганимда амортизаторларга кўзим тушмаган бўларди.

— Жуда тентаксан-да! Буни топишингдан нима фойда?

Вадим ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Унинг семиз, қип-қизил юзида тушунмаслик ифодаси бор эди.

— Тушунсанг-чи, тентак,— дедим,— буни топиб олганингга ким ишонарди? Узинг шу ерга яшириб қўйгансан дейишади. Худди шундай дейишади. Агар сен, тентак, изғиб юрмаганингда амортизаторларни бошқа кимдир топган бўларди, бунга бизнинг алоқамиз бўлмасди...

— Энди нима қиламиз?— сўради бечора Вадим.— Ахир мен яхшилик қилмоқчи эдим.

— Биздақа аҳмоқларнинг иши ҳамма вақт шунақа бўлади,— дедим куюниб,— бирор яхшилик қилмоқчи бўлсак, оқибати ёмон чиқади!

Албатта Вадимни ҳаддан ташқари кўрқитиб юборган эдим. Амортизаторларни кўтариб директорга олиб бориб бериш мумкин. Буларни топиб олганимизга ишонади. Агар одам нуқул кўрқиб юраверса, унга ишонишмайди, унинг қадри бўлмайди. Аммо, биз уни ҳозир директорга обориб берсак, уларни бу ерга ким яширганини ҳеч қачон билолмаймиз. Амортизаторларни шу ерга яширган киши албатта, Лагутин! Қулай пайт келганда олиб чиқиб кетиш учун шундай қилган. Амортизаторларни бу ерга Лагутин қўйганлигини ҳамма билиб олгач, унинг нима мақсадда менга туҳмат қилгани барчага аён бўлади.

Улар Лагутиннинг гапларига ишонганликларидан пушаймон бўлишади...

Демак, эҳтиёткорлик билан иш кўриш керак. Амортизаторларга тегмаслик керак. Жойида тураверсин. Фақат директорга айтиб қўйиш керак. У чорасини кўради...

Вадим билан идорага йўл олдик. Директор билан бош инженер йўқ эди, улар трестга кетишган экан. Демак кеч қайтишади, хафа бўлиб қайтишади. Улар ҳамма вақт трестдан хафа бўлиб келишади, у ерда танбеҳ беришса керак. Нима учунлигини бил-

майман. Автобазамиз яхши ишлайди, планни ошириб бажаради, бир йилдан бери кўчма Қизил байроқни қўлдан бермаяпти, лекин трестдагилар янада унумли ишлашимизни истаб, ҳар сафар директоримизга танбех беришса керак.

Скамейкага ўтириб кута бошладик. Ўртоқларимиз уйларига кетишди, аммо иш куни давом этмоқда эди. Омборчи келиб Вадимдан калитни олди. Ўз билгича омборни қулфлаб кетгани учун Вадимни қойимади ҳам. Омборчини нега кўп кутиш сабабини энди тушундим; у цехда ишчиларнинг бекор туриб қолишларидан ҳеч ташвишланмас экан. Фикримни Вадимга айтдим. У яна пихини ёрган омбор ходими каби жавоб қилди:

— Сизлар кўпчилик, биз эса камчилик.

Бунга жавобан унинг тентаклигини айтдим.

Директорни кутиб зериққан бўлсак ҳам кайфиятим яхшиланди. Энди бу воқеанинг тагига етаман. Одамга туҳмат қилиш оқибатини Лагутин билиб қўйсин!

Соат учда ёш ишчилардан бир группаси ёнимиздан ўтиб кетди. Улар кечки мактабда бир хиллари тўққизинчи, бошқалари ўнинчи синфда, айримлари эса ҳатто саккизинчи синфда ўқишади, бугун уларга ишдан икки соат олдин рухсат беришган.

— Улар ўқиб яхши қилишяпти — маданий савиялари ошади, — дедим.

Вадим эътироз билдирди, маданиятли бўлиш учун эмас, балки олий ўқув юртига кириш учун ўқишяпти, деди.

Маданият сўзини қандай тушуниш кераклиги ҳақида баҳслаша бошладик. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Секретарь чиқиб директорнинг бугун келмаслиги, у трестда ушланиб қолганини айтди. Вадим билан бу ишни эрталабгача қолдиришни келишиб олдик. Амортизаторлар эса икки кун ётган экан, яна бир кеча ҳеч ким тегмайди.

Ўн саккизинчи боб

Кечқурун клубга бордим. Клуб машинасозлик заводига қарашли. Аммо ҳамма у ерга бораверади: чунки районимизда бошқа клубнинг ўзи йўқ.

Кўчамизда «Искра» кинотеатри бор. Фойе, оркестр, қўшиқчи-

си ва буфети бўлган икки залга эга янги кинотеатр. Аммо кино кўрасан-да, уйга қайтасан. Клубда эса кечалар, спектакллар, концертлар бўлиб туради, артистлар келишади, чоршанба ва якшанба кунлари джаз ёки радиоло билан танца уюштирилиб турилади. Биз клубга билетсиз киришга уриниб кўрамиз. Фақат уч киши. Игорь, Вадим ва Шмаков Пётр бу ишни уддалашга муваффақ бўлишади. Мен ҳеч уддалолмайман.

«Санъат кишиси санъатдан бепул фойдаланади»— Игорнинг шиори ана шундай. Игорь ўзини санъат кишиси ҳисоблайди. У икки марта кинода оммавий кадрларда суратга тушган. Клубнинг асосий намояндалари унинг ўртоқлари.

Вадим ҳам клубда ўралашиб, ҳар хил топшириқларни бажариб юради, ўзини бу ерда таниқли шахслардан ҳисоблайди. Таниқли шахс сифатида клубга бепул киради.

Шмаков Пётр эса аксинча. Контролёр олдида индамай туради-да, кейин сездирмай ўтиб кетади. Унинг жиддий қиёфасига қараб билетсиз ичкарига киряпти деб бўлмайди.

Уша куни кечқурун директорга учрашолмай Вадим билан автобазадан чиқдик, клубда джаз садолари остида танца бўлаётганди.

Мен танцани яхши кўраман. Айрим кишилар танцани ҳаёт мазмуни деб ўйлагандек эмас, албатта. Тахминан, Пушкин яхши кўрганидек севаман.

Менга джаз ёқади. Қитоб, кино ва джазни ҳамма нарсдан кўра ёқтираман. Агар менда техникага мойиллик бўлганида, балки бирор жиддийроқ нарсани ёқтирган бўлармидим.

Танцанинг ҳаммасига тушавераман. Замонавийсига ҳам, бал танцаларига ҳам. Аммо замонавий танцаларни кўпроқ ёқтираман. Хоҳлаганингча рақсга тушаверасан. Унда инсон шахсияти кенгроқ намоён бўлади. Албатта, айрим олифталар, қийшанглаб рақс қилишади. Лекин полька-бабочка рақсида ҳам қийшанглаш мумкин.

Клубда одам кўп эди. Бизникиларнинг деярли ҳаммаси шу ерда. Автобазадан ҳам кўпчилик келган. Эшикда енгларида қизил боғичли дружиначилар туришибди.

Лагутин диспетчер Зина билан танца тушяпти. Иккаласининг бир-бирига муносабатини ҳеч тушунолмадим-да.

Игорь мен танймайдиган аёл билан танца тушмоқда. У ўзини

аёлга ҳам, музикачиларга ҳам, залдагиларнинг ҳаммасига ҳам мурувват қилгандек тутарди. Чеҳрасида ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган одамдек ҳорғинлик ифодаси, оёқларини эса зўрға ҳаракатга келтиради.

Вадим залнинг ўртасида рақсга тушмоқда. У ўзини рокк-н-рол бўйича зўр мутахассис ҳисоблайди. Шунчаки қўл-оёқларини хоҳлаганча ҳаракатга келтираверади.

Шмаков Пётр яхши танца қилолмайди. Емон дейиш мумкин. Аммо ҳамма танцага тушаверади. Аввал устунга суяниб қайси қиз ҳамроҳсиз ўтирганини индамай қараб чиқади. Кейин қизнинг ёнига бориб таклиф қилади. Шмаков худди аллақандай мураккаб ва масъулиятли ишни бажараётгандек жиддий тусда танца тушади. Қизни қаёққа бошлаб юраётганига қарамай, ён-атрофдагиларга урилиб кетади. Қизнинг оёғини босиб олади, ўша ондаёқ қиз уйига кетиб қолмаса, кейинги танцага ҳам яна уни таклиф этади.

Танца тушаётган қизга бир оғиз ҳам гапирмайди. Умуман, кеча давомида чурқ этмайди. Фақат оркестр музикани бошлаши билан «қанақа танца?» деб мендан сўрайди. Оркестр нимани чалаётганини ўзи билмайди. Қанақа танца эканлигини суриштиришнинг нима ҳожати борлигини тушунолмайман. Нима чалишса ҳам Шмаков ярми фокстрот, ярми тангога ўхшаш танцага тушади. Айрим қизлар янги танца бўлса керак, деб ўйлашади. Шунинг учун Шмаков билан танцага тушганда бунини ўрганиб олишга ҳаракат қилишади.

Майка билан танца тушишни жуда яхши кўраман. Аммо Майкани ҳамма таклиф қилаверади, у ҳеч кимга рад қилолмайди. Буни менга ҳам ёқади, ҳам ёқмайди. Майканинг соддалиги ёқади. У қийшангламайди. Таклиф қилинганда кулиб ўрнидан туради-да, танца тушаверади.

Аммо дуч келган одам билан танца тушавериш ярамайди, шилқимларга дуч келиб қолиш мумкин. Ана шунақалардан бири Майкага ёпишиб олди. Болалар билан уни ўша ондаёқ чеккага суриб, Майка билан галма-гал танцага тушдик. Лекин, танца гамом бўлгач, у Майкани кўчада кутиб турганини кўриб қолдик. Шунда ҳаммамиз уни кузатгани бордик. Шилқим кўрқиб кетиб, ортимиздан бормади. Кейин билишимча, у заводнинг конструкторлик бюросида ишларкан. Кўзойнак таққан озғин йигит экан.

Майка ҳеч кимни рад қилмагани учун ҳам уни танцага таклиф этиш қийин. Ёнида ўтириш ноқулай, худди шилқимга ўхшаб кўринасан. Бизларда жуфт-жуфт бўлиб ўтириш одат эмас. Бу ерга хушомад қилиш эмас, танца тушиш учун келганмиз. Қизлар бир чеккада ўтиришади, болалар бир чеккада туришади. Зални кесиб ўтгунингча аллаким сендан олдин Майкани танцага таклиф қилиб қолади.

Мен келганимда Майка конструкторлик бюросидаги ўша кўзойнак билан танца тушаётган эди. Танца тугагач, яна таклиф қилиш ниятида Майканинг ёнида қолди. Ҳали музика чалинмасдан илгари қизлар олдига бориб гаплашиб турдим-да, музика бошланиши билан дарров Майкани таклиф қилдим. Кўзойнак девор ёнида турганича қолди. Майкага ўз садоқатини кўрсатмоқчи бўлди.

Вальс чалинаётганди. Ҳам чап, ҳам ўнг томонга айланиб танца туша оламан. Кўзойнакли шилқимни руҳан эзиш мақсадида бир давра чап томондан, кейин ўнг томондан айланиб ўтдим. Маҳорат билан танца тушишимга ишонч ҳосил қилиши ва Майкага у каби телбадан кўра мен билан танцага тушиш ёқинини тушунтириб қўйиш мақсадида кўзойнакнинг рўпарасида танца қилишга уриндим.

Кейинги сафар ҳам Майка билан танца тушдим, музикачилар ўз асбобларини қолдириб танаффусга чиққанларини кўрганимдан кейингина Майкани ўз жойига обориб қўйдим.

Шмаков Пётр билан салқинлаб келиш ва газ сув ичиш учун контрамарка олиб кўчага чиқдик.

Айтгандек, Шмаков контрамарка олиш учун ҳар танаффусда кўчага чиқиб туради. Клубга қайтганида уни бермасдан киришга ҳаракат қилади. Шмаков контрамаркаларни йиғади. Клубга сездирмай киришнинг иложи бўлмаса, танаффус пайтида яна шу контрамарка билан ўтади. Контрамаркалар ҳар куни ўзгариб туради. Аммо Шмаков Пётрда ҳамма вақт кераги топилади.

Кўчада ёмғир шивалаб ёғаётганди. Ёмғирда ўзимни енгил ҳис қиламан. Биз бемалол газ сув ичиб, кечки ҳаводан нафас олиб теварак-атрофни томоша қилдик. Аниқроғи мен томоша қилардим. Шмаков Пётр эса сув ичаётганда стаканнинг тагига тикилиб оларди.

Атрофга аланглаб «Победа»ни кўриб қолдим. Оддий «Побе-

да» машинаси. Унинг клуб ёнига эмас, балки муюлишдаги қоронги кўчага келиб тўхтагани мени ажаблантирди. Икки киши машинадан тушди-да, ёнимиздан ўтиб клубга кириб кетди, галстуксиз кўйлак, камзул ва соявони пешанасигача бостирилган шапка кийган икки йигит. Бирининг оёғида енгил оқ туфли.

Аммо улар қандай кийимда бўлишларига қарамай, қанақа одам эканликларини дарров фаҳмладим. Бандитларни мен яхши биламан. Бундайларни кўчада, магазинда, троллейбусда, кинотеатр фойесида учратиб қолсанг, минглаб одамлар орасидан дарров таниб оласан. Уларда мен тушунтириб беролмайдиган аллақандай алоҳида хусусият бор... Боқишларимикин... Кўринишдан бефарқ, бепарво туюлса-да, аслида эҳтиёткор, сергак бўлишади. Худди хотиржамлик билан ҳеч қаёққа алангламай қадам ташлаётгандек бўлади, аслида эса худди ортидан кузатишаётгандек хавотирлик билан юради... Бир пайтлари мактабимизда ана шундайлардан бири саккиз ёки тўққизинчи синфда ўқирди. Унинг йўлтўсар эканлигини ҳамма биларди. Биз ҳам жуда ёш эдик, унга ҳайратланиб тикилардик. Ҳаммага танилган йўлтўсар саккизинчи синфда очиқчасига ўқиётган экан, демак катталар ҳам ундан қўрқишган экан-да. Тўғри, кейинчалик, унинг йўлтўсар эмаслиги маълум бўлди. У ўт ўчирувчиликка кирмоқчи бўлиб чордоқларга чиқиб, машқ қилаётган экан.

Аммо худди ана шундай йигитлар машинадан тушишганига шубҳа қилмасдим.

Шмаков билан клубга қайтдик. Ҳали танаффус тугамаган бўлса-да, ҳамма залга ошиқарди. Бир хиллари девор ёнидан жой олиш учун, бошқалари бирор танцани ўтказиб юбормаслик учун ошиқарди. Шундайлар ҳам бор.

Мен кўзойнакнинг Майка билан танца тушишига йўл қўймаслик учун залга ошиқдим. Лекин тўсатдан бояги йигитлар йўлакнинг охирида Лагутин билан турганини кўриб қолдим. Сал орқага тисланиб бир чеккага ўтиб турдим. Ўзимни залга оломондан кейин кирмоқчидек қилиб кўрсатдим.

Лагутин билан йигитлар узоқ гаплашишмади, балки бир минутгина туришди. Нималар ҳақида сўзлашаётганини эшитолмадим. Мен фақат Лагутиннинг чеҳраси ўзгариб кетганини кўрдим. Кейин иккала йигит худди командага бўйсунгандек ўгирилиб ёнимдан ўтиб чиқиб кетишди.

Музыка овозини эшитиб залга кирдим. Девор ёнида, одатда қизларимиз ўтирадиган жойда Майка йўқ эди. У кўзойнак билан танца тушаётганини кўрдим. Жуда сурбет экан-да! Зални кесиб ўтиб устун ёнида турдим. Нарироқда диспетчер Зинага кўзим тушди. Эгнида яшил кофта, оёғида ингичка пошнали туфли. Ҳайронман, бундай пошнада аёллар қандай юраркин?

Лагутин ҳам ортимдан кириб келди. У ҳам мен каби зални кесиб ўтиб Зинага яқинлашди. Иккаласи устуннинг нариги томонида, менга анча яқин жойда туришса-да, оркестрнинг шовқинидан уларнинг овозини эшитолмадим. Лагутин бир нима ҳақида жаҳл билан гапирар, нимадир талаб қиларди. Зина эса иккиланар, гапига кўнмасди, юзлари қизариб кетганди.

Музыка тўхтади. Кўзойнакли сурбет Майкани ўз жойига кузатиб қўйганини кўриб турардим. Мен диққат билан оркестрга қараб турдим. Музикачилар асбобларини қўлга олишлари билан Майканинг олдига бориб уни дарров таклиф этаман.

Аммо мenden кўра чаққонроғи чиқиб қолди. Яна ким денг? Лагутин! У катта одимлар билан зални кесиб ўтиб Майканинг ёнига келди, бир оз гаплашиб тургач, музика бошланиши билан танцага тушишди.

Майканинг бу қилиғини ҳечам кечирмайман! Ахир у Лагутин менинг ашаддий душманим эканлигини, мен билан Зуевга панд берганлигини яхши биларди-ку!

Соддалик ва табиийлик яхши хусусият, аммо бунчалик даражада бўлиши ярамайди! Ҳамма нарсанинг чегараси бор! Ахир бу, дўстликка нисбатан хиёнат-ку! Тухматчи билан танца қиляпти-я! Майкага тухмат қилган қиз билан мен танца тушармидим? Ҳеч қачон тушмасдим!

Кўзойнак билан танца тушгани учун кечирганимнинг ўзи етарли бўлса керак?! Тўғриси айтганда, у билан ҳам танца тушмаслиги лозим эди. Танца тушиш бошқа, хушомад қилиш бошқа. Кўзойнак эса хушомад қиляпти. Буни ҳамма кўриб турипти. Майка у билан танца тушаётганида хушомадини қабул қиляпти. Кўзойнак масаласида уни кечирган бўлсам-да, Лагутин юзасидан ҳеч қачон кечирмайман. Менга хоинлик қилгани етмаганидек, бечора Зинага алам қилдириш учун Майка билан танца тушяпти. Наҳотки буни Майка сезмаётган бўлса?

У Лагутин билан танца тушаётганида менга кўзи тушиб жилмайиб қўйди.

Мен ўгирилиб олдим, унинг кулгисини ҳам, ўзини ҳам кўрмасликка олдим.

Ўн тўққизинчи боб

Кечаси ухлолмай тўлганиб чиқдим. Майка ҳақида ўйлаганимдан эмас. Майка ҳақида ўйлаганимда ҳам, энди ҳеч қачон уни ўйламайман, деб ўйладим.

Мен Лагутин бояги йигитлар, Вадим билан енгилтаклик қилиб эски машинада қолдирган амортизаторлар ҳақида ўйлардим. Амортизаторларни автобазадан олиб чиқиб кетиш осон бўлиши учун ўша жойга қўйишган. Балки, худди шу бугун кечаси олиб чиқиб кетишгандир. Нимагадир буларнинг ҳаммаси амортизаторлар, бояги йигитлар ва Лагутин бир-бирига боғлиқ деб ўйлардим. Аста-секин менда тахминлар пайдо бўлди: амортизаторларни машинага Лагутин қўйган, уларни бояги йигитлар олиб чиқиб кетишлари лозим. Мантиқан тўғри тахмин.

Яна тахминлар ҳақида ўйлаб ниҳоят ухлаб қолибман. Қаттиқ ухлабман. Эрталаб отам мени зўрға уйғотди. Ишга кечикиб боришимга сал қолибди. Қўнғироқ чалинаётганда етиб бордим. Дарвоза олдида Вадимга дуч келдим: у ҳамма вақт қўнғироқ чалинаётганда югуриб келади.

Гаражга кириб топшириқ олдим. Кейин ҳовлида кутиб турган Вадимнинг ёнига чиқдим. Амортизаторлар ҳақида айтиш учун директорнинг ҳузурига йўл олдик.

Кабинет эшигини очиб ичкарида тамаки тутуни ичида ўтирган лиқ тўла одамни кўрдик. Мажлисни бошлаб юборишибди. Директор эрталабдан қўл остидагиларга танбеҳ бераётган экан, демак кеча трестда роса адабини еганга ўхшайди.

Шунда биз амортизаторлар жойида турган-турмаганлигини аниқлаб келмоқчи бўлдик. Текшириб кўриш керак-да.

Ялангликни кесиб ўтиб «Ремонтга» деб ёзиб қўйилган чеккадаги машина ёнига бориб кузовга чиқдик.

Кузовга чиқибоқ амортизаторлар жойида йўқлигини кўрдик. Бир парча тўлдан бошқа ҳеч вақо йўқ.

Амортизаторларни олиб кетишибди. Бир-биримизга қараб қолдик.

— Балки қоровул кўриб қолиб олиб кетгандир,— деди Вадим ўз гапига ўзи ишонқирамай.

Албатта шундай бўлиши ҳам мумкин. Бу жуда яхши бўларди. Жуда соз! Амортизаторлар топилган, биз бунга аралашмаганмиз, жуда соз-да!

Аммо бошқача бўлиши ҳам мумкин. Амортизаторларни шу ерга яшириб қўйган одамлар олиб кетган бўлишлари мумкин. Машинада келиб амортизаторларни солишган-да, жўнаб қолишган. Қоровул тун бўйи хотиржам ухлайди. Яқинлашаётган машина овозини эшитган бўлса-да, эътибор бермагандир. Кеч қолган аллақандай машина рейсдан қайтган, деб ўйлагандир.

Яланглик тўртбурчак шаклида бўлиб, ремонт цехлари ортида жойлашган. Унг томони тахта девор билан ўралган. Орқа томони ташландиқ қум карьери, чапда ариқнинг ёнидан эски йўл чўзилиб кетган. Бу йўлдан илгари қум ташиш учун юрилган. Ҳозир бу йўлдан фойдаланишмайди. Лекин амортизаторларни фақат шу йўлдан олиб кетган бўлишлари мумкин.

Машинадан тушиб йўл бўйига чиқдик. Дастлаб бир парча тўл кўзга ташланди. У ариқнинг ичида ётарди. Ҳаммаси тушунарли: амортизаторларни худди шу ердан олиб ўтишган. Тақирлаб кетмаслиги учун тўлга ўраб кўтаришган. «Победа»га қўйишгандан кейин тўлни ариққа ташлаб юборишган.

Ариқдан сакраб йўлга чиқдик. Йўл карьерга олиб боради, дам у, дам бу ерга қум тўкилган. Кеча ёмғир ёққани сабабли қумда машина изи яққол кўриниб турибди...

Биз энгашиб олиб изларга тикилдик.

Йўлда гилдирак излари қолган. Аниқроғи, покришка изи. Бундан ҳам кўра аниқроғи, протекторнинг изи қолади. Покришканинг расм шаклида ишланган устки қисми протектор деб аталади.

Биз арча шаклида ишланган чуқур, кенг ва қийшиқ изларни кўрдик.

Бу излар «Победа»ники эмас, балки аллақандай бошқача, бизга нотаниш машина излари эди. «Победа»нинг излари бунчалик чуқур бўлмайди.

— Тракторникига ўхшайди,— деди Вадим ишонқирамай.



— Гапингни қара! Трактордан из эмас, шудгор қолади.

Биз излар бўйлаб карьергача бордик. Жуда хафа бўлдим — ахир тахминим барбод бўлганди-да. Бояги йигитлар «Победа»-да юришганди, бу ерга эса аллақандай бошқа машина келган. Наҳотки амортизаторларни бу ерга Лагутин эмас, бошқа бир одам қўйган бўлса?

Карьер ёнида жуда кўп изларни кўрдик. Шу ерда машина орқага бурилган. Дам олдинга, дам орқага юргизилган. Қум бу ерда қалин бўлиб, излар аниқ кўриниб турарди. Диққат билан тикилиб, менга нотаниш машина излари ёнида «Победа»нинг ихчам изини ҳам кўриб қолдим...

Ҳаяжондан юрагим уриб кетди. Демак, бу ерга «Победа» келган экан-да...

Чўккалаб олдим. Излар ёнма-ён кетган. Иккала машина шу ерда орқага бурилган. Орқага — олдинга, орқага — олдинга юрган...

Аммо «Победа»нинг излари нега фақат шу ерда? Нега йўлда изи йўқ!

Балки биз диққат билан қарамадикмикин?

Изларни диққат билан кузатиб орқага қайтдик. Лекин, қанчалик синчиклаб қарамайлик, йўлда «Победа»нинг излари йўқ эди. Йўлда фақат битта из бор. Чуқур, қийшиқ, нотаниш из.

— Ҳаммаси аён,— деди Вадим,— «Победа»нинг изи юза бўлгани учун шамол текислаб юборган.

— Нега бўлмаса, карьер ёнида ўчирмаган?— эътироз билдирдим.

Ғалати ва тушуниб бўлмайдиган воқеа! Демак, аввал «Победа» юрган, унинг кетидан изма-из иккинчи нотаниш машина ўтган. Унинг чуқур ва оғир изи «Победа»нинг изини йўқ қилган...

— Ҳаммаси аён,— деди Вадим.— Иккинчи машина биринчи машинанинг изини йўқотиш мақсадида атайлаб ортидан юрган. Амортизаторларни «Победа» да олиб кетишган. Демак, изларни йўқотиш керак бўлган.

Унинг гапи мантиқан тўғридек туюлди. Лекин бир оз ўйлаб кўрилгач, бунда ҳеч қандай мантиқ йўқлигини фаҳмладим. Изни йўқотишнинг қанақа аҳмоқона усули бу! Наҳотки тунда изма-из юриш мумкин бўлса? Бемаъни иш. Вадимнинг тахмини дастлаб оқилона туюлгани қизиқ.

Катта йўл томонга ўтдик. Бу ерда қум оз бўлиб, излар ҳам зўрға билинарди. Бу излар иккинчи машинаники эканлиги барибир аниқ кўришиб турарди. Фақат катта йўлга олиб чиқиладиган, машиналар бурилган жойда яна «Победа»нинг изини кўрдик. Бизга нотаниш машинанинг қумли изи ва унинг ёнгинасида «Победа» покришқасидан қолган жуда майда қумли из аниқ кўришиб турарди... Ундан нарида, асфальт йўлда ҳеч нарсани англаб бўлмасди...

Ҳеч нимани аниқлай олмай автобазага қайтдик. Менинг тахминим қил устида турса ҳам, ҳар ҳолда тўла рад этилмади, чунки ўша ерда аллақандай «Победа» бўлган. Демак, амортизаторларни ўша йигитлар олиб кетишган, уни ялангликка Лагутин обориб қўйган.

* * *

— Қаерга йўқолувдинг?— сўради Шмаков гаражга қайтиб келганимда.

Қўл силтаб қўя қолдим:

— Шу ерда юргандим...

— Бригадир койиди,— деди Шмаков.

Илгарў бирор жойга бориб келсам бригадир койимасди. Энди эса койибди. Тушунарли! Менга бўлган муносабати ўзгарган. Ҳаммасига Лагутин айбдор. У менга туҳмат қилгани учун шундай бўляпти. Майли, ҳақ қарор топар!

Шмаков билан ишга киришдик, кейин ундан сўрадим:

— Бригадирга нима дединг?

— Сени илмий мудир чақирган дедим,— жавоб қилди Шмаков.

Шмаков Пётрнинг фаҳм-фаросатига неча марталаб қойил қолганман. Биргина у шунчалик оқилона жавоб топа олади. «Илмий мудир чақирган!» Жавобни қаранг-а! Агар Шмаков директор ёки бош инженер чақирди, деганда бригадир текшириб кўриши мумкин эди. «Илмий мудир чақирганини» бригадир қандай текшира олади? Балки, илмий мудир кимлигини билмаса ҳам керак? Билган тақдирда ҳам текшириб кўриш учун мактабга бормаиди-ку. «Илмий мудир» — унинг учун аллақандай тушунча, шунинг учун ҳам ишончли. Айрим кишилар учун энг ишончли нарса — бу, энг мавҳум нарса эканлигини аллақачон сезганман.

Қойил, Шмаков! Ҳақиқий ўртоқ экан! Амортизаторлар ҳақида унга оғиз очмаганимдан хижолат бўлдим. Чунки, Вадимга қарганда Шмаков ишончлироқ одам. Шмаков секин мулоҳаза юритса ҳам унда амалий кўникма бор, унинг амалий билимдонлигига бир неча марта ишонч ҳосил қилганман.

Шмаковга бор гапни бир бошдан гапириб бермоқчи бўлдим. Унга албатта, бошидан гапириб бериш керак, акс ҳолда нима гап эканлигини тушунмайди. Шу пайт тўсатдан хаёлимга бир фикр келиб қолди. Нега нотаниш машина изини кўчириб олмаган эканман-а? Бу излар йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шундай муҳим томонини эсдан чиқариб бўлармиди! Иккинчи изни ҳам қоғозга кўчириб олиш керак. Уни «Победа»ни изи деб ўйлайман, бунинг акси бўлса-чи?

Биз прокладка учун қирқиб оладиган картондан бир парчасини, бўр, қалам олдим-да, агар бригадир мени сўраб қолса бирор баҳонани рўкач қиларсан деб Шмаковни огоҳлантириб ялангликка югурдим...

Ярим соатдан кейин қайтиб келдим. Чўнтагимга нотаниш машина ва «Победа» протекторининг излари кўчириб олинган қозғоли солиб олдим. «Победа»нинг изи мураккаб, майда бўлиб, аниқ кўринмасди, шунинг учун уни чизиш қийин бўлди.

Ишонч билан ишга киришдик. Бригадир келиб, менга қаради-ю, лекин ҳеч нима демади. Уқувчилар учун сеҳрли бўлган «килий мудир» сўзи унга ҳам таъсир қилганга ўхшайди.

Шмаков билан кўп ишламадик. Тезда кўнғироқ чалиниб қолди. Ишчилар танаффусга чиқишди, биз уйга жўнашимиз мумкин.

— Тўхтаб тур. Иш бор,— дедим Шмаковга.

— Хўп,— деди Шмаков Пётр.

У ҳеч қачон нега, нима учун деб савол бермайди. Яхши одат.

Биз маҳаллий комитетга кириб кутубхоначидан «Автомобилнинг резина чамбари» деб номланган китобни олдик ва стол ёнига ўтириб уни варақлай бошладик. Чўнтагимдан йўлда кўчириб олган протекторлар нусхасини олиб китобнинг ёнига қўйдим-да, Пётрдан сўрадим:

— Сенга савол: бу протекторлар қайси покришканики?

«Победа»нинг протекторини тезда топдик. Дарҳақиқат, «Победа»нинг 6X16 ҳажмли покришкасининг протектори эди. Енгил нафас олдим. Худога шукур! Демак, «Победа» дарҳақиқат ўша ерда бўлган. Жуда соз! Қойил! Демак, янглишмабман...

Бироқ иккинчи машина протекторига ўхшаш расмни китобдан тополмадик.

Шунда Шмаков мен чизган расмга диққат билан тикилиб:

— Бу вездеходнинг покришкаси,— деди.

— Қанақа вездеход?

— «Газ-69».

— Наҳотки?

— Аниқ.

Кутубхоначидан «Газ-69» вездеходи ҳақидаги китобни олдим. Биз «Резина чамбар ва камералар» бўлимини варақлаб протектор расмини топдик. У мен йўлда чизиб олган нусхага аниқ ўхшарди. Ушандек арча шаклидаги кенг қийшиқ чизиқли...

Кутубхоначига китобларни қайтариб бериб, яланглик томон кетдик. Йўлда Шмаковга ҳамма тапни бир бошдан айтиб бердим. Йўлимиз узоқ бўлгани учун ҳаммасини айтишга улгурдим.

Бу сафар Шмаков Пётр билан яна изларни қараб чиқдик. Қум

қуриб қолган, излар шаклини йўқота бошлаган, лекин ҳали ҳам кўриниб турарди.

Шмаков бир оз ўйлаб:

— Агар «Победа»да ўғрилар бўлса, демак вездеходда милиция келган,— деди.

Афсусланиб пешанамга уриб қўйдим. Ўзим фаҳхламаганимни қаранг-а! Албатта, Шмаков ҳақ! Мана зеҳни ўткирлик! Қойил...

Айтгандек, «қойил» дейишга вақт эрта! Нега йўлда «Победа»нинг изи йўқ?

Албатта, Шмаковнинг изоҳи Вадимникига қараганда мантиқан тўғри. Лекин, ўзини айблайдиган даражада эмас.

Шмаковнинг зеҳни ўткир. Аммо воқеанинг сирини билиш учун яна аллақандай хусусиятларга эга бўлиш лозим...

Қандай хусусиятга? Қим биледи дейсиз! Балки, зеҳни ўткирликнинг қарама-қарши томонимикин. Масалан, хаёл парастлик.

Йигирманчи боб

Бу воқеани ҳеч кимга айтмасликка аҳд қилдик. Барибир ишонишмайди. Ишонишган тақдирда ҳам бизни ландовур деб ҳисоблашади. Бунга асос бор: амортизаторларни биз қўлдан чиқариб юбордик-да.

Шмаков Пётр ҳам ҳамма гапдан хабардор эканлигини Вадимга айтмадим. Агар Вадим буни билиб қолса, бошқаларга ҳам айтиб қўйиши мумкин. Аҳдни биринчи бўлиб сен бузгансан, деб ўзини оқлаши мумкин. Вадим шунақа одам. Унга шахсий намуна билан таъсир этиш мумкин. Шмаков Пётрга ҳамма гапни айтиб бўлганимни тан олсам, унга қанақа намуна кўрсатган бўламан? Айтгандек эртаси куни бу гаплар билан ишимиз бўлмади: биринчи маош кутилаётганди.

Автобазада ойига икки марта маош берилади. Ҳар сафар катта воқеа ҳисобланади. Маош олишга ўрганган одамларда ҳам шу куни кўтаринкилик руҳи сезилиб туради. Биз ҳақимизда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир, бу ҳаётимиздаги биринчи маош.

Ахборотни Йгордан олиб турамиз. У идорада ишлайди, шунинг учун ҳамма гапдан хабардор. Маошни худди у бераётган-

дек, у бўлмаганида биз бир тийин ҳам ололмайдигандек чеҳрасида такабурлик аломати сезилиб турибди.

Аввалига у бизни «ведомостга киритишгани»ни эълон қилди. Фамилияларимиз маош оладиганлар рўйхатига ёзиб қўйилибди. Бу ишда менинг ҳам хизматим бор, деган маънода гапирди. Кейин яна келиб фақат аванс — маошнинг ярмини олажагимизни айтди. Қолган ярмини ойнинг охирида оларканмиз. Қанча ишлаганимизга қараб ҳақ оламиз. Кўп ёки кам бўлиши мумкин. Игорь, албатта, кам эмас, кўп олишимизга ҳаракат қилади.

Кейин келиб кассирнинг банкка кетганини айтди.

Кейин банкда иш юришмаётгани, маошни балки эртага беришлари мумкинлигини хабар қилди. Кейин келиб ҳамма иш жойида эканлигини, аммо маошни бизга соат бешдан кейин беришларини эълон қилди.

Умуман Игорь кун бўйи бизни ҳаяжонлантириб ишимизга ҳалақит берди.

Шмаков иккимиз хавотирланмасдик. Бизга маош тегишли эканми, ахир оламиз-да. Бугунми, эртагами — фарқи йўқ. Шунинг учун Игорга пашшадан фил ясамаслигини айтдик.

У биздан ранжиб чиқиб кетди. Лекин, сабри чидамай ҳамма иш жойида эканлигини айтиб, бизни мамнун этиш учун яна қайтиб келди. Маошни бизга соат ўн иккидан кейин беришаркан.

— Бўпти!— деб жавоб қилдик биз.

* * *

Ишни тугатиб, бутун синфимиз билан кассанинг олдига тўпландик. Дарча очилди. Бизга маош берила бошлади.

Биз ведомостдаги ўз фамилиямиз рўпарасига имзо чекардик. Кассир эҳтироссиз киши бўлиб, ҳеч кимга бошини кўтариб қарамасди. Фақат ведомостга қараб, белги қўяр ва пулни санаб берарди. Бир юз олтмиш икки сўм.

Болалар обрўларини сақлаб туришарди. Пулни олиб бепарволик билан чўнтакка солишарди. Тўғри, айрим болалар навбат кутмай олишга уриниб кўришди. Лекин, зиқналикдан эмас, балки шўхлик билан шундай қилишди. Фақат Шмаков Пётр пулларни кармонига тахлаб солиб қўйди. Унинг одати шунақа.

Лекин қизлар ҳаддан ташқари ҳаяжонда эдилар. Кассадан узоқлашиб пулни санашар ва алланималар ҳақида қизғин баҳс-

лашишарди. Биргина Майка шовқин қилмасди. Хотиржамлик билан пулни кўйлагининг чўнтагига солиб қўйди. Буни, албатта, тасодифан кўриб қолдим. Орамизда ҳамма гап тугаган. У бўлса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ менга қараб майин жилмайди.

Игорь касса олдида дўстларини зиёфат қилаётган меҳмондўст уй эгаси каби мурувват ила кулиб турарди. У ўз шахсиятини намоеън этишни яхши кўради. Идорадагиларга яқин одам сифатида маошни биздан илгари олган. Вадим унинг ёнида туриб қарзларини йиғмоқда. Липкадаги тушликка олинган ўн сўмни унга қайтардим. Шмаков ҳам ўйлаб туриб, пулни чўзди.

Менда бир юз эллик икки сўм қолди. Дарров универмагга бориб дадам билан онамга совға олишга аҳд қилдим.

— Юр, универмагга борамиз,—таклиф қилдим Шмаков Пётрга.

— Нега?

— Бирор нарса сотиб оламиз.

Совға ҳақида унга айтгим келмади. Шмаковнинг ота-онаси Ҳиндистонда, завод қурилишида ишлашяпти. У буваси ва бувиси билан яшайди. Пётрнинг уларга совға олишига ишончим йўқ эди. Совға олишимни билиб бормаслиги мумкин. Бир ўзим боришга эринаман.

Универмагнинг биринчи қаватида: ёзув ашёлари, спорт ва ўйинчоқлар бўлими ёнида менга керак бўлган атир-упа бўлими жойлашган.

Магазинларда нозарур бўлимлар қуйи, зарурлари юқори қаватда жойлашишини аллақачон сезганман. Керакли буюмлар юқори қаватда бўлади. Масалан, пойафзал бўлими — тўртинчи қаватда.

Фикримни Шмаков Пётрга айтдим.

— Атир оламан деб ҳеч ким тўртинчи қаватга чиқмайди, ботинка зарур бўлса чиқади,— деди у ўйлаб олиб, сўнг қўшиб қўйди,— тўртинчи қаватга чиқадиغان одам йўл-йўлакай биринчи қаватдан у-бу нарса харид қилиши мумкин. Шу йўл билан магазин планини бажаради. Савдо ходимлари мукофот олишади.

Мен Шмаков Пётрнинг фаҳм-фаросатига, унинг билимдонлигига яна бир марта қойил қолдим.

Спорт бўлимида ҳамма нарса шунчалик яхши жойлаштирилган, яп-янги ва ялтираб турадики, уларнинг ҳаммасини харид қилгинг келади. Боксчилар қўлқопини олсам ёмон бўлмасди, ган-

теллар ҳам зарур. Аммо, ҳаммасидан кўра мен билан Шмаков Пётрга спортча шим ёқди. Пастки қисми резинали, мовий рангда, трикотаж. У кишига спортчи тусини беради. Айниқса, ёқаси оқ, мовий свитер билан қўшиб кийилса, машғулотда кийиладиган ҳақиқий костюм бўлади.

Лекин, ҳам свитер, ҳам шим, ҳам совға сотиб олсам бор пулимни сарфлаб қўяман.

Бундай қиламан: спортча шим сотиб оламан, ўттиз сўм туради. Йигирма икки сўмга совға оламан. Менда роппа-расо юз сўм қолади. Агар Игорьь айтганидек, ойнинг охирида икки юз сўм олсам, мендаги пул уч юз сўм бўлади. Бу пулга бирор тузукроқ нарса сотиб оламан.

— Оламизми?— сўрадим Шмаков Пётрдан.

У диққат билан шимни у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрар, қўли билан пайпаслар, лекин индамасди.

— Пулини тўлашга кетдим!— дедим унга қатъий қилиб.

Шмаковга Вадимга қилинганидек намуна кучинг билан таъсир этиш керак.

Кассага ўттиз сўм тўлаб келиб, ўраб қўйилган шимни олдим, Шмаков эса ҳамон прилавка ёнида шимни пайпаслаб турарди.

— Ҳали ҳам ўйлаб турибсанми?— дедим унга,— пулини тўлаб кел.

Шмаков хўрсиниб қўйди:

— Трикотажи ярамайди, икки кунда чўзилиб кетади. Тиззасидан... Атрофлари ҳам. Иккинчи сорт.

— Нега илгарироқ айтмадинг?!— дедим унинг гапидан юрагим шувиллаб.

— Улгуролмадим,— шмаковчасига жавоб берди у.

Бу сафар унинг фаҳм-фаросатига қойил бўлмадим. Фаросати бошида қолсин! Сусткаш бўлгандан кейин фаросатнинг нима ҳожати бор?

Майли! Бўлар иш бўлди! Ўттиз сўмга куйдим, бундан кейин ақллироқ бўламан.

Атир-ула бўлимига бориб онамга атир олмақчи бўлдим. Лекин ёзув ашёлари ёнида Шмаков Пётр билан бир оз ушланиб қолдик.

Авторучка ва муқовали қалин дафтарлар эътиборимизни ўзига жалб қилди. Отамга битта ручка олсам яхши бўларди. Ажойиб

совға бўларди! Отамнинг ручкаси ҳеч нарсага ярамай қолганди.

Лекин, баҳоси қирқ беш сўм экан! Юз сўмлики майдалатишга тўғри келади... Шимни бекорга олган эканман! Шунини олмаганимда отамга ручка ва онамга кичкинатишада атиргани етган бўларди.

— Дафтар олиш керак,— деди Шмаков,— сен қанақа рангданини оласан?

Ўзимга бошқа нарса олмаслигим лозим эди. Аммо шимга тўланган ўттиз сўмнинг олдида уч ярим сўм нима деган гап?

— Тўқ саригидан,— дедим.— Ўзинг-чи?

Шмаков «ўйлаб кўриш керак» дегандек бошини қимирлатиб қўйди.

Кассага уч ярим сўм тўлаб, чиройли тўқ сариқ муқовали дафтарни олдим.

— Тезроқ танла,— шоширдим Шмаков Пётрни.

У хўрсиниб қўйди:

— Ёқмаяпти.

— Қизғанчиқ! Мана сен кимсан!— дедим Шмаков Пётрга.

Атир-упа бўлимида «Совға» қутичаси неча сўм туради, деб сўрадим.

— Эллик сўм? Оҳ-о!

Қутичада атир билан одеколон бор. Атир алоҳида эмас, фақат одеколон билан бирга сотиларкан. Ғалати тартиб!

Нима харид қилишни билмай иккиланиб қолдим. Ҳатто иссиғим чиқиб кетди.

— Петро,— дедим унга,— мержоний олайлик.

— Егим келмаяпти,— жавоб қилди Шмаков.

Ўзимга мержоний олдим. Уни еб бир оз ўзимга келдим. Мен сарфлаган ўттиз уч сўм олдида бир сўм тўқсон тийин нима деган гап? Менда бир юз ўн олти сўм қолди.

Ниҳоят йигирма олти сўмлик «Москва чироқлари» атирини танладим. Менда тўқсон сўм қолади. Ойимдан ўн сўм қарз олсам роппа-расо юз сўм бўлади. Келаси маошимда ойимга қарзимни тўлаб, отамга совға оламан. Шундай қилсам тўғри бўлади. Бу маошдан онамга, кейингисидан — отамга...

Шмаков Пётрга бир оз ҳавасим келди. Чунки унинг ҳамма пули ёнида. У қизғанчиқ, мен эса ундай эмасман, деб ўзимни овутдим.

Магазинни айланиб чиқамиз,— таклиф қилди Шмаков.

Рад жавоби бердим. Шмаковнинг қизғанчиқлиги уни тутиб туради. Мен эса, албатта, бирон нарса сотиб оламан. Шу пайт Вадим қўл силтаб бизни чақираётганини кўриб қолдик. Қаердан пайдо бўлганини сезмай қолибмиз. Бизга қўл силтаб, ўзи спорт ашёлари бўлимига югуриб кетди. Биз ортидан югурдик.

— Тезроқ навбатга туринглар,— деб шивирлади Вадим.

Пештахта ёнида одамлар навбатда туришибди. Боягина йўқ эди. Биз Вадимнинг ортидан турдик. Биздан кейин бир неча киши навбат олди.

— Сув остида сузиш учун ниқоб билан оёқ курак олиб келишибди,— деб шивирлади Вадим,— ҳозир сотишади.

— Бизга нима кераги бор?— сўрадим мен.

— Вой, тентаг-ей!— ҳайрон бўлди Вадим.— «Сокинлик дунёсида»!..

«Сокинлик дунёсида»ни ўқигандим. Аммо Москвада денгиз йўқ. Агар баҳорда туристик йўлланма билан Қрим ёки Қавказга бориб қолгудек бўлсам, керак бўлиб қолади. Лекин, ниқоб билан оёқ куракни сотиб олсам қайси пулимга туристик сафарга бораман? Бу аҳмоқона буюмларни олишга нега розилик бердим-а!

Ана шундай шубҳалар билан ўзимни қийнаб навбатда турардим. Навбат олувчилар тобора кўпаймоқда. Бир хил одамларга ниқоб керак бўлгани учун, бошқалари одамлар тургани учун навбат олишарди.

Игорь билан Миша Таранов келиб қолишди-да, мен билан Шмаков Пётрнинг ўртасидан жой олишди. Ўзларини худди шу ерда навбатда тургандек қилиб кўрсатишди. Биз ҳам индамадик.

— Тажриба учун чиқарилган нусхалари экан,— деди Игорь.— Москвада кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсан.

Сотувчилар тахлаб бойланган ниқоб ва оёқ куракларни келтиришди. Навбатда турганлар ҳаяжонланиб қолишди. Орқада турганлар бизга етмайди, деб кўрқишарди. Бир неча киши ташаббусни қўлга олиб пештахта ёнида тартиб ўрнатиб туришди. Улар орасида албатта Игорь ҳам бор эди.

Мен нима қилишни билмас, бир қарорга келолмасдим. Ниқоб билан оёқ курак менга мутлақо керак эмас. Лекин, денгиз бўйига бориб қолсам ҳамма сувга шўнғийди-ю, мен анқайиб ўтираман-

ми? Нега бир соатдан бери навбатда турибман?.. Харид қилмай кейин афсусланиб юрайми!..

Ана шундай хаёл билан оҳиста сурилиб борардим. Жуда секин сурилишни истардим.

Навбатда бизникилардан Вадим биринчи, ундан кейин Игорь, Игорнинг ортидан мен, мендан кейин Мишка Таранов ва охирида Шмаков Пётр турарди.

— Гражданлар, кўпчиликка етмайди, ҳаммаси бўлиб йигирма комплект бор,— деб эълон қилди сотувчи.

Навбатда турганлар орасида ғала-ғовур бошланди. Аммо ҳеч ким тарқамади. Ҳамма нимадандир умид қиларди. Шмаков Пётр ўзининг олдида турганларни санаб чиқди.

— Афтидан менга тегмайди шекилли,— деди у.

Қайта санаб чиқиб Шмаковни хотиржам қилдим.

— Охиргиси сеники бўлади.

Ур-йиқит бўлаётганда мен қараб туролармидим? Ҳамма сотиб олиш тараддудида. Навбати етмаганларнинг айримлари жуда хафа. Мен эсам бир соат навбат кутиб, энди олиш мумкин бўлганда наҳотки рад этсам? Қулгили ва аҳмоқона иш бўларди!

Чек бўйича пулни тўлаб ниқоб ва оёқ куракни олдим.

Шмаковнинг чеҳрасидан жуда хафа бўлгани билиниб турарди. Унга раҳмим келди. Сен эга бўлсанг-ку, у ололмаса жуда ноқулай бўлади-да.

Агар инсоф билан айтганда, Игорь ёки Мишка Таранов ўзиникини Шмаковга бериши керак эди. Чунки уларни навбатсиз ўтказиб юборганимиз учун унга етмай қолди. Аммо Игорь, Вадим ва Мишка Таранов аллақачон кетиб қолишганди.

Шмаков билан кўчага чиқдик. Шмаков индамасди. У ҳамма вақт кам гап. Лекин бу сафар ҳеч нарса ололмагани учун индамаяпти. Унга жуда раҳмим келди. Менга керак бўлмаса ҳам ололдим, Шмаков сотиб олмоқчи эди, етмай қолди. Инсофдан эмас!

Юришдан тўхтаб, Шмаковга ниқоб билан оёқ куракни узатдим:

— Сен ола қол. Менга кераги йўқ.

Шмаков йўқ дегандек бошини қимирлатди. Мени ранжитгиси келмади.

— Ол, олавер,— деб қистадим уни,— мен шунчаки, ҳар эҳти- молга қарши сотиб олгандим. Менга мутлақо керак эмас.

— Менга ҳам кераги йўқ,— деди Шмаков.

Мен шошиб қолдим.

— Нега кераги бўлмас экан?

— Керакмас, вассалом!

— Нега бўлмаса навбатда турдинг?

— Фақат мен турганим йўқ-ку!

Шмаков спортчи шимни ерга урганда совуқ терга ботгандим. Бу гапидан кейин қотиб қолдим. Демак, яна пулни бекорга со-вурибман-да.

Шунчаки Шмаков олижаноблик билан рад этипти, деган умид учқуни бор эди менда. Мени мана бу лаънати оёқ кураксиз қол-дирмоқчи эмас.

— Олмасанг, қайтариб бераман,— пўписа қилдим.

— Тўғри қилган бўласан!— маъқуллади Шмаков.— Бу ниқоб-нинг кимга кераги бор? Шиша қўйилган оддий резинка! Оёқ курак билан сузиш эса қийин бўлади.

— Сўнгги марта сўраяпман, оласанми-йўқми?— овозим титраб сўрадим ундан.

Шмаков елкасини қисди.

— Қисташини қаранг! Бунақа буюм менга керакмас.

Қайтиб магазинга кирдим.

Спорт ашёлари бўлимида бир-икки харидор айланиб юарди. Мен ниқоб билан оёқ куракни пештахта устига қўйиб сотувчига буларни қайтиб бермоқчиман, дедим.

— Қайтариб олинмайди,— деб жавоб берди сотувчи.

Қайтариб олинмаслигини ўзим ҳам биламан. Ниқоб билан оёқ куракни бирор етмай қолган харидор сотиб олиши учун пештахта устига қўйгандим.

Аллақандай киши ниқобни пайпаслаб кўрди. Умид билан унга қарадим. У нари кетди.

— Ҳей бола, пештахта ёнида турма, халақит беряпсан!— деди сотувчи.

Яна ўраб олдим. Жуда диққатим ошди. Бутун пулимни сарф-лаб нима олдим-а? Харид қилинган нарсалардан фақат қалин муқовали дафтаргина менга зарур эди.

Энди бўлар иш бўлди. Қоғоз ашёлари бўлимига бориб, қол-ган пулимга отамга авторучка сотиб олдим.

Йигирма биринчи боб

Қим айтганлигини билмайман-у, лекин ҳаёт — бу, дарё, вақт дарёси деб тўғри айтган экан. Ўзича оқиб кетаверади. Бир тўлқин ўрнига иккинчиси, сўнг учинчиси келаверади, сувга пайраҳа тушиб қолса гир айланиб оқади-да, сўнг кўздан ғойиб бўлади.

Вадим яшириб қўйган қисмларнинг омбордан топилгани, Липкадаги авария аста-секин унутила борди, ҳатто амортизаторларни ҳам ҳеч ким тилга олмай қўйди. Биринчи маошимни бемаънилик қилиб сарфлаганим ҳақида афсусланмай қўйдим. Харид қилганларим орасида ягона менга зарури муқовали дафтар бўлиб, ҳозир унга шу ёсдаликларимни ёзипман.

Ҳатто Майканинг Лагутин билан танца тушгани ҳам энди менга унчалик айб эмасдек туюладиган бўлди. Лагутин билан бир марта танца тушса нима қипти! Унинг қилиғи менга нисбатан дўстона бўлмади, албатта. Лекин у қиз бола, қанчалик ақлли, оғир бўлишига қарамай, жанжал чиқишидан қўрққан бўлиши мумкин.

Ушанда Майканинг ёнида бўлганимда, албатта Лагутинни рад этган бўларди. Аммо ёнида эмасдим, у ҳимоясиз турганди.

Агар ҳозир Майка ёнимга келганда ярашиб олардим. Ёнимга келиб «яхши иш бўлмади. Лагутин билан танца тушмасам бўларкан, лекин жанжал бўлишидан қўрқиб танца тушдим», деганда эди, орадаги гина-кудурат йўқоларди ва яна илгаригидек юраве-рардик.

Майкадан ўзимни олиб қочмайдиган бўлдим, аксинча унинг кўзига кўринишга ҳаракат қилдим. Ёнимга келиб бояги гапларни айтишига имкон бериш учун шундай қилардим. Бироқ Майка ёнимга ҳам келмайди, бирор нарса ҳам демайди. Фақат худди орамизда ҳеч нарса бўлмагандек узоқдан кулиб қўя қолади.

Мен ҳам биринчи бўлиб ёнига боришни истамадим: Лагутин билан мен эмас, у танцага тушган!

Умрбод аразлашиб юриш мумкин эмас. Қачон бўлмасин ярашиш керак. Агар одамлар ярашишмаса, ҳамма бир-бири билан аразлашиб қолади. Лекин жанжаллашганларнинг бири ҳақ, бири ноҳақ бўлади. Ноҳақ киши биринчи бўлиб ярашиш йўлини қидириши лозим.

Ҳамма нарса ўзгаради, бироқ ҳамма нарсани унутиб бўлмайди. Ҳеч вақт унутилмайдиган, доим ёдимда турадиган воқеалар ҳам бор. Вақт ўтган сари у ҳақда кўпроқ ўйлайман. Улар менинг оромимни йўқотган. Зуев ҳақида қанчалик кўп ўйласам, ўзимнинг қилмишимдан шунчалик уяламан. Бизнинг ва шунингдек менинг айбим туфайли юз берган ҳақсизликни тузатиш йўлида бирорта иш қилмадим. Бу ҳам кам. Лагутиннинг каромати билан Зуевга мен тухмат қилган бўлиб чиқдим. Ўзимни сотқин деб ҳис қилардим. Мени деб бир одам жафо чекса-ю, мен ҳеч нима бўлмагандек юраверсам! Қанчалар разиллик! Шмаков Зуев билан қандай қилиб хотиржам гаплашяптикин? Ахир Шмаков ҳам айбдор. Менчалик бўлмаса ҳам барибир... Буксирни ким нотўғри боғлади?..

Директор номига ариза ёзиш лозимлигини Шмаков билан Вадимга яна айтдим.

— Кимга кераги бор?— деди Шмаков бепарволик билан.

— Қойил, энди эслапсан-а!— деди Вадим.

Шунда аризани ўзим ёздим. Қисқа, лекин ишонарли қилиб ёздим. Юз берган воқеада ҳаммамизнинг: мен, Игорь, Вадим ва Шмаков Пётрнинг айби бор. Биз машинани ўз билгимизча шатакка олганмиз, сим-арқонни нотўғри бойлаганмиз. Зуев Ивашкинни қидириб кетганди. Унга ҳайфсан нотўғри берилган. Аризани директорнинг столига қўйдим.

— Бу нима?— сўради у.

— Ариза,— дедим.

— Нима ҳақда?

— Аризада ёзилган.

Директорнинг қовоғи солинди. Аризани у ёқтирмасди. Аризада мумкин бўлмаган нарса сўралади. Мумкин бўлганини ариза ёзмай олса бўлаверади.

Директор аризани ўқиб чиқди, кейин иккинчи марта яна ўқий бошлади. Наҳотки битта ўқишда тушунмаган бўлса? Директор икки марта ўқиб бўлгач менга қаради.

— Нима демоқчисан? Аниқроқ айт!

Агар у «аниқроқ» сўзини ишлатмаганда нима демоқчи эканимни: Зуев эмас, биз айбдор эканлигимизни исбот қилмоқчилигимни унга тушунтирган бўлардим. Лекин бу аниқ эмас. Аниғи нима? Аниғи — бу, Зуевга ҳайфсан эълон қилинган буйруқ. Агар дирек-

гор уни бекор қилса, аниқлик шу бўларди. Бироқ буни талаб қилсам кулгили иш бўлади.

— Сиз берган буйруқ нотўғри,— дедим иложи борича соддадиллик билан.— Зуев айбдор эмас. Биз айбдор.

— Шунақа дегин?..— деди худди бу ҳақда биринчи марта эшиктаётгандек ва кулдон ўрнига стол устига қўйилган алюмин поршенга қўлини текказиб қўйди.— Демак сизларга ҳам ҳайфсан бериш керак экан-да?

— Агар лозим топсангиз...— дедим елкамни қисиб.— Лекин нега сизларга ҳам деяпсиз? Фақат биз айбдор.

— Бериш мумкин,— деди директор хотиржамлик билан.

Кимдир эшикни очди. «Бандман!» — деди директор. Эшик ёпилди.

— Фамилиянг нима?— сўради директор.

— Крашенинников.

— Отанг борми?

— Бор.

— Қаерда ишлайди?

Отам ишлайдиган заводнинг номини айтдим.

Директор яна жимиб қолди, кейин сўради:

— Демак, сен ақллигу мен нодон эканман-да?

Бу гали билан у ўзини ақлли, мени нодон демоқчи. Баҳслашсамикан? Унга ҳеч нима демадим. Жавобимни кутмай директор деразага қаради. Мен ҳам дераза томонга қарадим. Қизиқроқ ҳеч бало йўқ. Директор деразага тикилиб туриб сўзида давом этди:

— Қурилишга материаллар олиб келишмади. Ким олиб келмади? Шофёр олиб келмади. Бу ишни ким ёмон уюштирган? Эксплуатация бошлиғи ёмон уюштирган. Ким ҳайфсан олди? Директор ҳайфсан олди. Сабаб? Чунки директор шофёр учун ҳам, эксплуатация бошлиғи учун ҳам жавобгар. Машинани олиб келишга ким жавобгар эди? Зуев жавобгар эди. Кимдан талаб қилиш керак. Зуевдан талаб қилиш керак. Тушундингми? Сенга тушунтиришим шарт эмас, маҳаллий комитет раиси эмассан. Лекин тушунтирдим. Чунки сен ҳали ғўрсан. Энди кетавер, мени одамлар кутиб туришибди.

* * *

Директорга гапириш осон. Агар трестда унинг хатоси кўрсатиб ўтилса, автобазага келиб кимгадир ҳайфсанни ёпиштиради. Зуев

кимга ҳайфсан ёпиштириши мумкин? Ҳеч кимга! Зуев оддий иж-
рочи, бажарган ишига ўзи жавоб бериши керак. Директорга шун-
дай дейишим лозим эди. Лекин суҳбатдан кейин тахминан бир
соатлардан сўнг тўғри жавоб хаёлимга келди.

Аризамдан ҳеч бир иш чиқмади. Аммо виждоним олдида ҳа-
лолман. Қўлимдан келган ишни қилдим. Ариза берганлигимни
билиб қўйсин деб, Зуевга ҳам айтмоқчи бўлдим. Бироқ, бунинг
иложи йўқ. Мақтанчоқлик бўлиб қолади.

Ҳа, майли! Нима деб ўйласа ўйлайверсин. Қандай хоҳлашса
шундай ўйлайверишин. Мен ишлайвераман. Ҳеч кимга эътибор
бермайман. Барибир практиканинг тугашига оз қолди. Ун икки
кундан кейин тугайди. Мен жавобгар эмасман. Менда техникага
мойиллик йўқ. Буни ҳамма билади.

Гаражга қайтиб ишга тутиндим. Лагутин менга хўмрайиб қа-
раб қўйди. Директорнинг ҳузурига борганимни кўрган бўлса ке-
рак. Тупурдим, хўмраяверсин!

Ўзимизнинг машина учун мўлжалланган олд томон мостини
ишлашга киришдим. Бу Шмаков би-
лан бажаришимиз лозим бўлган сўнг-
ги иш бўлиб, олд томон мостини бу-
гун тугатмоқчи эдим. Қисмларни йи-
гиш учун биз ҳаммасини тайёрлаб
қўйдик, деб Шмаков иккимиз эълон
қиламиз. Шунда бошқа болалар ҳам
ишни тезлаштиришади. Бўлмаса прак-
тика тамом бўлгунича машинамизни
тиклаш ишларини тугатолмаймиз.

— Буни қўятур! Анавини мойлаш
керак,— деди Шмаков нарида турган
машинани кўрсатиб.

— Йўқ,— эътироз билдирдим,—
бугун машинамизнинг олд томон мос-
тини тугата қолайлик.

— Бригадир машинамиз ишлари-
ни бажаришни таъқиқлаб қўйди,— де-
ди Шмаков.

— Нега таъқиқлар экан?

— Таъқиқлади, вассалом.



Бригадир Дмитрий Александрович ёнига бориб, машинамизни тиклаш ишини таъқиқлаганингиз ростми, деб сўрадим.

Дмитрий Александрович машинамизни тиклаш ишини ҳеч ким таъқиқламаганлигини айтди. Аммо биз бу ишни смена вақтида қилмаслигимиз лозим экан.

Машинамизни тиклаш учун иш ҳақи ёзилмас экан.

— Шмаков билан бирга Липкада икки кун бўлдинглар,— деди Дмитрий Александрович,— бунинг учун наряд ёзилмаган бўлса ҳам маошни тўлиқ олдиларинг. Бригада ҳисобига олдинглар. Ахир, бу тўғрими?

Албатта, нотўғри! Ишда саранжомлик йўқ. Лекин, бу ҳақда Игорь бошлиқ штаб ўйлаб кўрсин, шунинг учун ҳам уларни сайлаб қўйганмиз. Ҳамма ишга аралашавериш жонимга тегди.

Йигирма иккинчи боб

Барибир ҳозирги вазиятда штаб нима қилмоқчилигини билмоқчи бўлдим. Бу ҳақда Игордан сўрашга аҳд қилдим. Ишга аралашиб учун эмас, шунчаки қизиқсиниб сўрамоқчи бўлдим.

Игорь техника бўлимида оёқларини стол остидан чиқариб яллайиб ўтирарди.

— Биладан,— деб жавоб берди бепарволик билан,— ҳамма цехда шу гап.

— Ишдан кейин қоламиз,— таклиф қилдим.

— Раҳмат!— деди Игорь.— Ҳамманинг ўз иши бор. Масалан, мен студияга съёмкага бораман. Умуман, бирор иш чиқмайди. Ишчилар синфи ўз онглилигини кўрсатмаяпти.

— Ишчилар синфининг нима алоқаси бор?!— деб эътироз билдирдим.— Сен ишни ташкил этолмадинг!

— Бўлиши мумкин,— жавоб берди эътиборсизлик билан.

— Демак, ўзингни панага оляпсанми?

— Демак шундай!

Жаҳлим чиқиб кетди.

— Машинани тиклашни ўзинг биринчи бўлиб таклиф қилуваддинг, энди бўлса биринчи бўлиб қўлингни қўлтигинга уряпсан.

— Уйдаги гап бозорга тўғри келмас экан-да!— деди Игорь.

Машинага шунча меҳнатимиз сарф бўлганда уни тиклашни таъқиқлашса-я. Иш энг қизиган бир пайтда-я. Шмаков билан менга юкланган иш деярли тайёр, фақат олд томон мостини йиғиш қолган, темирчилик ва пайвандлаш цехларидаги болалар рами тўғрилаб қўйишган; тунукасоz ва қопловчилар ҳаммасини қилиб қўйишган...

«Ишчилар синфи онглилик кўрсатмаяпти» дегани нимаси? Бемаънилик бу! Ишчилар ҳамма нарсани яхши билишдан ва тўғри тушунишади. Лекин улар бекорчи ишни, асосий мақсадга ҳақиқат берувчи ишни ёқтиришмайди. Демак, аниқлик киритиш керак.

Албатта, ҳеч бир ишга аралашмасликка қатъий аҳд қилганман. Лекин ишлар яхши бораётганда аралашмайман. Агар ишлар тўхтаб қолса-чи? Ишларни юргизиб юбориш учун аралашиш керак! Ишлар юришиб кетгандан кейин яна четга чиқиш мумкин.

Энг олдин мотор цехига йўл олдим. Бу энг асосий устахона цехи, энг ёруғ ва тоза, гаражимизга мутлақо ўхшамайди. Шундай ҳам бўлиши керак, моторлар ремонти аниқликни, демак тозалликни талаб этади. Миллиметрнинг юздан бирига янглишилса борми, ҳаммаси чиппакка чиқади — мотор ишламай қолади. Полекутин бекорга мотор цехида ишлаётгани йўқ — техникани пухта билиш керак. Моторчилар — юқори малакали слесарлар ўз қадрларини билишади. Директор уларнинг ҳар бирини ҳурматлаб исм-фамилиясини айтиб муружаат қилади.

Ҳамма вақт мотор цехига киришга ҳайиқаман. Кўзойнак тақиб кеккайиб юрадиган ёшгина киши цех бошлиғи. Бегона кишиларни ёқтирмайди. Гаражимизга эса истаган одам кириб юраверади. Эшикни қия очиб Полекутинни бармоғим билан имлаб чақирдим.

Полекутин яхши йигит, техникани жуда яхши билади. Лекин унда суҳбатдошининг елкасига қўлини қўйиб гаплашишдек бемаъни одат бор. Ўзи бўйдор. Агар суҳбатдошининг бўйи баравар ёки сал пастроқ бўлса билинмайди. Аммо бўйи анча паст кишининг елкасига қўлини қўйса, унинг паканалиги жуда билиниб қолади. Шу сабабли Полекутин билан гаплашганда берироқ туришга ҳаракат қиламан.

Полекутин менинг фикримга тўла қўшилди, штаб ҳеч бир иш қилмаётганини тан олди-ю, лекин қўшимча қилди:

— Яна бир мураккаб томони — бу, эҳтиёт қисмлар. Машина-
миз учун беришмаяпти. У-бу нарсани топиш мумкин. Бироқ,
камёб қисмлар нима бўлади? Масалан, деталь номери...

У бир қанча деталь номерларини худди Вадимга ўхшаб санаб
ташлади. Лекин Вадим деталларни яхши билмаслигидан но-
мерини айтарди. Полекутин эса, аксинча, пухта билганидан.

— Узингни панага олмоқчимисан?— гапини бўлдим.

— Нега энди!— эътироз қилди Полекутин.— Ишда аниқлик
бўлиши керак.

— Игорь билан сизлар аниқлик киритишларинг лозим.

— Биз Игорь билан ишлашолмадик,— деди Полекутин.

— Сендақа министрлар кабинетидан ўргулдим!— дедим-да,
дурадгорлик цехи томон йўл олдим.

Айрим болалар дурадгорлик цехини менсишмайди. Айниқса,
техникага мойил болалар шунақа фикрда. Техника — бу, нуқул
металл, ҳеч бўлмаганда пластмассади, ёғоч ишини эса, алмисоқ-
дан қолган, деб ҳисоблашади.

Менга эса дурадгорлик цехи ёқади. У бошқа цехларга ўхша-
майди. Бу ернинг ўзига хос овози, ўзига хос ҳиди бор. Менга бу
жой бобом яшайдиган қишлоқни эслатади. Ишчилари ҳам оғир,
хушфеъл, сусткаш, улар тамаки чекишади. Тамаки ҳиди ҳам қиш-
лоқни эслатиб туради.

Ўқувчиларимиздан тўрттаси, шу жумладан, Семечкина билан
Макарова ҳам дурадгорлик цехида ишлашади. Ана шу тўрт киши
ҳалигача кузов билан кабинани тайёрлаб қўйишга қўл уришмай,
фақат синган тахта ва чириган рейкаларини суғуриб олишибди
холос. Янгисини эса қўйишмабди.

— Тўрт киши бўлатуриб, ҳеч нима қилмабсизлар,— дедим
уларга.

— Хотирингиз жам бўлсин!— деди кинояли кулиб Инна Ма-
карова.— Иш биздан қочиб қутулолмайди.

— Бошқаларни шошириш одатингиз йўқ эди-я,— қўшимча
қилди Семечкина.

— Ҳеч ким шошираётгани йўқ. Лекин, аҳволни кўриб туриб-
сизлар, бебошлик бўляпти.

— Гап фақат бизда эмас,— эътироз билдирди Инна Макаро-
ва,— машинамиз ишларини бажариш бизга таъқидлангани йўқ.

— Бўлмаса нима қиляпсизлар?

Улар бурчакдаги рандаланган тахта ва рейкаларни кўрса-тишди.

— Ҳаммаси тайёр. Улгураминиз. Чунки кузов энг сўнгида қўйилади. Тахталар қурисин.

Макарова билан Семечкина мени ҳайрон қолдиришди. Уларда техникага мойиллик мендан кўра ҳам кам, менда эса, ўзингизга маълум, ҳеч йўқ. Семечкина билан Макарова синфимизда адабиёт ва санъат: Макарова — адабиёт, Семечкина — санъат вакиллари ҳисобланишади. Макарова ҳикоялар ёзади, Семечкина қўшиқ айтади. Тўғри, у мактаб кечаларида қўшиқ айтмайди, болаларнинг гапига қараганда, бир ўқитувчига ёқса, иккинчисига ёқмайди. Бу иш у консерваторияга жойлашгунча давом этади. Макарова масаласига келганда, унинг ҳикоялари нуқул «тонг ота бошлаган эди» деган сўзлар билан тугайди.

...Етим бола ўз ота-онасини топиб олди. Улар кўз ёши тўкиб бир-бирларини ўпишди, кейин кўчага чиқишди... Тонг ота бошлаган эди...

Жуда иш ёқмас яна бир бола қайта тарбияланди. Ҳаётида биринчи марта дарсларини тайёрлади ва ўзини бахтиёр сезиб кўчага чиқди. Тонг ота бошлаган эди...

Учинчи бола, илғор ўқувчи коллективдан ажралиб қолди. Йиғилишда роса боплашгач, у ўз хатоларини тушунди. Ҳамма мамнун бўлиб кўчага чиқди. Тонг ота бошлаган эди...

Тонгни бўлар-бўлмасга ишлатаверади...

Дурадгорлик цехидаги аҳвол мени бир оз хотиржам қилди. Қани энди бошқа цехларда ҳам шундай бўлса. Лекин, бошқа цехларда аҳвол чатоқ эди...

— Бригадир «ўз ишимизни уддалолмаяпмиз, сизларникига вақтимиз йўқ» деяпти,— электроцехга кирганимда Гринько шундай деди.

Бу хабарни эшитиб жуда хафа бўлдим, бунинг устига электроцехдаги олтингугурт кислотасининг ҳиди Липкада куйдириб қўйган шимимни эслатди.

Пайвандловчилар умуман камгап бўлишади. Балки, пайвандлаш аппаратининг шовқинидан гапни эшитишмаса керак. Улар олдига неча марта келган бўлсам фақат биргина «нари тур! сўзини эшитганман холос. Бир чеккада тиргович устида турган маши-

намиз рамасини кўрдим. Горелканинг кўкиш алангасини томоша қилдим-да, ташқарига чиқдим.

Ҳамма цехларни айланиб чиқдим. Фақат қоплама цехига кирмадим. Чунки у ерда Майка ишлайди. Унинг олдига биринчи навбатда бориш лозим эди, сабаби Майка — комсорг. Лекин у билан гаплашмайман... Бироқ қоплама цехи ёнидан ўтаётганимда (бир неча марта ўтдим) Майка мени кўриб худди орамизда ҳеч гап бўлмагандек ўзи олдимга чиқди. У билан юзага келган аҳволни муҳокама қилиб синф йиғилишини ўтказишга келишиб олдик. Майканинг ўзи олдимга чиққанига хурсанд бўлдим. Албатта, орамизда ҳамма иш тугаган. Лекин Майка буни билмаса керак. Дарҳақиқат, буни қаёқдан билади? Мен унга айтмаганман, ўзи эса буни ўйламаган ҳам.

Йигирма учинчи боб

Одатдагидек ялангликда тўпландик. Автобаза директори, бош инженер, мотор цехи бошлиғи, испанга ўхшаган бригадиримиз Дмитрий Александрович ва яна икки бригадир қоплама ва дурадгорлик цехи бригадирлари ҳам келишди. Худди тантанали мажлисга тўплангандек бўлдик.

— Сизларнинг ташаббусингиз мақтовга лойиқ,— деди бош инженер.— Машинани тиклаш ишида меҳнатингизнинг фойдали яқунларини кўриб турибмиз. Лекин ишлаб чиқаришнинг мавжуд шароитлари билан ҳисоблашиш керак. Машинани тиклаш планга киритилмаган. Унга на маош фонди ва на материаллар лимити ажратилган. Бу ҳақда ўйлаб кўриш, бу масалани муҳокама қилиш керак.

— Болалар анча дуруст,— деди бригадиримиз Дмитрий Александрович.— Планни бажаришяпти. Аммо машинани иш пайтида тиклашяпти, бу ишга эса наряд ёзилмайди. Маошга таъсир қилади.

Қоплама цехининг бригадири сўради:

— Материалларни қаердан оламиз?

— Ақлни ишлатсангиз, топган бўлардингиз,— деди директор.
— Материал учма-уч етади, Владимир Георгиевич,— жавоб берди бригадир.

Кўзойнак тақиб юрадиган кеккайган киши — мотор цехининг бошлиғи гапга аралашди.

— У-бу қисмларни топиш мумкин. Поршень группаси нима бўлади? Аслини олганда янги моторни йиғамиз. Бу ишга аниқлик киритиш керак.

— Ҳаммангиз расмиятчисиз!— деди директор ҳеч кимга қарамай.— Брак маҳсулот ишлаб чиқаришни биласиз, ишсиз сандирақлаб юришни биласиз, тўртта тахтани қаердан топишни эса билмайсиз.

Бригадир машинамизни тиклаш ишени директор расмий жиҳатдан тан олишини, унга материаллар берилишини ва иш ҳақи тўланишини истаётганликларини англадик. Директор эса, аксинча, барча ишларнинг норасмий қилинишини, цехлар бизга ўз кучлари, ички имкониятларидан ёрдам беришларини хоҳлайди. Биз икки ўт орасида қолдик.

— Сизларда онглилик етишмайди,— сўзида давом этди директор,— қани эшитайлик, практикантлар нима деркин?

Биз нима ҳам дея олардик? Бу аҳволдан қутулиш йўлини улар билмайди-ку, бизга йўл бўлсин...

Албатта, биринчи бўлиб Игорь сўзлади:

— Владимир Георгиевич, биз нима ҳам дердик? Агар цехдаги ўртоқлар ёрдамлашишни хоҳлашмаса, ҳеч бир иш қилолмаймиз.

Демак, Игорда машинани тиклаш иштиёқи йўқолган. У ҳамма вақт шундай қилади. Бирор фикрни ўртага ташлайди, шовқин кўтаради, «мен-мен» лайверади, кейин эса совийди, ҳатто тушкунликка тушади.

— Бутун синф ғайрат билан ишга киришганди,— давом этди Игорь,— лекин ҳозирги ҳолатда биз ожизмиз! Вазият биздан ишни тўхтатишни талаб қилади.

— У удалай олмайдиган ишни бошламаслик керак эди!— Луқма ташлади Майка мазах қилиб.

Игорь хафа бўлиб лабини чўччайтирди:

— Билимдонлигингни кўрсатмай қўя қол. Плехановнинг ким-

лигини мен ҳам биламан. Аммо ҳозирги шароитда Плехановнинг ҳожати йўқ.

— Худди ҳожати бор-да,— жавоб қилди Майка,— сен типик оппортунист ва келишувчисан!

Игорь типик оппортунист ва келишувчи эканлигини ҳамма бир овоздан маъқуллади. Мен ҳам маъқулладим. Машинани тиклашдан воз кечиш шармандагарчиликка дучор бўлиш демакдир.

— Сен машинани тиклашни аллақачондан бери тўхтатиш тарафдорисан,— деди Майка.— Бир ишни зиммамизга олган эканмиз, уни охирига етказиш керак. Уят ва шармандалик! Бу, комсомолга хос эмас! Комсомоллар қўриқ ерларда катта қийинчиликларни енгишяпти!

— Чиройли гапиришга ҳаммамиз устамиз. Лекин, қийинчиликни қандай енгиш керак?

— Ягона қийинчилигимиз — бу, сен,— дедим мен шунда.— Сенинг бетайинлигинг плюс расмиятчилигинг.

Жанжални бас қилинглар, деб бақаришди бошқалар. Жанжаллашиш эмас, чорасини топиш керак, дейилади.

— Менда таклиф бор,— дедим мен.

— Қанақа таклифлигини биламиз,— деб тўнғиллади Игорь.

— Сен билсанг ҳам бошқалар билишмайди,— дедим унга,— менинг таклифим эса мана бундай: машинани тиклашни ишдан кейин тугатайлик. Наҳотки ўн кун мобайнида икки соатдан ортиқча ишломасак?

— Албатта, ишлай оламиз!— фикримни маъқуллади Полекутин.

— Шак-шубҳасиз мумкин!— дейишди техникага мойиллиги бўлган Гринько, Мишка Таранов ва бошқа болалар.

— Бажарса бўлади,— дейишди техникага мойиллиги камроқ болалар ишонқирамай.

— Биз ҳам қоламиз, лекин кўпга эмас,— дейишди қизлар.

Директор бригадирлар томонга қаради:

— Сизларга уят эмасми? Уқувчилар жамоатчилик асосида ишлашга рози бўлишса-ю, биз, оталиқ қилувчилар, ёрдам беришни истамасак... Бу машинада ўзингизнинг фарзандларингиз практика ўтказишади. Емон ота экансизлар.

Шунда бригадиримиз Дмитрий Александрович бундай деди:

— Агар болалар машинани ишдан ташқари вақтда тиклашса,

унда ёрдам берамиз. Лекин, материаллар масаласи нима бўлади?

— Масала ойдинлашди,— деди мотор цехининг бошлиғи,— болалар ишдан ташқари вақтда меҳнат қилишса, ишчилар уларга жамоатчилик асосида ёрдам беришса, биз, цех бошлиқлари, ички имкониятлардан излаб айрим материаллар билан таъминлаймиз. Аммо камёб материалларни нима қиламиз?

Камёб материаллар — бу, топилиши қийин бўлган машина қисмлари, улар автобаза директорининг ихтиёрида бўлади.

— Нима ҳам қилардим,— деди хўрсиниб директор ва осмонга қараб қўйди.— Агар болалар ишдан ташқари меҳнат қилишса, агар ишчилар жамоатчилик асосида уларга ёрдам беришса, агар цех бошлиқлари ички имкониятларини қидириб кўришса, биз камёб материалларни берамиз. Мактабга оталиқ ёрдами сифатида берамиз. Асосийси, бу тadbир жамоатчилик асосида бўлиши керак.

— Менимча, бир кунда икки соатдан ишлашса бўлади,— деди бош инженер,— болалар ҳозирги ёшда олти соатдан ишлашса бўлади, улар эса тўрт соатдан меҳнат қилишяпти. Шундай экан ҳам қонуний бўлади, ҳам педагогикага зид бўлмайди.

— Гап соатда эмас, муҳими жамоатчилик асосида бўлиши,— такрорлади директор.

Аслини олганда бу асосни ҳеч ким эмас, мен таклиф этдим. Бироқ, бу ҳақда ўйлаб ўтирмадим... Бу, шуҳратпарастлик эканини тушунардим.

Йигирма тўртинчи боб

Бугун якшанба!

Олдинги икки якшанба бекор ўтиб кетди. Ҳатто қандай ўтгани ёдимда ҳам йўқ. Лекин, бу якшанбани биз кўнгилдагидек ўтказишга аҳд қилдик. Биз деганим — бу, мен билан Шмаков Пётр. Химкига чўмилишга борамиз. Оёқ курак билан ниқобни ҳам олиб бораман. Ахир уни ишлатиш керакда.

Вадим кўнғироқ қилди. Химкига боришимизни эшитиб, бирга бораман деб қичқирди.

— Биз тайёрланиб бўлдик,— деб огоҳлантирдим уни.

— Мен ҳам тайёрман,— деди Вадим.— Нимада борамиз? Мет-родами? Секин келаверларинг, кутиб оламан.

Шмаков билан Вадим яшайдиган уйга етганимизда Игорни кўриб қолдик. У акасининг «Москвичи» билан овора эди. Машина йўлка ёнида турар, Игорь уни юргизолмаётганди.

— Стартерга зўр берма,— дедим унга,— аккумуляторини ишдан чиқарасан.

Игорь айлантириш ручкасини бизга узатди:

— Айлантириб юборинглар.

Шмаков билан галма-галдан айлантирдик. Мотор ғиғ-ғиғ қилса-да, ҳаракатга келмасди.

— Зажигание билан питаниени текшириб кўриш керак,— дедим.

Игорь машинадан чиқиб очиқ капот олдида иккиланиб туриб қолди. Чин сўзим, зажигание билан питаниени текширишни у билмайди. Бошимни гаровга қўяман, билмайди!

— Текшириб кўр!— дедим унга.

Игорь иккиланиб аввал свечанинг биттасига, кейин бошқасига қўлини текказиб кўрди-да, меровланиб бизга қаради.

«Москвич»га ҳеч ишим тушмаган. Менда техникага мойиллик ҳам йўқ. Лекин бу «Москвич»ми, «Москвич» эмасми, ҳамма машинанинг ишлаш принципи бир хил. Аввал учқун бор-йўқлигини, кейин карбюраторга бензин оқяптими-йўқми текшириб кўриш керак.

— Учқунни текшириб кўрамиз,— дедим Шмаков Пётрга.

Трамблердан симни чиқариб олдим. Пётр ручка билан моторни ҳаракатга келтирган эди, симдан кўм-кўк учқун отилиб чиқди!

— Зажиганиееси жойида!

Симни қайта ўрнига жойлаштириб контакт мустаҳкамроқ бўлиши учун ҳар эҳтимолга қарши гугурт чўпини ҳам суқиб қўйдим. Гаражда ҳамма вақт шундай қиламиз.



— Энди питаниени текшириб кўрамиз. Игорь, ключни бер!
Игорь нимани берди денг? Айлантирадиган ключни! Ҳеч нарса-ни билмайди!

— Нимани беряпсан?!— бақирдим унга.— Менга нимани беряпсан, деб сўраяпман? Бурайдиган ключни узат!

Жаҳлим чиқмади. Фақат ўзимни жаҳлим чиққандек қилиб кўрсатдим. Игорни роса доводиратиб қўйиш учун шундай қилдим.

Игорь халтанинг ичини титкилаб бурайдиган ключни узатди. Бензин трубасини бураб очдим. Трубадан бензин оқмаётган экан. Демак, бензин труба-си ифлосланиб қолган. Галма-галдан ичига пуфлаган эдик, бензин оқа бошлади. Шмаков Пётр иккимиз бир-биримизга қараб кулиб қўйдик. Ишқал жойини топдик-а!.. Осон эмас. Тажрибасиз шофёр ҳам шикастланган жойини топгунча бир кун овора бўлади. Биз эса дарров топдик. Қувонмай бўладими...

Вадим кўринди. Унинг бахтига «Москвич» билан овора бўлиб қолдик, акс ҳолда кутмаган бўлардик.

Игорь машинага ўтириб газ бера бошлади. Машинанинг тузалганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлди. Кейин агар йўлимиз бир бўлса олиб бориб қўйишдан қочмаслигини айтди.

— Қаерга кетяпсанлар?

— Метро томон.

— Утиринглар.

Машинага ўтириб жўнадик. Игорь дарров ўзгарди, яъни одатдаги кеккайган қиёфага кирди. Уни кўриб бир минут илгари Шмаков билан мен уни сичқондек доводиратиб қўйганимизга ҳеч ким ишонмасди. У тарвақайлаб ўтириб рулни бир қўллаб бошқарарди. Умуман, олифтагарчилик қиларди.

— Йўл бўлсин?— ҳомийлик билан сўради биздан.

— Химкига, пляжга.

— Топган жойларини қара!— деди кулиб Игорь,— тўс-тўполон-ку! Мен Кумуш қарағайзорга кетяпман. Ажойиб пляжи бор. Ўша ерда дўстларим билан учрашишга ваъдалашганман.

Вадим хўрсиниб қўйди:

— Сенга осон — машинанг бор.

Унинг товушида бизни ўзи билан ола кетишни илтимос қилиш оҳанги бор эди. Игорь ўзини тушунмаганга олди.

Вадим эришолмаган мақсадга Шмаков Пётр дарров эришди.

Фаҳм-фаросатли деб шунга айтадилар-да! Шмаков Пётр кўпинча топағонлиги билан мени қойил қолдиради.

— Етиб боролмайсан,— деди Шмаков бепарволик билан.

— Нега?

— Бензин трубаси тиқилиб қолади.

— Наҳотки?— хавотирланиб сўради Игорь ва машина тезлигини камайтирди.

Шмаков Пётрнинг ҳийласини дарров фаҳмлаб гапга қўшилдим.

— Албатта. Баки ифлосланиб қолган. Яна тиқилиб қолмайди деб ким айтолади?

Игорь ҳеч нима демай, метрогача индамай борди. Бир томондан, бизни олиб кетишни истамасди. Иккинчи томондан машинада бир ўзи боришдан қўрқарди. Тўсатдан йўлда бирор воқеа юз берса-чи? Бизсиз нима қила оларди? Ҳамма уқувсизлардек иш қиларди-да. Утиб кетаётган машинани тўхтатиб шофёрдан ёрдам беришни илтимос қиларди.

— Айтгандек, яна бир оз машинада борсаларинг бўлади,— деди Игорь иккиланиб.— Марказда метрога ўтиришларинг мумкин.

— Зарур кептими!— эътироз билдирдим машинадан тушмоқчи бўлиб эшикни очар эканман.— Метрода ўн минутдан кейин Соколда бўламиз. Сенинг шалоқ машинангда юришга кимнинг тоқати бор!

— Нега энди Химкига боришларинг шарт экан,— деди Игорь ялиниб.— Яхшиси, Кумуш қарағайзорга бора қолайлик.

— Билмадим,— дедим бепарво оҳангда,— нима дейсизлар?

— Боришимиз мумкин,— деди Шмаков.— Майлими, Вадим?

— Майли, бора қолайлик,— рози бўлди Вадим.

Биз Кумуш қарағайзорга жўнадик.

Игорни роса боладик-да!

Йигирма бешинчи боб

Кумуш қарағайзордаги пляж жуда ажойиб! Тўғри, одам кўп, машиналар тўла, лекин Химки билан таққослаб бўлмайти. Кенг! Гўзал!

Биз машинада тепалик томон оҳиста кўтарилдик. Пляж одамлар билан тўла. Игорь машиналарга диққат билан тикилиб, пастда «Победа»ни кўргач, тормозни босди. «Победа» ёнида оптик иштон кийган қоп-қора сочли киши қумга кўмилиб ётарди.

— Николай!— чақирди Игорь.

Бояги киши жингалак сочли бошини кўтариб қаради; Игорга эринибгина қўлини силтаб қўйди-да, яна қумга ётиб олди.

Биз Игорга пляжга тушмай, машинани юқорида қолдиришни маслаҳат бердик. Пастдан у яққол кўриниб туради. Лекин пастга тушдик. Игорь машинани тўхтатди.

— Жойни эгалланглар, мен ҳозир қайтаман. Танишларим билан сўрашаман-у, қайтиб келаман.

Нега Игорь бизни бу ерда қолдираётганини яхши биламиз. Уртоқлари билан таништироқчи эмас. Бизга, албатта, барибир, Игорсиз ҳам чўмилаверамиз. Аммо бу ердан нимада қайтамыз?

— Уйга қандай қайтамыз?— сўрадик биз.

— Вой жиннивойлар-е!— кулди Игорь.— Мен ҳозир қайтаман.

— Қайтиб келмайсан,— деди Вадим. У Игорни яхши билади, неча йил унинг адъютанти бўлган.

— Чин сўзим!— қасам ичди Игорь.

— Агар жўнаб қолсанг, шунақа адабингни берамизки, умр-бод эслаб юрасан!— пўписа қилдим мен.

Игорь ранжиб лабларини чўччайтирди:

— Илтимос, пўписа қилинмаса. Нодонликни қаранг! Агар пўписа қилсанглар, ҳозироқ жўнаб кетаман!

— Қани, кетиб кўр-чи!— деди Шмаков Пётр.

— Қаерда чўмилишни сизларга нима фарқи бор?— аччиқланиб сўради Игорь.

— Фарқи катта!— жавоб берди Вадим.— Машинада ечиниб, кийимларимизни шу ерда қолдирамиз. Акс ҳолда ўғирлаб кетишлари мумкин.

— Чуринди кийимларингни кимга кераги бор!— деди Игорь.

У билан баҳслашиб ўтириш жонимга тегди.

— Майли, боравер! Лекин, кетиб қолсанг ўзингдан кўр!

Унинг ортидан нафрат билан қараб, ўзимизга жой қидира бошладик. Игорь бизни машинадан тушириб қолдирган жой яхши эмас. Бир томонидан машиналар юради, нарироқда озиқ-овқат сотиладиган чодир, одамлар кириб-чиқиб турибди, атрофда консерва банкалари ётибди. Қулай жой эмас!

Биз Игорь кетган томонга пляждан юрдик. Бошқа томонга бормаймиз ҳам. Игорь бизларсиз кетишга қўрқади, ammo уни кўздан қочириш ҳам мумкин эмас.

«Победа» турган ердан эллик метрча беридан яхшигина жой топдик. «Победа»нинг ёнида Игорнинг «Москвич»и турибди. Игорнинг ўзи чўккалаб олиб қумда ётган Николай билан гаплашмоқда. Кейин ечиниб кийимларини машина ичига тахлаб қўйди-да, «смирно» ҳолатида туриб қўлларини ёйди ва бир неча марта чуқур нафас олди, ўпкасини Москва ҳавосидан тозалаб, шу ернинг ҳавоси билан тўлдирди.

Кейин Николайга бир нима деб биз томон юрди. Бизни кўриб ҳозиргина учрашгандек қувониб кетди.

— Жойлашдиларингми? Жуда соз!— У ёнимизга ўтирди.— Офтобда қораямиз.

— Юр, чўмиламиз,— таклиф қилди Вадим.

— Мен бир оз ётаман,— деди Игорь ва чалқанча ётиб олди.

Сувга тушдик. Дарё бу ерда кенг, ammo саёз, сув тиззадан келади. Фақат ўртаси сал чуқурроқ, кейин қарама-қарши қирғоққа-ча яна саёзлик.

Бу йил биринчи марта чўмиляпман. Ҳар сафар сувга тушганимда кунига чўмилишга аҳд қиламан. Наҳотки бу қийин бўлса? Бир хил одамлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳатто қишда ҳам чўмилишади. Лекин мен сўзимнинг устидан чиқмайман. Сабабини ўзим ҳам билмайман. Ё эринаман, ё вақтим бўлмайди. Энди бўлди! Энди ҳар кунги пляжга ёки бассейнга боришга қатъий аҳд қилдим.

— Нега оёқ курагингни кийиб олмадинг?— сўради Вадим.

Ёдимдан кўтарилибди. Машинадан олишни ҳам унутибман. Машинада ётибди.

— Машинада эсимдан чиқиб қолибди,— дедим,— сеники қани?

Вадим кулиб юборди:

— Энди эслабсан-а! Аллақачон алмаштирганман.

— Нимага алмаштирдинг?

— Бир нарсага,— деди Вадим сирли оҳангда.

У ўзининг буюмлар алмаштириш ишини бировга айтишни ёқтирмасди: бу ишдан бир марта оғзи куйган, мазах қилишимиздан кўрқади.

Биз бир оз чўмилиб қирғоққа чиқдик. Албатта, Игорь дўстларининг ёнига кетиб қолганди. Иштонли йигит билан қизил резина шапкача кийган қизнинг ёнида ўтирарди. Уларни дарров танидим. Бояги «Победа»да Игорникига келишганди. Улар гаплашиб ўтиришибди. Фақат Николай ҳамон қумга бошини қўйиб ётибди.

Мен ҳам агар пляжда танишларимни учратиб қолганимда ёнларига бориб ўтирган бўлардим. Бу нарса Вадим учун ҳам, Шмаков Пётр учун ҳам ҳеч қандай ҳақорат бўлмасди. Агар бу ерда Вадимнинг ёки Шмаковнинг танишлари топилб қолганда, улар ҳам ёнига бориб ўтиришлари мумкин эди. Ҳеч қайсимиз унинг ортидан эргашмаган, танишиб олишга уринмаган бўлардик, бунга эътибор ҳам бермасдик... Игорнинг қилиғида эса аллақандай хиёнаткорлик сезилар. У одатдагидек биздан четлашишга ҳаракат қиларди.

— Оёқ курагингни олиб кел, синаб кўрамиз,— деди Вадим.

— У ёққа бормайман, башарасини кўргим келмайди!

— Оёқ кураклар сеники-ю?— деди Шмаков Пётр.

— Сен олиб кела қол.

— Ўзинг кўрқасанми?

— Кўрқмайман-ку, аммо бормайман. Шилқимлик қияпти, деб ўйлашади.

— Иззат талаб қилиб роҳатимиздан воз кечишимиз керакми?— аччиқланди Вадим.— Бирга борамиз!

Улар ёнига бордик. Игорь хавотирланиб бизга қаради. Йигит билан қиз ҳам нима дейишимизни кутиб тикилиб қолишди. Фақат Николай ётаверди. Бундай жун босган одамни бирорта ҳам пляжда кўрмаганман. Ҳатто елкаларидан ҳам қопқора жун ўсиб чиққанди.

— Оёқ куракларини оламиз,— дедим Игорга.

— Олавер,— деди Игорь фақат шунини олгани келганимиздан қувониб. Кейин танишларига юзланди-да, узр сўрагандек қўшиб қўйди.— Булар қўшни болалар, машинада олиб келгандим. Кўҳна олам билан таништиряпман.

— Игорь болалар дўсти!— Эълон қилди малла соч, узун бурун, ўткир нигоҳли йигит мазах қилгандек.

Бу жумлани бошқача маънода айтган бўлишига қарамай, у бизни эмас, Игорни мазах қилаётганини фаҳмладим.

Машинани очиб оёқ кураги ва ниқобни олдим. Қиз қўлини чўзди:

— Қани, кўрсат-чи.

Николай бошини сал кўтариб бизга кўз қирини ташлади-да, кейин яна ётиб олди. Кўзлари ва мўйлови қоп-қора эканлигини кўриб қолдим. Қиз оёқ курагини томоша қилиб:

— Буни кийиб сузсам майлими?— деб сўради.

— Марҳамат,— дедим.

Ҳаммамиз сувга тушдик. Николай қолди. Николай ўрнидан қи-мирламади ҳам.

Дарёнинг чуқур жойига бордик. Қиз, уни нимагадир Елка деб чақирарди, Игорь билан малла соч ёрдамида оёқ курагини кийиб олди. Йигитни янада ғалати исм — Люся деб чақирарди! Эрак одамнинг исми ҳам Люся бўларкан!

Елка ниқобни кийиб бошини сарак-сарак қилди, шиша кўзидан тилини кўрсатиб сувга шўнғиди. Оёқ курак кийгани учун узун бўлиб кетган оёқлари сув остида биланглади. У биздан ўн метрча наридан чиқиб бошидан ниқобни олди.

— Ҳеч нима кўринмаяпти.

— Кўзингни юммагин,— деди Люся,— юмиш керак эмас. Қани менга бер.

Люсядан кейин мен, кейин Игорь, Игордан кейин Вадим шўнғида. Энг сўнғида Шмаков Пётр шўнғиди. Лекин у сув остида ниқобсиз чиқди. Ниқобни қўлида ушлаб олганди.

Ниқоб билан оёқ куракдан унчалик фойда йўқ экан. Сув остини ва бегона оёқларни бир неча дақиқагина кўрасан, холос. Балки, денгиз остида сузишга мосдир, лекин Москва дарёсида...

Елка билан Люся дуруст, ҳатто соддадил одамлар экан. Уларнинг Игорга менсимай муомала қилишлари бизга, айниқса, маъқул бўлди. Агар Игорь бирор нима деса, Люся, албатта, шубҳаланиб «шунақами?» деб жавоб беради. Бирорта сўзига ишонмайдиган муомала қилади.

Игорь эса аксинча, сўзига ишонмасликларига одатланиб қолган одамдек ҳаддан ташқари асосли қилиб гапиришга тиришади.

Қирғоққа чиқдик. Улар ўз машиналари томонга, биз кийимларимиз қўйилган жойга юрдик.

Қумда ётиб Игорь ҳақида гаплашдик. Унинг лаганбардорлик мавқеини муҳокама қилдик. Яхшиям биз лаганбардор эмасмиз, ҳеч қачон лаганбардор бўлмаганмиз ва бўлмаймиз ҳам.

Ҳузур қилиб ётдик. Қуёш қиздирыпти. Баданимизнинг куйиб қолишидан қўрқмаймиз. Вадимда махсус малҳам бор. Шмаков иккимиз баданимизга суртдик. Шмаков ҳатто товоқларигача суртиб чиқди.

Кейин Игорь бизни қўли билан имлади. Николай билан Люся кийинишаётганди. Елка кўринмайди, у машинада кийинаётган бўлса керак. Игорь шимини кийяпти. Улар уйга отланишибди...

Биз ҳам кийиниб олдиларига бордик. Николай билан Люся машинага ўтиришди. Елка шофёрнинг ўрнини эгаллаганди.

— Болаларни метрогача олиб бориб тезда қайтиб келаман,— деди Игорь ялингансимон.

— Бўпти,— деди Люся.

— Менсиз кетиб қолманглар.

— Бўпти,— такрорлади Люся лоқайдлик билан,— қани, кетдик Нико!

Улар машинага ўтиришди. Эшиклар ёпилди. Мотор гуриллади. Машина ўрnidан қўзғалиб кейин бурилди-да, пляждан юриб кетди.

Биз одатдагидек унинг ортидан қараб қолдик. Кейин кўзим қумга тушди... Ҳайрон бўлиб бақрайиб қолдим.

Бу ердан худди «Победа» эмас, балки «ГАЗ-69» ўтгандек, қумда чуқур кенг излар кўриниб турарди. Худди карьер йўлидаги изларнинг ўзи...

Машинаси кескин бурилган жойдаги изларга назар ташлаб вездеход изларининг ёнида «Победа» излари борлигини кўрдим. Машина тўғри кетган йўлда эса «Победа»нинг изи йўқолиб, фақат вездеходнинг излари қолганди...

— Ушоқ, қани кетдик, бўлмаса кеч қоламан,— бетоқат бўлиб деди Игорь яна ўзининг буйруқ оҳангида.

Игорнинг кўзларига боқишга уялдим.

— Бу машинанинг покришкалари ғалати экан...— дедим у томон ўгирилмасдан.

— Ҳеч қанақа ғалатиси йўқ!— жавоб берди Игорь,— унга вездеходнинг покришкаси қўйилган.

— Тўртта ғилдирагигами?— сўрадим юрагим увишиб.

— Йўқ!— деди Игорь тоқатсизланиб.— Фақат орқа ғилдиракларига. Олдинги ғилдиракларида оддий резинали покришка. Етар энди, кетдик!

Йигирма олтинчи боб

Машинамизни тиклаш ишлари йиғилишдан кейин сустлашса керак деб ўйлагандик. Чунки, илгари кун бўйи уринардик, энди эса ишдан кейин фақат икки соат ишлаймиз. Лекин аксинча бўлиб чиқди — ишлар анча тезлашиб кетди. Ишчилар кўпроқ кўмаклашадиган бўлишди. Айримлари шунчалик берилиб кетишдики, ҳатто болаларни четга суриб қўйиб, ҳамма ишни ўзлари қила бошлашди. Бу нарса қонуний норозилик билдиришимизга сабаб бўлди. Ахир машинани биз тикляпмиз.

— Гап бундай, университет-эмансипе,— деди менга бригадир Дмитрий Александрович,— илгари вазият ноаниқ эди. Бригада қандай шартлар асосида машинани тиклаётганини билмасди. Эндilikда жамоатчилик асосида эканлигини билади. Шунинг учун ҳар биримиз умум ишга ҳисса қўшмоқчимиз.

Агар «университет-эмансипе» эътиборга олинмаса, Дмитрий Александровичнинг фикри менга оқилона туюлди. Ҳатто чуқур мазмунли фикр. Ҳамма ишда тўла аниқлик керак.

Ниҳоят ҳовлига рамани қўйиб, қисмларни йиғишни бошладик. Йиғиш бошландими — демак, иш ниҳоясига етапти. Иш ниҳоясига етаётгани учун ҳамма тезроқ ишлаяпти. Қуп-қуруқ раманинг автомобилга айланаётганини кўриб ҳузур қиларди киши.

Машинамиз атрофида одамлар гавжум. Бошқа машиналар олдида ҳеч ким йўқ, бизнинг машина олдида эса ҳамма тўпланган. Ҳатто директор ҳам шу ерда. Чин сўзим! Агар иш тўхтаб қолса, бирон нарса етишмаса у: «Омборга бориб олиб келинг. Мени буюрди деб айтинг» — дерди. Иш ҳеч қандай расмиятчилик ва қоғоз-бозликсиз давом этади.

Директор тамаки тутунига тўлган кабинетда ўтиришдан кўра

қуёш ёғду сочаётган ҳовлида юриб ҳузур қилса керак, деб ўйладим. Лекин, шунчаки, ўзини офтобга солиб ўтириш ноқулай. Бизнинг машина ёнида ўтириш қулай — чунки жамоатчилик иши қилинмоқда.

Ишчиларга эса гаплашиш ёқади. Улар бошқа машинани ремонт қилишаётганда гаплашишга вақтлари бўлмайди, нормани бажариш керак. Машинамиз эса жамоатчиликни, гаплашиш ҳам мумкин. Ишчиларга директорнинг ўзи билан баҳслашиш ҳам ёқади. Цехда баҳслашиб бўлмайди, нимани буюришса бажариш керак. Машинамиз эса жамоатчиликни, баҳслашиш ҳам мумкин. Биз машинамизни ўқув машинаси сифатида жиҳозладик, инструктор учун қўшимча бошқарув қисмлари ўрнатдик. Инструктор бу билан ўқувчининг хатосини тузатади ва бахтсиз ҳодисанинг олдини олади.

Тушки танаффусда ишчилар бир шишадан сут ва яримтадан батон ушлаб олиб машинамиз атрофида ўтириб турли масалада маслаҳатлар беришади, таклифларини айтишади. Сменасини тугатган шофёрлар ҳам шу ерда, улар ўқув машиналарида шофёрликни қандай ўрганганликларини эслашар ва машинамизни яхшироқ тузатиш ҳақида ўзаро гаплашишарди. Улар ҳам директор билан баҳслашишарди. Директор ўз фикрини маъқуллаганда, директор сифатида эмас, балки илгари шофёр бўлганини далил қилиб кўрсатарди. Умуман, машинамиз ёнида эркин, дўстона вазият ҳукмрон эди. Ана шундай вазиятда ишлаш болаларга ҳам ёқарди.

Ҳатто хизматчилар ҳам ҳовлига чиқиб ишимизни кузатишар, ишчиларнинг баҳс ва мунозарасига қулоқ солишар, ўқувчиларнинг ростакам машинани тиклаётганликларини кўриб ҳайрон бўлишарди.

— Кўзларинг қувонади-я,— деди ҳамма вақт қовоғини солиб юрадиган бош бухгалтер.

Афтидан бу гапни у, машинани бепул тиклашни кўриб кўзларинг қувонади, деган маънода айтган бўлса керак. Балки, бошқача маънода айтгандир. Ундан суриштириб ўтирмадик.

Болаларнинг ҳаммаси икки соатдан ҳалол ишлашарди. Айримлари икки соатдан ҳам ортиқроқ қолишарди. Масалан, техникага мойил бўлган Полекутин, Гринько ва бошқа болалар шундай қилишарди. Албатта Шмаков иккимиз ҳам қолардик. Чунки, биз Зуевнинг биринчи ёрдамчилари эдик. Игорь ҳам машина атрофи-

да ўралашиб қолди. Ҳатто бошқалардан кўра кўпроқ шовқин соларди. Ишлар юришиб кетганини сезган бўлса керак. Лекин, папкасидан бошқа нарсани кўтармасди.

Амортизаторлар масаласи эндиликда менга мутлақо аён бўлди. Дарров фаҳмлаганлигимни қаранг-а? Ялангликка орқа ғилдиракларида «ГАЗ-69»нинг покришкаси бўлган «Победа» келган. Орқа ғилдираклар олдинги ғилдиракларнинг изини йўқотган. Бурилишда эса иккала из кўзга ташланган. Уша машина Игорнинг ўртоқлариники.

Игорга тикилиб «наҳотки бу ишда қатнашган бўлса?!» деб ўйлайман. Ҳатто ҳозир ҳам бунга ишонгим келмайди. Қандай қилиб жиноятга қўл урганийкин-а?.. Люся, Елка, Николай ҳам наҳотки жиноятчи бўлишса? Ахир биз билан бирга чўмилишди, хахолаб кулишди...

Ана шуларни ўйлаб бошим ғовлаб кетди. Менинг тасаввуримда жиноятчи мутлақо бошқача одам бўлиши керак. Ҳатто одам эмас, балки аллақандай махлуқдек бўлиб туюлади. Жиноятчиларнинг бошқа одамлар каби кийиниши, айримлари ҳатто олифта бўлиб юриши менга ҳамма вақт ғалати туюлади — чунки, кийиниш инсонларга хос, инсоният эса уларга ёт, тушунарсиз ёв ҳисобланади. Жиноятчиларнинг нега кинога боришларига тушунмайман, чунки у ерда оддий ишчилар, оддий инсоний ҳис-туйғулар намоён этилади. Нега улар музика тинглашларини, қўшиқ айтишларини, ҳатто китоб ўқишларини тушунмайман, чунки китоб яхшиликни ўргатади, ёвузликни қоралайди. Жиноятчи — бу, инсоннинг акси, унинг инсонга хос барча хатти-ҳаракатлари менга ғайри-табиий туюларди.

Батартиб ва ҳатто обрўли ота-оналарнинг болалари жиноят йўлига кирганлиги ҳақида эшитганман, ўқиганман ҳам. Лекин буларнинг ҳаммаси бегона, мавҳум эди. Улар оддий, росмана одамларга шунчалик ўхшайди, деб хаёлимга келтирмагандим. Мен кўп йиллардан бери танийдиган Игорь, ўртоғим Игорь жиноятчи бўлса-я! Ажойиб болалар: Люся, Елка, тебса-тебранмас Николай ҳам жиноятчи экан...

Ушанда, пляжда бунини Вадим билан Шмаков хаёлларига ҳам келтиришмаган, чунки қумдаги изларга фақат менинг қўзим тушиб қолган деб ўйловдим. Лекин Шмаков метро вестибюлида Вадимга сездирмай:

— Бу ўша машина,— деди менга.

Эскалатордан пастга тушаётганимизда эса Вадим менга энгашиб шивирлади:

— Уша машина.

Бутун йўл давомида дам Вадим, дам Шмаков менга шу машина ҳақида гапиришарди. Вадим Шмаков гапга қулоқ солмаётган пайтини пойлаб, Шмаков Вадим эшитмаётган пайтда гапирарди. Бу дудмалликка чек қўйиш мақсадида Вадимга:

— Ҳамма гапни Шмаков Пётрга айтиш керак!— дедим.

— Нега?

— Сир сақлайдиган йигит.

Шундай қилиб ҳамма гапни аллақачон Шмаковга айтиб берганим Вадимга сир бўлиб қолди.

Уша куни оқшомни кўчамизда юриб ўтказдик, ҳатто қадамларимизни санамадик ҳам.

Биз юрадиган йўлимизни қадамлаб аниқ ўлчаб қўйганмиз. Бир-биримизни кузатаётганда ҳеч кимни ранжитмаслик мақсадида шундай қилганмиз. Агар Вадим билан мактабдан келаётганимизда бизнинг уйимиз ёнидан ўтсак, мен яна қирқ қадам юриб уни нарига кузатиб қўйишим лозим. Агар унинг уйи ёнидан ўтсак у мени яна олтмиш қадам кузатиб қўйиши керак.

Уша якшанба оқшомида қадамларни ўлчаш ҳам эсга келмади...

— Нима десанглар ҳам,— дедим мен,— лекин Игорнинг ўғри эканлигига ишонгим келмайди. Балки, у бу воқеага билмасдан аралашиб қолгандир. У билан гаплашиб кўришимиз керак.

Вадим эътироз билдирди:

— Гаплашишнинг ҳожати йўқ. Масаласини синф мажлисига қўямиз.

— Вадим, у билан оғайни бўлганингни унутма,— дедим.

— Нима, у менга оғайнигарчилик қилдими?!— бақириб юборди Вадим.— Ҳамма ишни менга ағдармоқчи бўлди!

Вадим кўнгилчан йигит. Ҳозир эса эҳтиёт қисмлар воқеасида Игорь пасткашлик қилганини эслаб хуноби ошганди. Вадим синфимизда кўпинча ҳамма ишга балогардон бўларди. Эндиликда бўйнига тушган ҳақсизликларни эслаб жаҳли чиқди.

— Узингни юқори тутишинг керак!— дедим унга.

— Нимадан юқори?

— Уз хафақонлигингдан юқори!

Шмаков Пётр тўнғиллаб қўйди:

— Игорга айтсак, улар изларни йўқотиб юборишади. Аҳмоқ бўлиб қолаверамиз. Тегишли жойга хабар қилиш керак.— Фақат изни кўрганимизними?! Ҳечам мумкин эмас!— дедим қатъий.

Ушанда ҳеч нарсага келишолмадик. Аниқроғи, бир фикрга келмагунча ҳеч нима қилмасликка келишиб олдик. Ҳозирча сир сақлаймиз.

Йигирма еттинчи боб

Сир сақлашни ёқтирмайман. Бошқа болалар яхши кўришади, мен эса ёқтирмайман. Ҳатто мазмуни сирли бўлган китобларни ҳам ёқтирмайман: барибир охирида маълум бўлади. Одатда дарров сўнги саҳифаларини қараб чиқаман. Шундан кейин ўқишнинг қизиғи қолмайди.

Китоб ҳам бир нави. Лекин ҳар хил сирли гапларни ичимда сақлаб юришни жиним ёқтирмайди. Бу, кишига одамовилик, но-самимий тус беради. Масалан, Майка билан кўчада кетаётганда ҳамма нарса ҳақида очиқчасига гаплашамиз, шу билан бирга ундан ниманидир яшираман. Ноқулай ва кўнгилсиз қилиқ. Бунинг устига Майка комсоргимиз. Унга бундай воқеани айтмаслик умуман нотўғри.

Майка билан ёнма-ён бораётганда кўчалар ҳам ўзгача туюлади. Балки, ҳаво яхшилигида Майка билан кўчада юрганимиз учун шунақа туюлса керак. Балки қанақа кўҳлик қиз экан, деб ҳамма Майкага, шу билан бирга менга ҳам тикилиб қараганлари учун шундай туюлар... Биз ҳамманинг эътиборида бўламиз ва мен ўзимда алоҳида масъулият ҳис қиламан. Кўчада одамни туртиб юбориб ҳатто кечирим сўрашни эп кўрмайдиган тўнг ва сурбетлар топилади... Билмадим... Факт фактлигича қолади. Майка билан ёнма-ён бораётганда кўчалар янада чароғон, одамлар янада самимий, ҳамма шўх ва кулгили туюлади. Кўчада биз битта ўйинни ўйнаймиз, яъни ҳар хил беўхшов номларни муҳокама қиламиз. Масалан, «Маданий моллар» магазини. Бу нима дегани? Маданий моллар? Демак бошқа магазинлардаги моллар маданиятсиз эканда? Умуман олганда моллар маданий ёки маданиятсиз бўлиши мумкинми?.. Ёки «Инпошив»ни кўрайлик. «Ин» қўшимчаси «инвалид» сўзидан олинган деб ўйлардим. Масалан, инвалидлар артели кўйлак тикади. Бутунлай бошқача экан. Бемаънилик...

Биз Наталья Павловнанинг уйига кетяпмиз, уникига бош инженер юборган. Практика тугаяпти, шу сабабли «масалаларни муҳокама этиш» учун уни автобазага келиб кетишини илтимос қилган. Қандай масалалар эканлигини айтмади. Майка унинг илтимосини Наталья Павловнага етказмоқчи бўлди. Мен Майкани кузатиб қўймоқчи бўлдим.

Наталья Павловна кўчамизнинг охирида яшайди, кўчамиз Москвадаги узун, балки энг узун кўчалардан бири ҳисобланади. У бошидан-бу бошига, метро станциясидан то янги, заставатача махсус автобус қатнайди. Наталья Павловна ҳам бизга ўхшаб янги уйда яшайди. Лекин биз Москванинг турли районларидан кўчиб келганмиз, Наталья Павловна эса илгари ҳам шу ерда, қишлоқда яшаган. Урнига ҳозирги мактабимиз қурилган эски мактабда ўқитувчилик қилган.

Буларнинг ҳаммаси, яъни Наталья Павловна яшаган қишлоқ, унинг уйи, ўқитган мактаби эндиликда йўқ эканлиги, Наталья Павловнанинг ўзи эса борлиги, шу ерда яшаётгани ва ҳамон ўқитувчилик қилаётгани Майкага жуда аҳамиятли бўлиб туюлади. Эндиликда у янги уйда яшаб, янги мактабда ўқитувчилик қиляпти.

— Ҳеч нарса қолмаган, одам эса қолган. Бунинг нимасидир бошқача,— деди Майка.

Тўғрисиини айтганда, нимаси бошқачалигини сезмадим. Эски уй ва эски мактабни план асосида бузиб юборишган. Уларнинг ўрнига янгиларини қуришган. Албатта, одамлар қолади-да. Қаёққа ҳам боришади? Бироқ, Майка энг арзимас бўлиб туюлган нарсалардан ҳам чуқур мазмун топади. Мен эсам фалсафани ёқтирмайман, бошим оғриб кетади. Майка фалсафий фикрларни айтаверсин, унга халақит бермайман. Гапини маъқуллаб қўя қолдим...

— Тасаввур қилиб кўр-а,— давом этди Майка,— неча-неча йиллардан кейин мана булардан асар қолмайди,— у қўли билан кўчани кўрсатди,— аллақандай бошқа нарса бўлади. Янги одамлар келишади.

Ҳайрон бўлиб сўрадим:

— Бу ерда бошқа нима бўлиши мумкин?

— Мисол учун айтдим-да. Масалан, янги уйлар қурилар.

— Бу уйлар ҳали узоқ муддатга чидайди,— дедим эътироз билдириб.

— Тушуниб турибман... Лекин кўз ўнгида шунчалик ўзгаришлар рўй берган Наталья Павловнанинг ҳаёти нақадар ажойиб.

— Уша пайтлари ёғоч уйлар бўлган,— дедим мен,— уйлар эмас, кулбалар... Уларни бузиб ташлаш қийин бўлмаган. Мана бу улкан ғиштин биноларни бузишармиди?

— Мени масаланинг фалсафий томони қизиқтиради,— деди Майка.

Фалсафий томондан тўғри эканлигига кўндим. Лекин фалсафий фикрларни энди хоҳламаслигим, ундан бошим ғовлаб кетгани учун Майкага:

— Метро Бурцевогача чўзилади,— дедим.

Бурцево — бир пайтлари Москва остонасидаги қишлоқ эди, у эндиликда катта саноат шаҳри. Метрони аввал кўчамизнинг охиригача, кейин эса Бурцевогача олиб боришларини газетадан ўқигандим. Шунинг натижасида Бурцево Москвага қўшилиб кетади.

— Ажойиб иш бўлади!— деди Майка.

Барча янгиликларга Майканинг эътибор қилиши менга ёқади. Бошқа қизлар аҳамият беришмайди, у эса эътибор беради. Мен ҳам эътибор бераман. Бирор нарса қурилаётганини кўрсам қувонаман. Сабабини билмайман, лекин қувонавераман. Янги уй, янги магазин, янги кўприк, янги метро станцияси, янги автобус линияси. Уша янги уйда мен истиқомат қилмайман. Балки, ўша янги магазиндан ҳеч нарса сотиб олмасман. Аммо уларнинг янги эканлиги, илгари йўқ нарса, эндиликда мавжуд эканлиги мени қувонтиради, Майкани ҳам қувонтиради. Унинг бир оз фалсафий фикрлар юриштиши, аслини олганда, халақит бермайди...

Наталья Павловна стол ёнида ўтириб дафтар текшираётган экан. У кечки ишчи-ёшлар мактабида адабиётдан дарс беради.

Майка илгари ҳам Наталья Павловнаникида бўлган. Мен ҳеч келмаганман. Мавруди бўлмаган. Лекин бошқа ўқитувчиларнинг уйда бўлганман. Шунинг учун Наталья Павловнанинг уйда ўзимни бошқа ўқитувчиларникида бўлгандагидек ҳис қилдим. Ўқитувчи уйда бутунлай бошқача бўлади. У ўқитувчига эмас, балки оддий одамга ўхшайди. Уй шароитида, буфет, шкаф, ўртадаги катта стол, оёғи букик стуллар, эски диван каби одатдаги ашёлар орасида уни кўриш аллақандай ғалати туюларди... Ғалати ва бир оз ғамгин. Балки, бу ашёлар ҳам Наталья Павловна каби қа-

димий бўлгани учун шундайдир. Бизнинг уйларда истиқомат қилувчилар кўчиб келаётганларида янги мебеллар олиб келишга уринадилар. Наталья Павловнанинг ашёлари эса эски, модадан қолган, қишлоқда яшаган пайтидаги ашёлар бўлса ҳам ажаб эмас.

Наталья Павловнага машинамизни тиклаш ишида ҳамманинг фаол иштирок этаётгани ҳақида гапириб бердик. Наталья Павловна жуда қувониб бизни чой билан меҳмон қилди. Шоколад конфетлари орасида энг яхши кўрадиганим «Сливочная коровка» конфети билан чой ичаётганимда, бу ердаги ҳамма нарса дастлаб туюлганидан кўра анча шинам кўринди. Ҳамма нарса Наталья Павловнанинг ёнгинасида, туриб овора бўлмайди. Майка билан сули ёрмасидан пиширилган бир қути печеньени еб қўйибмиз. Айтгандек; бу печеньени ҳам ёқтираман.

— Серёжа, директорга қанақа ариза ёзувдинг?— сўради Наталья Павловна.

Мазмунини айтиб бердим. Майка ҳайрон бўлиб менга тикилиб қолди. Бу ҳақда у ҳеч нима билмасди. Адолат талаб қилишим Майкани хурсанд қилганди.

— Ҳа, Зуев,— хўрсиниб қўйди Наталья Павловна,— ахир уни ҳам мен ўқитганман.

Зуевнинг қачонлардир ўқувчи бўлганини билардик, аммо буни тасаввур қилиш қийин эди. Кексайиб қолган, соқоллари ўсиб кетган шу одам ҳозир бизни ўқитаётган Наталья Павловна қўлида таҳсил кўрган...

— Унинг оиласи ҳалок бўлган,— деди Наталья Павловна ғамгинлик билан.— Урушдан кейин. Далада немис миначига дуч келиб қолишди. Икки ўғли. Ушанда хотини оғир касал бўлиб қолди, ҳалигача касалхонада ётибди...

Наталья Павловнанинг гапи оҳангидан Зуевнинг хотини руҳий касалхонада ётганини билиб олдик. Нега одамлар буни очиқчаси-



га айтмасликларига ҳайрон бўламан. Ахир бунинг уятли жойи йўқ-ку.

— У ажойиб мастер,— дедим.

— Ҳа,— фикримни тасдиқлади Наталья Павловна,— Сергей Сергеевич пенсияга чиқяпти, унинг ўрнига, менимча Зуевни таклиф этишса керак.

Сергей Сергеевич мактаб устахонасини бошқарарди. Энди Зуев бизнинг мактабда ишлашни эшитиб жуда қувондим. Ундаги энг муҳим хусусият болалар билан «тил топиб» ишлаш.

— Уни бизга автобаза директори тавсия қилди,— деди Наталья Павловна.

Наталья Павловнанинг Зуев ҳақида айтганларини эшитиб, унга янада раҳмим келди.

— Аввал ҳайфсан беришади-да, кейин тавсия қилишади,— дедим кесатиб.

— Мени ҳаммадан кўра Игорь масаласи ташвишга қўйяпти,— деди Наталья Павловна.

Мен бақрайиб қолдим: наҳотки Наталья Павловнага ҳамма нарса аён бўлса? Қаёқдан билибди?

— Практиканинг унга ҳеч нафи бўлмади,— Наталья Павловна хафа бўлиб сўзида давом этди,— у цехда ишлаши керак эди. Автобазадаги юмушлардан энг нокераги унга тушиб қолди. Мен билмай қолибман. Лекин, синфдошлари ҳам айбдор. Коллектив Игорга таъсирини ўтказмаган. Уни тарбияламаяпти.

Қойил-е! Демак, яна биз айбдор! Емон тарбиялаямиз...

Уни тарбиялаб кўр-чи!

— Коллектив ўз йўли билан,— деди Майка,— лекин ҳар бир киши ўзи учун жавоб бериши керак.

Улар коллективнинг тарбиявий кучи ҳақида гаплаша бошлашди. Наталья Павловна турли мисоллар келтирди. Асосга эга далилли мисоллар. Лекин бу далилларни хаёлан Игорга қўллаб кўрганимда, улар ўша ондаёқ асоссиз бўлиб қоларди... Аммо индамадим. Агар Игорь ҳақида баҳслашадиган бўлсам, сирини очиб қўйишим мумкин. Мен эсам сир сақлашга ваъда берганман.

Йигирма саккизинчи боб

Сир сақлашни ёқтирмасам ҳам, албатта, бу сирни сақлаб юрдим. Бироқ, Наталья Павловнаникидан қайтаётганимизда Майканинг ўзи мени бу суҳбатга тортди. У автобазада биз бир-биримизни мактабдан кўра яхшироқ билиб олганимизни айтди. Бу нарса кишининг характери ҳақиқий ҳаёт билан тўқнашгандагина намоён бўлишини исботлармиш.

Умуман олганда тўғри фикр. Лекин мактабда ҳам биз бир-биримизни яхши билардик. Шунчаки ишлаб чиқаришда ҳар бир одамнинг характери аниқроқ намоён бўлади.

— Масалан, Игорни олиб кўрайлик,— дедим,— унинг қанақа эканлигини илгари билмасмидик?

— Машинани тиклаш воқеасида роса ўзини кўрсатди!— эслатиб қўйди Майка.

— Фақат бугина эмас,— дедим сирни очиб қўйишни истамай.

— Тўғри,— фикримга қўшилди Майка,— Вадимнинг қисмларни топиш масаласида ҳам.

— Гап фақат Вадимнинг қисмларида эмас,— дедим ўзимни зўрға тутиб.

— Умуман автобазадаги барча хатти-ҳаракати билан ўзини кўрсатди,— деди Майка.

Индамадим. Лекин Майка бунинг маъносини дарров тушунди. Шунинг учун менга саволчан назар ташлади. Ўзимни қўярга жой тополмадим. Амортизаторлар воқеасини Майкага айтиб бердим. Қомсорглиги учун айтдим.

Гапларим унда мен кутган таассурот қолдирмаганига ҳайрон бўлдим. У гапларимни ишонқирамай, ҳатто бир оз истеҳзо билан тинглади. У гапларимни ўғил болаларнинг сирли воқеаларга мойилликларига ишонган қизлардек тинглади.

Аслини олганда қизларнинг ўзида сирли воқеаларга мойиллик кўпроқ бўлади. Лекин уларнинг сирли гаплари майда-чуйда бўлади. Аллаким кимнидир севиб қолган... Қимгадир аллаким нимадир ёзган... Аллаким ким билан қаёққадир борган. Лекин мантиқ талаб этувчи мураккаб ҳодисаларга қандай муносабатда бўлишни билишмайди. Уларнинг ақл-фаросати бундай ҳодисаларни қамраб ололмайди. Факт қанчалик моҳиятсиз бўлса, уларнинг тасавурида шунчалик муҳим бўлиб туюлади. Агар факт ўз моҳия-

ти билан муҳим бўлса, у ҳолда қизлар тасавурида ўрин қолди-
ролмайди.

— Аввало Игорь билан гаплашиб олиш керак,— деди Майка.

— Менинг фикрим ҳам шундай!— деб хитоб қилдим.— Бугун кечкурун сеникида тўпланиб, Игорни чақира қолайлик.

Кечкурун Майканинг уйига тўпландик.

Игорь билан гаплашиб олмоқчи бўлганимиз Шмаковга ёқ-
мади.

— У ўғри ўртоқларини огоҳлантириб қўяди,— деди Шмаков.

— Ҳар бир одамдан жиноятчи деб шубҳаланиш ярамайди,—
эслатиб қўйди Майка.

— Дарҳақиқат шундай,— фикрини маъқулладим:— «Черков
ва қамоқларни ер билан яксон қиламиз» деймиз-у, ҳар бир одамни
жиноятчи деб гумон қиламиз...

Игорь кириб келди, боқишлари шўх ва истеҳзоли.

— Оқил оқсоқолларнинг қандай кенгаши бор экан?— жилма-
йиб сўради у.

Унга амортизаторлар тўғрисида гапириб бердим. Игорь кулиб
юборди:

— Нега дарров олмадиларинг? Тушунарли!.. Ўғрини пойла-
моқчи бўлиб қўлдан чиқаргансиз. Машҳур пинкертонлар-ей...

— Кулма,— дедим совуққонлик билан,— йўлда излари қол-
ган...

— Ҳинд кўзойнакли илонининг изими?

— Йўқ. Машинаники. «Победа»ники... ғалати покришқалари
бор экан: олдинги ғилдиракларида «Победа»ники, орқа ғилдирак-
ларида «ГАЗ-69»ники.

Биз Игорга тикилиб турдик. Уткир нигоҳларимиздан хижолат-
га тушиб довдираб:

— Бу билан нима демоқчисан?— деб сўради.

— Шуни айтмоқчиманки,— дедим унга жавобан,— сенинг
дўстларинг, ўша Елка, Люся ва Николайнинг машинасида худди
мана шундай покришқалари бор! Мана шуни айтмоқчиман.

Юзага келган вазиятнинг нақадар жанжалли эканлигини ҳат-
то Майка ҳам фаҳмлади. Бунинг фантазия эмас, балки жиддий ва
масъулиятли воқеа эканлигига ишонч ҳосил қилди. Қўнглида бал-
ки, менинг мантиқий саволларимга қойил қолаётган бўлса керак.

— Гапир, амортизаторларни қаёққа йўқ қилдинг?!— қўполлик билан сўради Шмаков.

— Нима бало, ақлдан оздиларингми?— бақриб юборди Игорь ўрнидан ирғиб тураркан.— Мен билан бундай тарзда гаплашишга қандай ҳақларинг бор?

Уннинг ҳақиқатан ҳам жаҳли чиққанлигини кўриб хижолатда қолдик. Вадим эса йиғлаб юборай деди. У Игорь билан бир пайтлариди дўст бўлгани учун унга раҳми келганди. Фақат Шмаков хижолат бўлмади.

— Сакрама, стулни синдирасан!— деб тўнғиллади у.

— Аҳмоқона ҳазилингни йиғиштир,— дедим Шмаковга.

— Ҳеч ким сени ҳақорат қилаётгани йўқ, Игорь,— гапга аралашди Майка,— лекин буни аниқлаш лозимлигини ўзинг ҳам тушуниб турибсан.

— Ҳа-да, Игорь,— деди маъюслик билан Вадим,— ахир шахсан сендан ҳеч ким шубҳа қилмаяпти-ку!

Игорь бир оз хотиржам бўлиб оёқларини чалиштириб ўтирди-да, тўнғиллади:

— Амортизаторларни на мен, на ўртоқларим олган. Бу ҳақда гапиришнинг ўзи аҳмоқона ва кулгили. Нега худди ўша машинанинг изи деясизлар? Москвада резинаси ҳар хил бўлган машиналар оз деб ўйлайсизларми?

— Барибир ғалати ўхшашлик,— деди Майка.

— Ҳаётда ҳеч қутилмаган ўхшашликлар ҳам бўлади,— луқма ташлади Игорь яна истеҳзоли оҳангда.

— Нега дўстларингни автобазага олиб келдинг?— қўққисдан сўради Шмаков Пётр.

Игорнинг кўзлари пирпиради.

— Қачон олиб келибман?.. Ҳа, ёдимга тушди... Ремонт масаласида ёрдам бермоқчи бўлиб бош инженер билан таништирдим.

— Хўш, нима бўлувди?

— Бош инженер рад қилди.

— Бу масалага бутунлай чек қўйиш учун,— дедим мен,— ўртоқларинг билан гаплашиб олишимиз керак.

Игорь лабларини чўччайтирди:

— Марҳамат! Бориб гаплашаверинг.

— Шунақами!— деди Майка.— Демак, сен хоҳламайсан?

— Хоҳламайман.

— Нега?

— Бу суҳбат менинг обрўйимни туширади. Мени студияда фильмга олишяпти, шунинг учун бўлмағур гапларни у ерга етиб боришини истамайман.

— Масалани бюрога қўямиз,— деди Майка.

Игорь индамади.

— Ахир улардан. фақат машина ҳақида суриштирамиз,— деди Вадим,— сен ҳақингда бирор гап бўлмайди...

— Майли, бугун уларга қўнғироқ қиламан,— деди Игорь қовоғини солиб.

Агар одамнинг ҳеч бир гуноҳи бўлмаса, нега у ўзидан хавотир бўлади? Нега Игорь дўстлари билан бизни учраштирамоқчи эмас? Нимадан қўрқяпти? Айбдор эмаслигига бизни ишонтирди-ку... Бу ишда айби йўқлигига Шмаков Пётрдан бошқа ҳаммамиз илгари ҳам шубҳа қилмасдик.

Мактаб майдончасида ўтириб Игорь ва унинг дўстларини кутаётганимизда мана шулар ҳақида ўйлардик. Ўз фикримизни бир-биримизга айтмадик. Ҳар биримиз хавотирлик билан ўзимизга «Игорь нимадан қўрқяпти?» деб савол берардик. Бизнинг ўртоғимиз бўлмиш Игорь бундай жирканч ишга аралашиб қолгани ҳақида ўйлашнинг ўзи даҳшат эди.

Мактаб майдончаси бўм-бўш. Унинг икки чеккасида тўрлари йиртиқ баскетбол шчитти, волейбол тўри учун ўрнатилган қийшиқ ёғоч, қорайиб кетган узун скамейкалар қаққайиб турибди, сакраш жойида қум сарғайиб ётибди, кимдир худди яқингинада сакрагандек ҳатто оёқ излари кўриниб турибди.

Соат еттидан сал ошганда бизга таниш «Победа» мактаб ёнига келиб тўхтади. Машинадан Игорь, Люся ва Николай чиқишди. Елка йўқ эди. Улар ёнимизга келишди.

— Автобаза болалари мана шулар,— деди Игорь атайин кулиб.— Сизларга айтгандим. Амортизаторлар ҳақида ҳам айтганман.— У биз томон ўгирилди.— Ҳамма гапдан уларнинг хабари бор.

Игорнинг бор гапни уларга айтиб бергани бизга ёқмади. Унга ким шундай қилгин деганди?

— Автобазадагиларнинг ҳаммаси шунақа ушоқми? Николай қарагин-а, қанақа ушоқлар!

Гапнинг истеҳзоли оҳанги ҳам бизга ёқмади.

— Демак,— давом этди Люся,— аллақандай амортизаторларни ўғирлашда биздан шубҳа қилияписизларми?

— Йўқ,— эътироз билдирдим,— ҳеч ким сизлардан шубҳаланаётгани йўқ. Лекин амортизаторлар машинада олиб кетилган. Уша машинанинг ғилдиракларида худди сизларникига ўхшаш покришкалари бўлган.

Люся хаҳолаб юборди:

— Шунақа денглар! Эшитяпсанми, Николай? «Победа»ларнинг ҳаммасида бир хил покришкалар бўлади.

— Жуда эрта куляписизлар,— дедим уларга,— машинангизнинг орқа ғилдиракларига «ГАЗ-69»нинг покришкаси қўйилган. Ҳалиги машинаники ҳам худди шунақа.

— Николай, эшитяпсанми?— бақириб юборди Люся.— Ҳалиги машинада ҳам худди шунақа покришкалари бормиш.

— Айтгандек, нега бундай текширув билан шуғулланияписизлар?— тўсатдан сўраб қолди Николай.

— Чунки биздан, практикантлардан шубҳа қилишяпти.

— Нима, практикантмисизлар?— қизиқсиниб сўради Люся.— Қаердан техникумданми?

— Йўқ, мактабдан...

Лавлагиси чиқиб кетган Игорь гапимни бўлди:

— Гап бунда эмас...

— Тўхта, тўхта,— деди Люся,— демак, практикант, ўқувчисизлар. Эшитяпсанми, Николай? У-чи?— Люся Игорга ишора қилди.

— У ҳам...

Люся хаҳолаб юборди:

— Николай! Қалай, сенга ёқадими? Ўқувчи экан! Мана комедия! Баракалла, Игорь, қойил-ей! Николай, бу гапларга нима дейсан?

Николай ҳеч нима демади.

Игорь бошини кўтармай, хўмрайганча пошнаси билан ер чизарди.

— Эҳ, болалар, болалар, ҳозирги даврингиз қанчалик ташвишли,— мазах қилиб давом этди Люся.— Маълум бўлишича, ўқувчи экансизлар! Игорь ҳам...— У тўсатдан жиддий қиёфага кирди.— Сизларни нима қилиш керак? Хўш, Николай, болаларни

нима қиламиз? Калтаклайликми? Мумкин эмас, гўдаксизлар... Қулоқларингизни чўзайликми? Анча катта бўлиб қолгансизлар...

— Биз ҳам калтаклашимиз мумкин,— деди Шмаков тўнғиллаб.

— Қулоғингиздан чўзиш керак эди,— Шмаковнинг гапига эътибор бермай давом этди Люся.

— Гуноҳимиз нима?— сўрадим кулиб.

Николай Игорга қараб нафрат билан деди:

— «Техника бўлими бошлиғининг ўринбосари эмиш!» Бахтиқаро ёлғончи!

Гап нима ҳақдалигини фаҳмладик... Кулгидан ўзимизни тиёлмадик. Ўзини техника бўлими бошлиғининг ўринбосари қилиб кўрсатган. Автобазада бунақа лавозимнинг ўзи йўқ. Қойил-э, Игорь! Нега бу учрашувдан шунчалик қўрққанлигини энди тундидик...

Люся истеҳзо билан кўзини қисиб қўйди:

— Ўзларингизни катталарга таққосламоқчи бўлибсизлар. Игорь бошлиқ ўринбосари, сизлар терговчи. Аввалига Игорь бошимизни қотирган эди, энди бўлса сизлар...

— Игорь ўзини йирик намоянда қилиб кўрсатибди... Бу бемаънилик!— деди Майка.— У ўзини ёшига қараганда каттароқ қилиб кўрсатишни ёқтиради. Бу унинг камчилиги. Лекин, сизлар билан ўтказаетган суҳбатимиз жуда жиддий. Афсус, бунга бефарқ муносабатда бўляпсизлар.

Майка қойил қилди! Люся билан Николай жимиб қолишди. Шундан дарров фойдаланиб гап бошладим:

— Сизларга атиги битта саволимиз бор: машинангиз кечаси ялангликда бўлганми, йўқми?

— Қанақа яланглик?

— Автобазанинг ортидаги.

— Йўқ,— деди Люся,— биз автобазангизга фақат кундузи келганмиз. Игорь машина ремонтини ҳал қилишга ваъда берувди, ахир у «Техника бўлими бошлиғининг ўринбосари-ку». Албатта урдасидан чиқолмади.

— Ремонт қилдиrolмадингизми?— сўради Вадим.

— Ремонт қилдирдик. Келишган ҳолда,— жавоб берди Люся.— Лекин амортизаторларни алмаштирмадик. Бўлдимми? Бизга рухсатми?

У истеҳзо билан гапириб дарров жиддий қиёфага кирар ва яна

истеҳзоли оҳангга ўтарди. Бунинг устига «Эшитяпсанми, Николай?» деб такрорларди. Николай эса ҳамма гапни эшитиб турибди. Чунки у кар эмас.

Игорь бошини кўтариб бамайлихотирлик билан:

— Бўлар иш бўлди! Техника бўлими масаласида ҳақиқатда ҳам ёлғон гапиргандим. Нега дейсизми? Шунчаки, кулги учун, кўнглим шуни хоҳлаганди. Ҳеч кимга зиёни тегмаган бўлса керак?— деди.

— Баҳс тугади!— деди Люся ўрнидан тураркан.— Қани кетдик, Николай!

Шмаков Пётр тўсатдан сўраб қолди:

— Ишчилардан қай бири машинангизни ремонт қилган?

Люся елкасини қисди:

— Менимча, бу ернинг ишчиси эмас...

— Машинангизни уларга қолдирдингизми ёки сизларникига боришдими?— деб сўрадим.

Люся менга қаради. Николай ҳам тикилиб қолди. Уларнинг бу қарашларидан машинани қолдирганликлари аён бўлди.

— Йўқ,— деди Люся,— биз машинани уларда қолдирганимиз йўқ. Уз материаллари билан гаражимга келиб ҳамма ишни адо этишди.

У бир оз ўйлаб қўшимча қилди:

— Айтгандек, кейин уни икки соат обкатка қилишди, шаҳарни кезиб чиқишди.

— Чоршанба куни кечқурун бўлганмиди?— сўрадим мен.

— Уша куни бўлса керак...

— Табриклайман, машинангизда ўғирлик амалга оширилган,— дедим.— Қувонишларинг мумкин.

Ҳаммамиз анча вақтгача жимиб қолдик. Люсянинг қўрқиб кетгани кўриниб турарди. Лекин, қизиғи шундаки, Игорь ҳам қўрқиб кетди. У нимадан қўрқаркин? Кейин Люся тилга кирди:

— Улар ҳалқа билан вкладишни алмаштиришди, моторни йиғиб ўрнатишди, машинани обкатка қилиб ҳақини олишди-да, жўнаб кетишди. Менимча, бировининг исми Василий Иванович эди, шекилли. Улар ҳақида билганларим шу холос.

— Уз машинасини бировга бериш эҳтиётсизлик бўлади,— деди Майка.

— Биз Игорга ишонган эдик-да,— эътироз билдирди Люся.

У юборган аллақандай ишчи бизни механиклар билан таниш-тирганди. Автобаза дарвозаси олдида учрашгандик.

— Ўша ишчи — Лагутинми?— Игорга тикилиб сўрадим.

Игорь индамади.

— Нега жавоб бермайсан?— сўради Майка.

— Бош инженер кабинетидан чиққанимда,— деди бўғилиб Игорь,— Лагутинни учратиб қолдим. Ундан, келишиб олиб, моторни ремонт қиладиганлар борми, деб сўрадим. Лагутин ремонт қиладиган механиклар борлигини айтди. Ишончли одамлар, ишдан мамнун бўлишади, деди. Кейин Люсяга ўша механикларни кўрсатди, улар келишиб олишди, ҳамма гап шу..

— Ҳамма ишни сен бошлаган экансан,— деди Шмаков Пётр.

— Нима қипман?— деди жаҳл билан Игорь.— Аллаким амортизаторларни алмаштириб қўйган. Бунда менинг, Люся, Николайнинг нима айби бор? Ким алмаштириб қўйган бўлса ўша жавоб бераверсин. Алмаштирган одамнинг кимлиги маълум эмас.

— Маълум,— дедим,— ўша одам Лагутин.

— Далилинг борми?

— Бунга ишончим комил.

Игорь қўл силтади.

— Сенинг ишончинг далил эмас. Далил керак. Далил эса йўқ.

— Игорь ҳақ,— деди Люся.— Амортизаторлар машинада олиб кетилганми? Бу шунчаки тасодиф. Бошқа исталган машинада, масалан, таксида бўлса ҳам олиб кетишлари мумкин эди. Такси шофёри йўловчиларнинг нима ташишларини билиши шарт эмас.

— Бунда гуноҳингиз йўқми?— истеҳзо билан сўради Майка.

— Йўқ,— жавоб қилди Люся.

— Йўқ, бор,— эътироз қилдим мен.— Лагутиннинг ҳалол одам эмаслигини Игорь биларди, шунинг учун унга мурожаат қилмаслиги лозим эди. У эса мурожаат қилди. Ҳар қандай ишга қодир ва гапини ўтказувчи шахс эканлигини сизларга исботламоқчи бўлган. Сизлар эса ундан каттасизлар, ўйлаб кўришларинг лозим эди.

— Фаросатни ишлатиш керак,— қўшимча қилди Шмаков Пётр.

— Бўлар иш бўлди,— деди Люся.— Бу бизга сабоқ бўлди.

Игорга ўхшаган она сути оғзидан кетмаганлар билан алоқа қилмаслик керак эди.

— Уни ўлдирсанг ҳам ҳақинг кетмайди,— деди тўнғиллаб Николай.

— Улдиришга ҳеч ким йўл қўймайди,— деди Майка,— амортизаторларни эса қайтариб беришга тўғри келади.

Қутилмаган бу таклиф биргина Люсяни эмас балки ҳаммамизни ҳайрон қолдирди.

— Нега ҳайрон бўляпсизлар?— деди Майка,— ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ. Давлат на сизнинг енгилтаклигингизга, на Игорнинг манманлигига жавобгар эмас.

— Агар уларни қайтариб берсак, биз олган бўламиз-да,—эътироз қилди Люся.

— Ким олган бўлса, ўшаларни қайтариб беришга мажбур қилинг,— дедим,— ҳурматли механикларингизни мажбур қилинг.

— Уларни қаердан излаймиз?— сўради Люся.

— Ҳечқиси йўқ!— деди Шмаков қовоғини уюб.— Уларни қаердан излашни сизга Лагутин айтиб беради.

— Нега энди аллақандай Лагутин билан гаплашиб ўтирар эканмиз?!

— Аҳа!— дедим мен.— Керак бўлганда гаплашган эдингиз, умум манфаати учун гаплашолмайсиз! Майли, бўлмаса ўзингиз сотиб олинг.

— Эҳ-ҳа,— деди Николай.— Тўртта амортизатор беш юз сўмча бўлади.

— Хато қилганингиздан сўнг тўлаш ҳам керак,— кулиб деди Майка.

Йигирма тўққизинчи боб

Моторни ўрнатадиган бўлдик! Машина қисмларини йиғишнинг энг масъулиятли пайти. Мотор — бу, унинг юраги, у машинага ҳаёт, ҳаракат бағишлайди, мотор бўлмаса машина ўлик.

Моторни кўчма кранда олиб келдик. Оғирлиги юз килограммча келса керак. Уни жойига ўрнатиш осон эмас, ўрнига аниқ қўйиш лозим. Шундай қилиш керакки, мустаҳкамланадиган жойлари ўрнига тушсин.

Моторни жойига мустаҳкам ўрнатдик, электр асбобларини, радиаторни, карбюраторни ўрнига қўйдик... Ниҳоят сув, бензин, мой қўйдик...

Мана, машина тайёр бўлди! Фақат бўяш қолди. Уни кечқурун бўяб қўйишади, кечаси билан қуриydi. Эртага, шаҳар бўйлаб сайр этиш мумкин, албатта кузовида «Синов» сўзлари ёзилган бўлиши керак.

Бугун эса уни ҳовлида синаб кўрамиз...

Машина моторини гуриллатганимизда болаларнинг ҳаммаси цехдан югуриб чиқишди. Игорь ҳам биз билан бирга эди. Ҳатто у-бу ишни бажаришга унаб ҳам кўрди. Афтидан бир ой мобайнида ҳеч нарсани ўрганмаганидан афсусланаётган бўлса керак.

Нимагадир амортизаторлар воқеасини ҳамма билиб олганди. Ким айтганикин? Ҳар ҳолда мен эмас. Мен фақат Шмаков билан Майкага, яна Полекутин, Гринькога айтгандим... Бошқаларга ким айтибди? Қизиқ, бошқаларга ким айтганийкин?

Биринчи бўлиб рулга ишларимизнинг раҳбари сифатида Зуев ўтирди. Машина романларнинг бирида қойилмақом қилиб ёзилганидек «Оломоннинг ҳайқирғи остида» ҳовли бўйлаб юрди.

Кейин Зуев инструктор ўрнига ўтирди. Биз навбатма-навбат машинани ҳовли бўйлаб юргиздик. Албатта, ёш шофёр гувоҳномасига эга бўлганлар ҳайдади. Машина ажойиб бўлибди, барча агрегатлари яхши ишляпти.

Директор келиб қолди. «Хўш, қандай наrsa яратганликларини бир кўрайлик» деди-да, у ҳам машинани ҳайдаб кўрди.

— Қойилмақом аппарат,— деди у кабинадан чиқар экан.

Кейин, биз машинани бўёқчилик цехига олиб бордик, у ерда Гаркуша билан Рождественский ишга киришишди.

Одатдагидек, машинамиз атрофини одамлар ўраб олганди. Ҳатто Лагутин ҳам бир неча марта келиб-кетди. Лекин, у машинани томоша қилмай, нуқул менга тикиларди. Шмаков Пётр ҳам буни сезиб қолди.

— Нега сенга кўзини олайтиряпти?— деди Шмаков.

Лагутиннинг нега менга кўз олайтириш сабабини билмасдим. Буни ўйлашга вақтим ҳам йўқ. Шу куни мен бир нарсани сезиб қолдим. Менда, ҳар ҳолда техникага мойиллик бордек туюлиб қолди. Бу жиддий кашфиёт. У менинг ҳаётий плаңларимни тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

Куннинг охирига келиб Лагутиннинг менга диққат билан тикилишидан бир оз ноқулай аҳволга тушиб қолдим. Дарҳақиқат, нега менга тикилиб қолди?

Қўнғироқ чалинди, иш куни тамом бўлди. Ишчилар ювиниб, коржомаларини шкафга қўйиб, ўз кийимларини кия бошлашди. Биз ҳам тарқалишдик. Бугун жуда яхши ишладик.

Шмаков Пётр билан энди уйимизга етиб қолганда тўсатдан кимдир оғир қўлини елкамга қўйганини сездим. Угирилиб қарадим. Орқада Лагутин турарди. Оёқ товушини эшитмаганимиз қизиқ.

Елкамни силтади:

— Нега менга ёпишасиз?

Лагутин Шмаков Пётрга қаради:

— Нарироқ бориб тур, гаплашиб олишимиз керак.

Аммо Шмаков жойидан жилишни ҳам ўйламасди.

— Қаёққа бораман?

— Нарироқ бориб тур деяпман!— бақирди Лагутин.

У билан юзма-юз гаплашишдан албатта, қўрқмайман. Лекин биринчидан, нега у буйруқ беряпти? Иккинчидан, Шмаков Пётрдан яширадиган гапим йўқ. Шунинг учун:

— Мумкинми буйруқ бермасангиз?!— дедим.

— Мен ҳақимда қанақа гаплар тарқатяпсан?— деди Лагутин секин, аммо пўписа билан.

— Нимани назарда тутяпсиз?— сўрадим мен.

— Эсингдан чиқдими? Шунақанги адабингни берайки...

— Ҳа-ҳа!— дедим мен.— Қўрқиб кетяпман!

— Қалтирашимни қара-я!— қўшимча қилди Шмаков Пётр.

— Амортизаторларни мен олганимни кўрувдингми?— жаҳли чиқиб бўғилди Лагутин.— Кўрганмидинг?

— Йўқ,— жавоб бердим мен,— кўрмадим. Лекин уларни сизга таниш механиклар яланглиқдан олиб кетишган. Ҳатто, қайси машинада олиб кетишгани ҳам маълум.

— Буни исботлаш керак,— деди Лагутин сурбетлик билан.

— Биз исботлаб ўтирмақчи эмасмиз!— жавоб қилдим мен.— Лекин амортизаторлар топилмаса, баъзи нарсаларни исботлашга тўғри келади.

— Илгари Зуевга туҳмат қилувдинг, энди менга ёпишяпсанми?!

— Зуевга ҳеч ким туҳмат қилмовди, буни ўзингиз ўйлаб топгансиз,— дедим эътироз билдириб,— аммо нимани ўйлаганингиз мени қизиқтирмайди! Биз амортизаторларни топишимиз керак, топамиз ҳам. Агар ўз-ўзидан топилиб қолса, нур устига аъло нур. Тамом! Сиз билан гаплашадиган гапимиз йўқ. Қетдик, Петро!

Биз хотиржам бурилиб уй томон кетдик. Лагутиннинг қаёққа кетганини кўрмадик. Бир марта ҳам орқамизга ўгирилиб қарамадик.

Кечқурун уйда, диванда ёнбошлаб Гоголнинг «Ўлик жонлар»-ини қайта ўқий бошладим. Бу китоб менга жуда ёқди. Одамларнинг тасвири яхши берилган. Жуда усталлик билан ва кулгили қилиб тасвирланган. «Ўлик жонлар»ни варақлаб Чичиковнинг пружинали араваси губерниянинг Н. шаҳрига қандай кириб боргани ва икки мужик бу арава Москва ва Қозонгача бора оладими ёки йўқми, деб баҳслашганларини қайта-қайта ўқийман. Плюшкин, Собакевич, Ноздревларни айтмайсизми!

Шундай қилиб, диванда ётиб «Ўлик жонлар»ни ўқиётган эдим, қўнғироқ жиринглаб қолди. Онам йўлакда экан, ўзи бориб эшикни очди. Кейин хонага бош суқиб мени чақирди:

— Серёжа, сени сўрашапти.

Афсусланиб китобни қўйдим-да — капитан Копейкин тўғрисидаги жойини ўқиётгандим — йўлакка чиқдим. Эшик қия очяқ эди. Ланг очиб юбордим... зинапоя ёнида диспетчер Зина турарди...

— Мени чақирдингизми?— сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Серёжа!— деди ҳаяжонланиб Зина,— сен билан гаплашиб олишим керак.

— Марҳамат, ичкарига кириб,— таклиф қилдим.

— Бир минутга бу ёққа чиқа қол.

Ташқарига чиқиб эшикни ёпдим.

Зина қўлларимдан ушлаб сўради:

— Серёжа, нима воқеа бўлганди?

Нимани назарда тутаётганини дарров фаҳмладим. Лекин Зинанинг йиғлаб юборай деяётганини кўриб қўрқиб кетдим. Аёллар йиғисини ҳечам ёқтирмайман. Аёллар, кичик болалар ва мушук йиғисини ёмон кўраман. Улар йиғласа юрагим ачишади. Зинанинг кўнглини тинчитадиган жавобни ўйлаб бошладим. Аммо улгуролмадим.

— Сен уни билмайсан,— деди Зина пиқиллаб,— у жуда яхши йигит. Бироқ, дўслари уни йўлдан уришяпти...

Мана, кўр-кўрона муҳаббат кишини нимага олиб келади!

Кимга муҳаббат қўйибди, денг? Уни мутлақо менсимайдиган кишига.

— Мен ҳам дўслари деяпман-да! Амортизаторларни қайтариб беришни дўсларидан илтимос қилсин.

Зина ҳиқиллаб, ахийри йиғлаб юборди. Барибир йиғлади-я.

— Хўш, нима қилишим керак?

— Уни шунақа севаманки,— деди Зина йиғидан тўхтамай.— Агар унга бирор нима бўлса, ҳолим нима бўлишини билмайман.

Аёллар билан севги ҳақида ҳеч гаплашмагандим.— Шу масала юзасидан ниҳоят ўз фикримни билдириш имконияти туғилганидан қувониб кетган бўлсам керак.

— Муҳаббат — бу, энг аввало ўзаро ҳурматдир,— дедим.

Худди шу минутда ёнимда Майка йўқлигидан афсусландим. Аммо, бу ерда бўлмаса ҳам ўз фикримни давом эттирдим.

— Севишганлар бир-бировларини камситадиган иш қилмасликлари керак. Агар бирига ёқмаса, иккинчиси аллақандай сурбетлар билан танца тушмаслиги лозим.

— Ҳеч қачон бошқалар билан танца тушмаганман,— деди Зина йиғламсираб.

— Умуман танца тушиш мумкин,— тушунтирдим унга,— аммо бунда бирон ноўрин мақсад бўлса, яхшиси танца тушмаган маъқул.— Зинапоя панжарасига суяниб давом этдим.— Кейин, бир-бирига нисбатан ҳалол бўлиш, камчилик ва хатоларни бир-бирига айтиб туриш керак.

Севги-муҳаббат темасида яна бирор ақллироқ гап айтмоқчи бўлиб ўйланиб қолдим, лекин ҳеч гап тополмадим.

— Агар қайтариб беришса, ҳеч нима бўлмайдими?— сўради Зина жимиб қолганимдан фойдаланиб.

— Албатта ҳеч нима бўлмайди.

— Жуда қўрқяпман,— яна йиғлаб юборай деди Зина,— қамаб қўйишса-я.

— Қамоққа бало борми!— эътироз қилдим.— «Черков ва қамоқларни ер билан яксон қиламиз!» Масала шу йўсинда қўйилган! Агар улар ҳаммасини қайтариб беришса ва бундан кейин қаллоблик қилишмаса, ҳеч қачон қамашмайди.

— У ҳеч бунақа қилмасди,— деди шивирлаб Зина.— Ҳаммаси ўшалар билан дўстлашгандан кейин бошланиб кетди.

— Шунинг учун ҳам унга таъсирингизни ўтказишингиз керак,— дедим мен,— хато учун кейин жавоб бергандан кўра, уни ҳозироқ тан олиш керак.

Зина қайтиб кетди. Мен яна китоб ўқий бошладим. Лекин ўқиёлмадим. Зинага ачиндим. Қиёфаси жуда бахтсиз бўлиб туюлди. Ҳаммасига Лагутин айбдор. Узининг виждонсизлиги етмагандек, яна бошқаларни азоб чекишга мажбур қилади.

Зинага айтилиши лозим бўлмаган гапларни айтиб қўйган бўлсам керак. «Агар Лагутинни севсангиз, қайта тарбияланишига ёрдам беринг» дейиш лозим эди. Мана шу гапларни айтиш керак эди. Мен бўлсам севги-муҳаббат ҳақида вайсаб ўтирибман.

Бўлар иш бўлди! Тўғри фикр ва керакли сўзлар бўлиб ўтган суҳбатдан тахминан бир соатдан кейин хаёлимга келади.

Ўттизинчи боб

Бугун практикамиз тугайди. Ишга жуда эрта келдим. Машиналар эндигина ишга жўнаётган эди.

Оғир юк машиналари ва самосваллар бирин-кетин йўлга чиқиб, Москва кўчалари бўйлаб тарқалишарди. Кабиналарда ўтирган шофёрларнинг чеҳралари жиддий.

Ҳовлида шу соатга хос бўлган жонланиш. Радиодан диспетчернинг овози янграйди, эксплуатация бошлиғи телефонда ким биландир жанжаллашади, иш ташвиши билан юрган бош инженер дам-бадам кўриниб қолади. Директор одатдаги жойида савлат тўкиб турганча индамай машиналарни кузатади.

Галати ишлар бўляпти-да, деб ўйладим. Эртага биз қушлардек озод бўламиз. Истаганимизча ухлашимиз мумкин. Нимани хоҳласак, қилишимиз мумкин. Бир ҳафтадан кейин онам билан Қасимовга жўнаймиз. Ока дарёсида чўмилиб, оёқ курагим билан ҳаммани қойил қолдираман...

Бари бир кўнглим ғаш эди...

Энди ҳар куни азонда бу ерга келмаслигим, бошқа ишчилардек шкафча олдида туриб коржомани киймаслигим, уларнинг

ҳазил ва суҳбатларини эшитмаслигим, бригадир Дмитрий Александровичга бепарволик билан: «Тугатдим, текшириб кўринг!» деёлмаслигимни ўйлаб, кўнглим ғаш бўларди, Дмитрий Александрович энди, менга «хўш, университет-эмансипе, жуда соз...» демайди.

Мен энди қалайлаш лампасининг вишиллашини, пайвандлаш аппаратининг шовқини, арранинг чийиллаши ва ранданинг шипиллашини эшитмайман, балки тез орада кўникиб қолган бензин, карбид ва ацетон ҳидини ҳам унутарман. Эндиликда керак бўлган вақтда беркитиб кетасиз деб, омборчи билан жанжаллашолмайман. Ҳар икки ҳафтада ўз меҳнатим ҳақи бўлган маошни ҳам олмамайман.

Албатта, биз фақат практикантлар эдик. Лекин, бу ерда ўзимизни ҳақиқий ишчилардек ҳис этардик. Қатталар қиладиган ишларни бажарардик.

Смена бошланишини кутиб гараж ёнидаги скамейкада офтобда исиниб ўтириб мана шулар ҳақида ўйладим. Кейин кўнғироқ чалиниб, ҳаммамиз цехларга тарқалдик.

Тўғриси айтганда, бугун ҳеч қайсимиз ишламадик. Игорь келиб эълонлар тахтасига биз ҳақимизда буйруқ ёпиштириб қўйилганини айтди. Ҳаммамиз уни ўқиш учун югуриб кетдик...

Яхши ишлаганликлари учун практикантларнинг ҳаммасига ташаккур эълон қилинганди. Бош инженерга умумий раҳбарликни олиб боргани учун ташаккур билдирилган. Цех бошлиқларига аниқ раҳбарлик қилганликлари учун. Бригадирларга — шунчаки раҳбарлик учун. Барча ишчиларга бизга эътибор билан қараганликлари учун.

— Қойилмақом ёзилибди!— деди Игорь бунинг сирли моҳияти ўзига тушунарли эканлигини ифодалаб.

Аммо, унинг фикрига қўшилмадим. Эндиликда, практика тузган пайтда ҳамма номаъқул ишларни унутдим, ёдимда яхши ишларгина қолди. Чунки, практикага янги келганимизда ҳеч нимани билмасдик, хатога йўл қўйишимиз аниқ эди.

Зуевга ҳам машнамининг тиклаш ишидаги яхши ёрдами ун ташаккур билдирилганди. Липкадаги авария муносабати билан берилган ҳайфсан олиб ташланди.

Ҳозир бизга маош беришлари ҳақида гап тарқалиб қолди. Ҳаммамиз бухгалтерияга югурдик. Худди ярим ой маошиде биз-

га бир юз олтмиш икки сўмдан беришди. Аванс билан маошнинг фарқини тушунмай қолдик.

Мояна олганимиздан кейин бош инженер бизга цехларга тарқалиб, олинган нарсаларни топширишни буюрди.

— Ишчилар билан хайрлашиб кетинглар, — деди у.

Бош инженер айтмаса ҳам билардик. Лекин унинг бу гапи мени ҳайрон қолдирди. Бу унинг кўнгилчанлигидан далолат берарди. Бош инженерни ёқимсиз, совуққон киши ҳисоблардик.

Шмаков билан гаражга бориб асбоб ва коржомаларни топширдик, дастгоҳимизни тозалаб бўлиб ишчилар билан хайрлашдик. Ишчилар латта билан мойли қўлларини артиб, қўл бериб хайрлашишди. Чуқурдагилар ҳам қўлларимизни қисиб хайрлашдилар.

Бизнинг кетишимиздан куюнмаётганлар бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин бир ой ҳамкорликда меҳнат қилдик, яхши ва ёмонликларни биргаликда баҳам кўрдик ва эндиликда улар бизга бирдамлик муносабатида бўлмасликлари мумкин эмас.



Шмаков билан гараж дарвозасигача бориб, орқага ўгирилиб қарадик. Ҳеч ким ортимиздан қараб қолмаган эди. Худди ҳеч нима содир бўлмагандек, ҳамма ўз ишига берилганди. Албатта, практиканинг тугаши фақат биз учунгина воқеа ҳисобланади. Лекин бари бир кўнгил хижил эди. Наҳотки, энди биз гараж учун бегона бўлсак? Орадан бир неча кун ўтгач, балки бизни унутиб юборишар...

Игорь ҳовлида бизни учратиб, ҳозир яқунловчи суҳбат бўлишини айтди. Кейин менга алоҳида қараш қилиб масхараомуз қилиб қўйди-да:

— Тайёрланиб тур, Ушоқ...— деди.

Гапнинг мазмунидан мени кўнгилсиз суҳбат кутаётганини фаҳмладим. Лекин, нима гаплигини у айтмади. Игорнинг одати шунақа — давомини айтмайди. Бу билан у ҳамма нарсадан хабардор эканлигини кўрсатмоқчи бўлади.

Бу қилиғи доим жаҳлимни чиқарди. Дудмолликни ёқтирмайман, қанақа кўнгилсизлик бўлса ҳам уни дарров эшитиб олишни афзал кўраман. Масалан, «Серёжа, сен билан гаплашиб олишим керак», дейишларини жиним ёқтирмайди. Отамнинг ҳам шунақа одати бор. Ҳеч қачон дарров мақсадга кўчмайди-да, хўмрайиб олиб, «Серёжа, сен билан гаплашиб олишим керак», дейди. Гапини эса икки кундан кейин айтади. Шу икки кун мобайнида нима гаплигини билмай қийналиб юраман. Менга бирор даҳшатли гапни айтмаслигини биламан. Лекин бу ҳақда огоҳлантириб қўйиш билан суҳбатнинг бўлиши орасида ўтадиган вақтни ёқтирмайман. Отам норозилигини тўғридан-тўғри айтмаслиги, алоҳида пайт пойлашини ёқтирмайман.

Ҳозир ҳам тахминан худди шундай ҳолатда эдим. Яқунловчи суҳбатда мени қандай кўнгилсизлик кутаётганлигини билмасдим. Билганимда хотиржам юрган бўлардим. Игорь ҳақиқий дўст бўлганида, мени ана шундай ноқулай аҳволдан қутқарган бўларди.

Биз одатдагидек ялангликка тўпландик. Бугун бу ерда сўнги йиғилишимиз бўлади.

Шу ерда худди ҳозиргина заводдан чиққандек ярқиратиб бўялган машинамиз турибди. Уни расмий равишда мактабимизга беришади.

Норози бўлишимизга қарамай, машинани мактаб хўжалик му-

дири Иван Семёнович қабул қилиб олди. У хурсанд бўлганидан қўлларини ишқалаб, машина атрофида юриб, хаёлида неча тонна кўмир ташиш мумкинлигини ҳисоблаётган бўлса керак.

Биз машина учун ҳали жиддий курашиш лозимлигини фаҳмладик.

Директор жиддий қиёфада авторучкасини олиб машинани мактабга бериш ҳақидаги актга имзо чекди. Шу минутдан бошлаб машина мактабники бўлди.

Хўжалик мудирини Иван Семёнович шошиб кабинага кирди. Зув рулга ўтириб машинани мактаб гаражи томон ҳайдаб кетди.

— Практика тугади!— деди синф раҳбаримиз Наталья Павловна. У биз истагандек яхши ўтдимиз, ёмон ўтдимиз гап бунда эмас. Гап шундаки, бу, мустақил ҳаётимизнинг дастлабки ойи бўлди. Ҳаётингиз меҳнат билан ўтди. Шу ойни ҳеч қачон унутмайсизлар.

Бош инженер ҳаммамизга учинчи разряд, Полекутинга эса тўртинчи разряд берилганини эълон қилди. Айрим болалар норози бўлишди. Менимча эса, тўғри иш қилинган. Полекутин арзийдиган номзод. Агар менга ёки Шмаков Пётрга тўртинчи разряд берилганда баҳслашилса бўларди. Норозилик билдиришга асос бор эди. Бош инженер тўғри иш қилган. Лекин Полекутиннинг техникани биздан кўра яхши тушунишини у қачон сезганийкин?

Кейин директор сўз олди:

— Менимча, вақтни бекор ўтказмадинглар. У-бу нарсаларни ўрганиб олинглар. Оламда нима ишлар қилинишини кўрдинглар. Оламдаги барча ишлар эса ишчи қўллари билан бажарилади.

Шу пайт бригадир Дмитрий Александрович унинг ёнига келиб қулоғига бир нималар деб шивирлади.

Директор ҳайрон бўлиб:

— Қаерда деяпсан?— деб сўради.

— Қазноқда.

— Ана жумбоқ!— деди директор.— Майли, тезда етиб бораман.— Кейин яна бизга мурожаат қилди:— Мана кўрдингизми, қандай яхши, амортизаторлар ҳам топилди!

Қандай топилгани бизга-ку аниқ, лекин буни билдирмадик. Майли, сирлигича қолаверсин.

— Текшириб кўрамиз!— сўзида давом этди директор.— Нима ҳақида гапираётган эдим?— У осмонга тикилди.— Ёдимдан кўта-

рилди. Хўш нима ҳам дейман? Яхши болаларсиз. Меҳнатга ҳалол муносабатда бўлдингиз. Мана Игорь яхши ёрдам берди...

Ҳамма Игорга қаради. У худди директорнинг мақтовидан хи- жолат бўлгандек тутди ўзини: аслини олганда жуда мамнун эди.

— Игорь кўмаклашди,— давом этди директор,— бош инженер унга яхши характеристика берди. Ҳисоблаш ва ҳужжатлаштириш ишларини ўзлаштириб олди. Тўғри, мен ёшлик йилларимда кўпроқ болға билан ускунага қизиқардим. Шундай бўлса ҳам мана, директорлик қиялман. Аммо, ҳисоб ва ҳужжатлаштириш ишлари ҳам зарур... Болаларнинг ҳаммаси яхши меҳнат қилишди. Интизомни бузиш ҳоллари учрамади. Айтгандек, интизом масаласида қоқилишлар ҳам бўлди.

У ҳаммамизга бир-бир қараб чиқди. Нигоҳи менга тушганда тўхтаб қолди. Музлаб кетдим. Игорь мени огоҳлантирган гап бу ерда экан! Ҳозир директор роса мени боплайди. Кабинетда бўлиб ўтган ўша суҳбатни эслатади...

— Аҳа, мана у,— деди директор,— фамилиянг Крашенинников, шундайми?

— Ҳа,— дедим тилим тугилиб.

— Қоқилиш бўлганмиди?

Индамадим.

— Бўлганди,— ўзи жавоб берди директор.— Аварияда иштирок этганмидинг?

— Иштирок этгандим,— тан олдим мен.

— Мана шунақа! Кейин кабинетимга кириб ўз тартибини ўрнатмоқчи бўлди. Бундай қилиш ярамайди, ўртоқлар. Агар ҳар ким ақл ўргатаверса, унда иш нима бўлади?

Игорь менга мазах қилиб тикилиб турганини кўриб қолдим.

— Ишлар шунақа,— давом этди директор.— Ҳали ёшсизлар, гўрсизлар, ҳали ўзларингизга ўргатиш керак. Ҳали бошқаларни ўргатадиган пайтингиз ҳам келади. Ана шулар ёдингизда бўлсин. Умуман, ажойиб болаларсиз! Крашенинников масаласига келганда эса, оддий ишчи сўзи билан унга шундай дейман: «Баракалла, Ушоқвой! Ҳалол йигитсан! Ҳар доим, Ушоқвой, ана шундай бўл!».

Аввал мени койиб, кейин мақтади-я...

Қани мантиқ?

АНАТОЛИЙ РИБАКОВ

Атоқли рус совет ёзувчиси Анатолий Наумович Рибаклов 1911 йилнинг 1(14) январида Черниговда туғилган. Москва транспорт инженерлари институтини тугатган (1934 й.).

Узоқ вақт ўз мутахассислиги бўйича ишлаган. Кейин 50-йилларнинг ўрталаридан бадий ижодга қўл урган. Унинг биринчи «Ҳанжар» номли повести гражданлар уруши ва янги иқтисодий-сиёсат даврининг болалари ҳаётини акс эттиради.

Дастлабки пионерлар, уларнинг ҳаёти, советлар ҳокимияти душманларига қарши курашдаги фаолиятлари, ҳозирги кунларда амалга ошираётган ишлари — ана шу каби темалар ёзувчи Анатолий Рибаклов қаламига мансуб қиссаларда ўз ифодасини топган. Хўш, ёзувчининг бу темага қўл уришига сабаб нима?

Анатолий Рибаклов мамлакатимизда тузилган дастлабки пионер отрядларидан бири — Москва шаҳар собиқ Ҳамовническ районидagi Свердлов номли фабрикада ташкил топган отряд фаолиятида актив қатнашган. Ушанда, 1921 йилда бўйнига қизил галстук тақиб олган. Пионер ўртоқлари билан биргаликда кўчаларда истиқомат қилувчи назоратсиз болаларни тўплашда иштирок этган, катталар буюрган барча ишларни бажарган.

Ушандан бери орадан кўп йиллар ўтди. Ана шу йиллар давомида Анатолий Рибаклов кўпгина воқеаларни кўрди: юк ташувчи бўлиб ишлади, шофёрлик қилди, афтомобиль йўллари қурилишида қатнашди. Улуғ Ватан уруши йилларида генерал Чуйковнинг шуҳрат қозонган 8-гвардиячи армияси сафида немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор жанг қилди. Бироқ, пионерлик йилларидаги ҳаёти хотирасидан кўтарилмади. Шунинг учун ҳам 30-йиллар пионерлари ҳақида бугунги кун пионерларига ҳикоя қилиш учун қўлига қалам олди.

Шу йўсинда унинг қисқа вақт ичида болаларнинг энг севимли китобига айланган «Ҳанжар» повести юзага келди. Бу асарнинг нақадар оммалашиб кетганини Аргентина ва Польша, ГДР ва Норвегия, Ҳиндистон, Руминия, Чехословакия ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг болалари ҳам ўз она тилла

рида берилиб ўқийётганликлари ҳам исботлаб турибди. Дарҳақиқат, повестни ўқиб чиққан ҳар бир ёш китобхонда революциянинг жасур матроси Полевой, қизиққон ва олижаноб болалар — Миша ва Генани севиб қолишади, оқ офицер Никитский ва унинг югурдаги Филин каби меҳнаткаш халқ душманларига нисбатан нафрат уйғонади.

«Китоб болалар ҳаёти ҳақида шунчалик ҳаққоний ҳикоя қиладики,— деб ёзади 6-синф ўқувчиларидан бири «Ҳанжар» ҳақида,— ўқилган бобларини қайта-қайта ўқигинг келади». «Менга жасур, айёр ва ақлли болалар — Миша, Гена, Слава жуда ёқиб қолди»,—деб ёзади бошқа пионер.

«Ҳанжар»дан кейин Анатолий Рибаклов катталар учун китоб устида ишлади. Унинг «Машина ҳайдовчилар» романи Давлат мукофотига сазовор бўлди. Аммо ёзувчи ўзининг ёш дўстларини унутиб қўймади. Аввал «Бронза қуш» деб номланган қиссаси, ундан кейин «Крошнинг саргузаштлари» («Крош ва унинг дўстлари») повестлари босмадан чиқди.

Кейин ёзувчи ўсмирлар учун «Крошнинг таътили» (1966 й.), номли қисса, катталар учун эса «Екатерина Воронина» (1955 й.), «Сосняхида ёз» (1964 й.) романларини ёзди.

«Крош ва унинг дўстлари» повестида авторнинг меҳнат кишиларига бўлган меҳр-муҳаббати яққол кўзга ташланади. Бу асарни ўқир экансан, ишламай, меҳнатга қўлини урмай ҳаёт кечириб йўлини тутганлардан нафратланасан, Крош, Шмаков Пётр ва повестнинг бошқа қаҳрамонлари каби меҳнатсевар, одил бўлгинг келади.

Асарнинг асосий қаҳрамони Крош камтарин, уятчан бола. У йиғилишларда сўзамоллик қилолмайди, далиллари ноўрин ва ҳатто кулгили туюлади. У юрагида Игорга ишончсизлик туйғусини ҳис қилади, шу билан бирга катталар билан муомила қилганда ўзини эркин тутадиган, тенгдошлари ва ҳатто автобаза директори гапини маъқуллайдиган Игорга бир оз ҳавас ҳам қилади. Бекорга ҳавас қилади. Чунки, ҳақиқий одам — бу, унинг ўзи; Игорь эса — ишёқмас, вайсақи, чиройли сўзлар ишқибози. Бундай одамларга қарши курашиш керак. Курашганда ҳам Крош каби курашиш керак.

«Крош ва унинг дўстлари» — ҳаққоният ҳақида ҳаяжонли ҳикоя. Ёзувчи кўп йиллар мобайнида ҳаёлида олиб юрган фикрларини бу китобида ифодалаганлиги сезилиб туради.

Крош ва унинг ўртоқлари тўққизинчи синфда ўқишади. Улар пионерлик йилидан ўтишган. Шундай экан, нега асар пионерларга бағишланган? Чунки, Крош — пионерлар учун намуна! Крош каби тўғри сўз ва софдил, уддабуро ва жасур бўлишни истамайдиган пионер бўлмаса керак.

Таржимон.

Р

Р 47

Рыбаков Анатолий.

КРОШ ВА УНИНГ УРТОҚЛАРИ. Қисса (Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун.) Т., «Ёш гвардия», 1975.
168 б.

Рыбаков Анатолий. ПРИКЛЮЧЕНИЕ КРОША. Повесть.

Р2

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ЕШ ГВАРДИЯ»
НАШРИЁТИ ЯҚИНДА ҚУЙДАГИ КИТОБЛАРНИ
БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:**

Куддус Муҳаммадий. Табиат алифбеси. 1 хитоб. Шеърлар.

Богданов Н. Довюррак қиз. Қисса.

Седов Г. Сашанинг ҳикоялари (русча).

Фозилов Н. Саратон. Қиссалар.

Алексин А. Акам кларнет чалади. Қиссалар.

Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун

На узбекском языке

АНАТОЛИЙ РЫБАКОВ

ПРИКЛЮЧЕНИЕ КРОША

Повесть

Издательство «Ёш гвардия»—Ташкент—1975.

Редактор С. Сайдалиева
Рассом Н. Мунц
Муқовани А. Зенъкин ишлаган
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Э. Вильданова
Корректор М. Ортиқова

Босмахонага берилди 5/IX-1974 й. Босишга рухсат
этилди 13/XII-1974 й. Формати 60×84¹/₁₆. Босма
листи 10,5. Шартли босма листи 9,76. Нашр.
листи 9,86. Тиражи 30 000. Қоғоз № 1.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-
дия» нашриёти. Тошкент, 700129. Навоий кўчаси,
30, Шартнома 74—73, Баҳоси 44 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти
босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўча-
си, 26. Заказ 1398,

70302—249
P 356—06—75 135-75